Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори ҳаётда бевосита ўз инъикосини топганини англатади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзлаган нутқида гендер масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”[18], деб мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни назарда тутди.

Вашингтондаги Галлуп институтининг президенти ва бош ижрочи директори Джим Клифтон таъкидлашича: “Бутун дунёда ҳосилдорлик пасайиб бормоқда, демак, инсон тараққиёти секинлашади. Ушбу ниҳоятда оғир вазиятни ҳал қилишнинг ягона ечими - тўлик ва самарали иш билан банд бўлган аёллар сонини кўпайтириш. Шунингдек, етакчи лавозимларга кўпроқ аёлларни таклиф қилишимиз керак....бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, аёлларни эркакларникига қараганда етакчилик қобилияти кучлидир. Галлупнинг АҚШдаги ишчи кучи бўйича сўнгги тадқиқотларига аёллар раҳбарлик қиладиган гуруҳлар кўпроқ жалб қилинган, чунки аёллар ўзаро муносабатларни ривожлантиришга мойил. Ва аёллар — менежерлар ва ишчилар иш жойларида фаолроқдир”[17].

### **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).**

Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш учун таълимга, молиявий ресурсларга, сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун ҳақиқий имкониятларни яратиш зарур. Бу БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ХМТ каби халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган механизмлар мавжуд бўлиб, уларни мамлакатимизга татбиқ этишни кучайтирмоқ лозим. Гендер тенглигини таъминлашнинг мукамал институционал асосларини яратиш, шу жумладан ушбу мақсадлар учун тегишли молиявий ва инсон ресурсларини ажратиш даркор. Анъанавий гендер роллар билан боғлиқ стереотипларни йўқ қилишга эришиш учун жамият ҳаётининг барча соҳаларига гендер тенглиги ва гендер стандартлари тамойилларини ҳар томонлама сингдириш, кенг маърифий тадбирлар орқали гендер стереотипларини йўқ қилишга кўмаклашиш зарур. Фуқаролик жамияти, хусусан, нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, хотин-қизлар ва ёшлар ҳаракатлари билан конструктив мулоқот ўрнатиш гендер муаммоларини бартараф этишда самарали ҳамкорликдир.

Хуллас, дунёда гендер тенглиги ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга эришиш керак. Бу нафақат аёлларга, балки бутун инсониятга фойда келтиради. Бу борада дунёнинг турли мамлакатларидаги аёллар ўртасида халқаро ҳамкорлик кучайиб, хилма-хил шаклларга эга: тажриба алмашиш учун қўшма тадбирларни ўтказиш, аёлларни сиёсий ва иқтисодий қарамликдан озод қилиш учун глобал аҳамиятга эга бўлган стратегияларни ишлаб чиқишдан тортиб, энди ривожланиб бораётган миллий аёллар ҳаракатларини моддий қўллаб-қувватлашгача бўлган саъй-ҳаракатлар мамлакатларнинг гендер тенглигига эришишда ўз хиссасини кўшмоқда.

### **Иқтибосар/Сноски/References:**

1. Мирзиёев Ш. Мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз – ҳаётимиз гултожи. //Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Т.4. 2020. – Б. 406.
2. Declaration of the UN Millenium Summit. 2000; 2013. // БМТ Бош котибининг Минг йиллик маърузаси. – Тошкент, 2000. – 12 б.
3. Аҳмедшина Ф. Мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг гендер муаммолари. Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш. -Т.; 2007. 407 б.
4. Права человека. Международный биль о правах человека. – Ташкент: «Адолат», 1992. – 64 с.
5. Дементьева А.Е. Глобализация и проблемы гендерного равенства. Сборник трудов международной научно-практической конференции «Глобализация экономики, региональная интеграция, влияние этих процессов на положение трудящихся государств-участников СНГ». - Москва: Профиздат, 2002, С. 370.

6. Одна из важнейших задач нашего времени. Гендерное равенство. ООН. <https://www.un.org/ru/sections/issues-depth/gender-equality/>
7. Большой толковый социологический словарь.Т.2. – Москва: «АСТ», 1999. – С. 346
8. Права человека – права женщин в Узбекистане (Пособие для тренеров). Т., 2002, с. 214.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 й. № 9. 260- модда.
10. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам). – Тошкент: Адолат, 2004. – 502 б.
11. Обновлённая гендерная оценка по Узбекистану. Мандалуёнг, Филиппины: Азиатский банк развития, 2018 г., 7 С.
12. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши. Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, 2011. [file:///C:/Users/User/Downloads/un\\_uzb\\_Toolkit\\_for\\_Parliamentarians\\_on\\_HD\\_uzb.pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/un_uzb_Toolkit_for_Parliamentarians_on_HD_uzb.pdf)
13. Central Asian Bureau for Analytical Reporting.
14. Матвиенко И. Узбекистан: женщины меньше получают, менее образованны, менее равны.«Giving Voice, Driving Change — from the Borderland to the Steppes Project». <https://cabar.asia/ru/uzbekistan-zhenshhiny-menshe-poluchayut-menee-obrazovanny-menee-ravny>
15. Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан. // Региональная программа «Гендер и развитие» RBEC/UNDP, проект UNOPS, Т, 1999. с. 28.
16. Гендерное неравенство – это вопиющая несправедливость. <https://news.un.org/ru/story/2020/03/1373911>
17. К лучшему будущему для женщин и сферы труда: мнения женщин и мужчин. [www.gallup.com/contact](http://www.gallup.com/contact).
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” 2020 йил 24 сентябрь.




# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Гаффорова Мавлюда Курбонбоевна,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси докторанти,  
соц.ф.ф.д. (PhD)  
e-mail: gaffarova1964@mail.ru

## ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА РАҲБАР АЁЛ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**For citation:** Gafforova Mavlyuda, Formation of the image of a woman-leader in modern conditions. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 33-40

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-4>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, раҳбар аёлларга хос бўлган хусусиятлар, замонавий шароитда раҳбар аёл имижини шакллантириш, уни ташкил этувчи асосий омиллар ва мезонлар, гендер тенглик масаласи, давлат бошқарувида аёлларнинг туганган ўрни, уларнинг раҳбарлик қобилияти билан боғлиқ масалалари очиқ берилган.

Шунингдек, замонавий шароитда Ўзбекистонда бошқарув соҳасидаги раҳбар хотин-қизлардан замонавий сиёсий технологиялардан мунтазам хабардор бўлиш, уларни амалиётда оқилона ва самарали қўллашни, шундай сиёсий технологиялардан бири имижини шакллантириш технологияси эканлиги, давлатни самарали бошқариш учун аёл раҳбарлар фуқароларнинг ҳурмат-этиборини қозониши, ҳар қандай низоли вазиятлардан чиқиши, фуқаролар онгида муайян сиёсий кучларнинг жозибали қиёфасини қарор топтириши борасидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** сиёсий технологиялар, гендер, имиж, раҳбар, замонавий қиёфа, омил ва мезон.

---

**Гаффорова Мавлюда Курбонбоевна,**  
Докторант академии Государственного управления  
при Президенте Республики Узбекистан,  
(PhD) по социологическим наукам.

## ФОРМИРОВАНИЕ ИМИДЖА ЖЕНЩИНЫ-РУКОВОДИТЕЛЯ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

### АННОТАЦИЯ

В статье раскрываются вопросы социально-политической активности женщин в жизни государства и общества, особенности, присущие женщинам-лидерам, формирование образа женщины-лидера в современных условиях, основные факторы и критерии, его

составляющие, проблема гендерного равенства, роль женщин в государственном управлении, их лидерские способности.

Также, анализируется информация о том, что в современных условиях женщина-лидер в области управления в Узбекистане постоянно осведомлен о современных политических технологиях, то есть о технологии формирования имиджа, ее эффективном применении на практике, для эффективного управления государством женщины-лидеры завоевывают уважение и внимание граждан, выходят из любых спорных ситуаций, находят в обществе достойное применение.

**Ключевые слова:** политические технологии, гендер, имидж, лидер, современный внешний вид, фактор и критерий.

**Gafforova Mavlyuda Qurbondoyevna**

PhD of Social science

The Academy of Public Administration under the  
President of the Republic of Uzbekistan,  
Tashkent, Uzbekistan

## FORMATION OF THE IMAGE OF A WOMAN-LEADER IN MODERN CONDITIONS

### ANNOTATION

The article reveals the issues of socio-political activity of women in the life of the state and society, the features inherent in women leaders, the formation of the image of a woman leader in modern conditions, the main factors and criteria, its components, the problem of gender equality, the role of women in public administration, their leadership abilities. Also, the information is analyzed that in modern conditions, a woman leader in the field of governance in Uzbekistan is constantly aware of modern political technologies, that is, about the technology of image formation, its effective application in practice, for effective government, women leaders win the respect and attention of citizens, get out of any controversial situations, find a worthy application in society.

**Key words:** political technologies, gender, image, leader, modern appearance, factor and criterion.

**КИРИШ.** Ҳозирги кунда шиддат билан ўзгариб, тобора янгиланиб бораётган жамиятимиз, замонавий Ўзбекистон ривожига аёлларнинг мавқеи, уларнинг замонавий кифаси, жамиятда тутган ўрни ва ролига доир масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Азалдан аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Ҳозирги даврда мамлакатимиз аёллари ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий, сиёсий, қўйинги, жамият ҳаётининг барча соҳаларида самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда аёлларнинг барча соҳа ва тармоқлардаги ўрни ва таъсири янада ортиб бормоқда. Бунинг тасдиғини республикамизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда, мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди [1].

Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Замонавий Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, мамлакатда кечаётган туб ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада, раҳбар аёл имижини шакллантириш ҳамда ушбу жараён билан боғлиқ масалалар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Бугунги кунда, янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт босқичида, мамлакатимизнинг 6 та туманида ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида малакали аёлларимиз самарали фаолият юритмоқда.

Йирик компаниялар, корхоналар, банк-молия муассасалари, тадбиркорлик субъектларида аёл-рахбарлар, бошқарувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ана шундай катта салоҳиятни янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилган.

Тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳибларининг номлари орасида аёлларнинг ҳам тараннум этиб келинганлигини гувоҳи бўламиз. Аёллар орасида нуфузли маликалар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, истеъдодли шоиралар, зукко санъатшунослар етишиб чиққан.

Халқимиз тарихи зарварақларидан ўзининг жасорати, юксак матонати, ақлу заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас из қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизнинг номлари ўрин олган бўлиб, улар доим юксак эҳтиром ва ифтихор билан тилга олинади.

Тарихий жараёнда ўзбек аёли ҳақида сўз юритар эканмиз, бу борада, Ислом динидаги қарашлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Исломда аёл кишига ҳурмат-эътибор юқори даражага кўтарилади. Зеро, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳам аёл зотига юқори ҳурмат ва эҳтиромда бўлганлар.

Замонавий Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, мамлакатда кечаётган туб ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада, раҳбар аёл имижини шакллантириш ҳамда ушбу жараён билан боғлиқ масалалар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт босқичида, мамлакатимизнинг 6 та туманида ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида малакали аёлларимиз самарали фаолият юритмоқда. Йирик компаниялар, корхоналар, банк-молия муассасалари, тадбиркорлик субъектларида аёл-рахбарлар, бошқарувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Юртимизда ана шундай катта салоҳиятни янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. [2]

Бугунги давр Ўзбекистонда бошқарув соҳасидаги раҳбар хотин-қизлардан замонавий сиёсий технологиялардан хабардор бўлиш, уларни амалиётда оқилона ва самарали қўллашни талаб қилмоқда. Ана шундай сиёсий технологиялардан бири имижни шакллантириш технологиясидир. Чунки, давлатни самарали бошқариш учун раҳбарларнинг фуқаролар ҳурмат-эътиборини қозониши, ҳар қандай низоли вазиятлардан чиқиши, фуқаролар онгида муайян сиёсий кучларнинг жозибали қиёфасини қарор топтириши муҳим шартлардан ҳисобланади.

Бугунги давр Ўзбекистонда бошқарув соҳасидаги раҳбар хотин-қизлардан замонавий сиёсий технологиялардан хабардор бўлиш, уларни амалиётда оқилона ва самарали қўллашни талаб қилмоқда. Ана шундай сиёсий технологиялардан бири имижни шакллантириш технологиясидир. Чунки, давлатни самарали бошқариш учун раҳбарларнинг фуқаролар ҳурмат-эътиборини қозониши, ҳар қандай низоли вазиятлардан чиқиши, фуқаролар онгида муайян сиёсий кучларнинг жозибали қиёфасини қарор топтириши муҳим шартлардан ҳисобланади.

Шахснинг, шу жумладан, етакчи шахсининг ижтимоийлашуви ва ижтимоийлашув жараёнлари В.А. Мальцев[3], Э. Гидденс асарларида атрофлича ўрганилган. Сиёсий етакчилар имижининг шаклланиши, имижмейкерлик фаолиятининг илмий таҳлили рус олимлари Е. Егорова-Гатман[4], А. Цуладзе[5], Д.В. Ольшанский[6], В.Ф. Пеньков[7], В.М. Шепель[8], украин олими Г.Г. Почепцов [9], америкалик олимлар Д. Бурстин, Б. Брюс[10], Б. Бькенен ва Л. Браун[11]лар асарларида ўз аксини топган.

Бу борада, юртимиз олимлари томонидан ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, социолог олимлардан М. Бекмурадов ва Ш Содиқова, [12, 13], У. Қорабоев[14], Д.

Рахимоваларнинг раҳбар имижини шакллантириш бўйича изланишларини таъкидлаш мумкин.

Имижга социологик ёндашувни П.С. Гуревич[15], В.А. Панасюк[16], А.Н. Жмыриков[17] Е. Карцева[18]ларнинг асарларида кўриш мумкин. Хусусан, П.С. Гуревич имижни персонификация деб таърифлаган.

Турли хил илмий изланишлар, хусусан, сўровномалар асосида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, меҳнат инсонга ижодийлик кайфиятини, ташаббусга мойиллик, дўстлар ва яқинлар орасида ҳурмат- эътибор қозониш каби ҳолатни кўлга киритишга имкон беради. Аммо, хотин-қизлар мисолида айнан шу таъриф бир оз баҳсталаб масалага айланмоқда. Гап шундаки, меҳнат ва хизмат соҳасидаги ютуқлардан кўра аёлнинг оила соҳасида эришган муваффақияти, бир сўз билан айтганда, унинг оилавий бахти атрофдаги одамлар томонидан кўпроқ эътиборга олинади ва аёлнинг турмуш сифати, авваламбор, унинг оилавий ҳаёт мазмуни билан белгиланади. Шу муносабат билан, аёл раҳбарнинг профессионал ҳамда оилавий ҳаёти уйғунлашуви маълум маънода махсус илмий изланишлар объектига айланмоқда.

Шу жиҳатдан, шахснинг оилавий ҳаётини ўрганиш, айниқса, аёл раҳбар мисолида илмий изланиш мавзуси сифатида кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Қатор тадқиқотларнинг кўрсатишича, раҳбарнинг оилавий шароити ва шахсий ҳаёти унинг профессионал мавқеига жиддий таъсир кўрсатади. Аёл раҳбарнинг хизматдаги ва оиладаги мажбуриятлари унинг бошқарув поғонасидаги фаолиятини чеклашга, лавозимда ўсишини қийинлаштиришга, унинг турли қийинчилик ва тўсқинликларга учрашига сабаб бўлади. Хусусан, бу борада ўтказилган сўровномада иштирок этган аёлларнинг 13% – асабий толиқишлар, 14% ишчи ва 19% аёл ходимлар – фарзандлари касаллигидан ҳамда уй юмушларидан чарчаш сабабларини кўрсатганлар.

Юқорида қайд этилган муаммолар асосида аёл кишининг ишдаги зўриқиши, вақтдан ютқизиш ҳолатлари, айрим вазифаларни уддалай олмаслик ҳолатларида акс этади ҳамда аёлнинг моҳир раҳбар сифатида фаолият олиб боришига тўсқинлик қилади. Хусусан, ижтимоий фанлар – социологик тадқиқотлар ва психология фанидаги мавжуд изланишларни умумлаштирган ҳолда замонавий аёл киёфасини қуйидагича тасвирлаш мумкин. Энг аввало, тенг ҳуқуқлиликини англаш, ўз имкониятлари ва қобилияти (лаёқати)ни тўла англаган ҳолда жамиятнинг барча жабҳаларида иштирок этишдир. Яна бир муҳим томони шуки, турли ижтимоий роллар – нафақат ижтимоий ва меҳнат фаолияти иштирокчиси, балки “уй бекаси” ва она вазифасини уйғунлаштиришни ҳам англаб етиш керак. Аёллар турли шунга ўхшаш вариантларни танлаб оладилар, ваҳоланки, кўпчилик унинг барқарорлигига, муҳимлигига қараб йўналиш олади. Аёл киши ўз шахсий хислатлари, афзалликлари, усуллари, жиҳатлари орқали аниқ турмуш тарзини ўзи танлаб олади. Лекин, бу танланган йўлда улар “Давлат ва жамият томонидан қандайдир иқтисодий ва маънавий кўмак кутиб яшайдилар. Жамиятда аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги аёл ва эркак ҳақидаги туб маънодаги урф-одатларни ўзгартириб юборади. Аёл киши аксар ҳолларда бундай ҳаёт тарзига бўйсунмади. Тажриба ва қарор қабул қилиш, ўз фикрида қатъий туриш ва бўйсунмаслик эркакларга хос бўлган қарашлардир.

Эркак шахсига нисбатан аёлда ўз туйғуларига қарши бориш хавфи доимо сезилиб туради. Аёл киши жуда юқори тафаккури, ишбилармонлиги ва ишнинг кўзини кўра билишлиги билан алоҳида ажралиб туради. Агар, эркак киши узоқ муддатли режалар тузишга мойил бўлса, келажак режаларини узоқ муддатли кўзда тутса, аёл киши эса аниқ, ишончли, кафолатли натижани шу ерда ва ҳозирги ҳолатларни маъқул кўради. Аёл киши эркак кишига нисбатан ўзи ва ўзгаларнинг хатосини назорат қила олади, у ўз фикр ва ғояларини қоидадек ифода қила олади. У иш ва ўйин-кулгунни фарқлай олади.

Раҳбар аёлнинг хизмат пиллапояларида ўсишида тўсқинлик қиладиган асосий тўсиқ – долзарблик етишмаслиги, муаммоларни ечишда аниқ хулосага кела олмаслик, эскиликка ёпишиб олиш, ўз ҳиссиётига берилиши, майда-чуйда гапларга берилиб кетиши, инсоний муносабатларда қолишидадир. Бу ўзига хос ҳолатлар раҳбар аёл фаолиятида салбий ҳолатни

келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам, бошқарув фаолиятида аёлга эркак киши билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Хўш, аслида эркак ва аёл раҳбарлар муваффақиятга эришишларида маълум фарқ, тафовут мавжудми, деган саволга куйидаги жавобни оламиз. Таниқли олима Ф. Денмарк, катта ҳажмдаги илмий тадқиқотлари асосида шундай хулосага келдики, бошқарув соҳаларида муваффақиятга эришишда сезиларли жинсий тафовутлар кузатилмас экан [19].

**МЕТОДОЛОГИЯ.** Келтирилган мисол ва тадқиқотлар натижасидан аёл раҳбарнинг сифатли имижини пухта ишлаб чиқилган – “ташқи кўриниш” (кийим, ташқи қиёфа, юриш, зарарли одатлар, соғлиқ ҳолати, мижози), психологик (фёъл-атвор, нутқ таснифлари, ахлоқий-этик хусусиятлар, эркакларга муносабат), касбий (тажриба, сиёсий қарашлар, омилкорлик, етакчилик қобилияти) жиҳатларни ўз ичига олиши кераклиги аён бўлди. Аёл раҳбар имижини яратишда нафақат гендер мансубликка, балки сиёсий майл, дастурий баёнотлар, партиявий қарашларга ҳам эътибор қаратиш муҳим. Бу ҳолда, ижтимоий гуруҳларнинг қўллаб-қувватлашига ишонган аёл имижини шакллантиришда баъзи тасниф ва хусусиятларга урғу берилади, бошқа ижтимоий гуруҳга мансуб етакчи-раҳбар имижиде эса бирмунча бошқа нарсаларга урғу берилади.

Замонавий шароитда либос раҳбар аёл обрўини ҳал қилувчи асосий омиллардан биридир. Ахир бекорга айтилмаган, аёлга биринчи галда ташқи кўриниши (кийими, сочи, макияжи, қўлдаги тирноғига, оёқ кийими, лак бўёғининг ранги, парфюм, умумий тартиблигига) ва муомаласига қараб баҳо берилади.

Замонавий фан-техника, айниқса, телевидение, ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти етакчи хотин-қизларни доимо халқ диққат-марказида бўлишини тақозо этади. Бу эса, уларнинг ташқи кўриниши, нутқи, мимикаси ва хатти-ҳаракатларига нисбатан муҳим талабларни қўймоқда. Бу бутун воқеийликни умумлаштириб, имиж деган ном билан атасак бўлади.

Бир қатор тажриба ва кузатиш натижалари бошқа мазмундаги маълумотларни ҳам беради. Раҳбарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, эркак ва аёл раҳбар ўз услубларида шунчалик қарама-қарши жинс хусусиятларини намойиш этадилар. Эркак раҳбар эркакка хос хислатдан ташқари аёлга хос айрим фазилатларни ҳам бошқарув амалиётида қўллашнинг кўрамаи: қўнгилчанлик, нозик дидлик, интуиция (ички сезги). Ўз навбатида, аёллар ҳам эркакларга хос сифатларни ўз фаолиятларида қўллайдилар: мустаҳкам ирода, қатъийлик, фаоллик, тиришқоқлик.

Демак, бошқарув самарасини жинсий мансублик билан боғлаш нотўғридир. Бу ўринда, бошқа омиллар нисбатан аҳамиятлироқ ҳисобланади. Мисол учун, интеллект, қадриятлар, шахс хусусиятлари, маълумот даражаси, бошқарув соҳасидаги тажриба каби кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Имиж бугунги куннинг ихтироси эмас. Шарқда бу сўзни ифодаловчи “сийрат”, “тасаввур”, “сиймо”, “тимсол”, “обрў”, “нуфуз” тушунчалари мавжуд бўлиб, бунда инсоннинг нуфузи унинг фақатгина ташқи кўриниши билан эмас, балки сўз ва амал бирлиги, инсоний фазилатлар, ахлоқий сифатлар билан ўлчанган.

Жумладан, социология фанлари доктори М.Б. Бекмурадов томонидан ўтиладиган “Фаросат илми”[20] ўқув курси ҳам айнан бошқарувдаги раҳбар хотин-қизларнинг имижини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Жамият равнақи, амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятли тақдири кўп жиҳатдан бошқарув аппаратининг самарадорлигига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, раҳбар аёлнинг замонавий қиёфаси, уни шакллантириш ва унда бошқарув соҳасидаги ролини белгилаш эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий психология фан ва амалиёт сифатида охириги йилларда гендер-менежмент дастурлари доирасида хотин-қизларнинг бошқарувдаги ўрни ва роли муаммоларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунда, бошқарувнинг марказий фигураси сифатида аёл шахси ва унинг ўзгаларга таъсир кўрсатиш хусусиятлари масаласи долзарблик касб этмоқда. Чунки, шахснинг ривожланиши ва ижтимоийлашуви муаммоси юксак инфорацион-технологиялар асри бўлмиш ХХI асрда ҳар қачонгидан кўра кучайди, уни тавсифловчи феноменлар доираси

янада кенгайди. Зеро, ўз рухий кечинмаларини бошқариш, яқинлари билан самимий, соғлом муносабатларда бўлиш истаги оддий фуқароларда кун сайин ортиб боргани сари, уларнинг у ёки бу ҳолатига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган раҳбар ва лидер шахсига кўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Бу бевосита муомала, ўзаро таъсир ва ўзлигини ўзгалар олдида намоён эта олиш қобилиятларининг такомиллашувини талаб қилади. Шу боис ҳам, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига дадил кириб бораётган хотин-қизлар ва уларнинг раҳбарлик, лидерлик қобилияти масаласи долзарб ва илмий нуқтаи назардан қизиқарлидир.

Фан назарда тутиши лозим бўлган ҳолатлардан бири шундан иборатки, хотин-қизлар қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, асл табиатидан келиб чиққан ҳолда, кимлардандир жуда кескин фарқ қилишни истамайди, шу билан бирга, ўзига хосликни ҳам сақлашга уринади. Уларнинг ана шу ўзига хос психологияси раҳбарликда эркаклар билан аёлларнинг муайян фарқлари бўлишини тақозо этади.

Аёлларнинг раҳбарлик мавқелари нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, баъзи мураккабликлар келиб чиқадики, бу ўша аёлнинг раҳбарлик фаолиятини уйдлаши учун ўзини қай даражада эркин тутиши билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, раҳбарлик лавозимларидаги кўпгина аёллар ўзларини тутишлари, иш юритишлари, ҳаттоки, одамларга муносабатларда эркакларга ўхшаб кетадилар. Умуман, олганда, эркаклар ва аёллар ўртасида ўхшашликлар ҳам, тафовутлар ҳам мавжуд, лекин тафовутлар ҳаммининг диққатини кўпроқ тортади. Ҳар бир алоҳида олинган эркак ёки аёлнинг шахс сифатидаги индивидуал фарқларидаги тафовут гендер ролларидаги тафовутлардан ортиқроқ бўлса-да, энг муҳим сифатлар нуқтаи назаридан, яъни, тобелик ва эмоционал боғлиқлик сифатларида туб фарқлар бўлгани учун ҳам ижтимоий-психологик фарқлар каттадай туюлади.

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР.** Хусусан, Ўзбекистонда ўтказилган кўплаб тадқиқотларда ўрта бўғин раҳбар аёллари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари борлиги исботланди. Бундай ўзига хосликлар қуйидагиларда ифодаланади:

- аёл раҳбар ўз иш фаолиятида бевосита раҳбарлардан ташқари, ўз ходимларининг фикрларини ҳам инobatга олиб ишлайди;
- аёл раҳбар, энг аввало, ўзи бошқараётган жамоадаги инсонлар ўртасидаги шахслараро муносабатларга кўпроқ эътибор беради;
- аёл раҳбар бирор масалани ҳал қилишда ҳам камида 2-3 киши билан маслаҳатлашиб, сўнг бир қарор қабул қилади;
- аёл раҳбар ишдаги манфаатлар билан оилавий манфаатларни деярли бир даражада аҳамиятли деб қарайди;
- аёл раҳбарнинг ходимларга берадиган кўрсатмалари кўпроқ конструктив шаклда бўлиб, ташаббус кўрсатувчи ходимлар билан келишувлар асосида ишлайди;
- аёл раҳбар ўз ходимларининг шахсий ҳаётлари ҳамда оилавий шароитларини ҳам назоратда тутиб, вақти-вақти билан қизиқиб туради ва ҳ.к.

Шу билан бирга, махсус ўтказилган тадқиқотлар орқали айрим юқори лавозимларда ишлайдиган аёлларга хос хусусиятлар, сифатлар ҳам ўрганилган. Ҳар бир раҳбарнинг шакланган имижи бошқарув соҳасида ва ходимларга нисбатан ўзаро ҳурмат доирасидаги муносабатда, муомаласида билинади. Тўғри, айнан юқори, яъни, давлат бошқаруви лавозимларидаги раҳбар аёллар сони эркакларга нисбатан анча кам бўлса-да, давлат ва ҳукумат раҳбарлигида, ижро ва қонунчилик ҳокимиятининг юқори ўринларида, конгрессларда фаолият кўрсатаётган аёллар шахсий сифатлари шкаласида соф аёллик хусусиятларидан ташқари, эркакларга хос бўлган таваккалчилик, шижоат, матонат, сабр-бардош, фаоллик, интилувчанлик, юқори маданият, аналитик фикрлаш қобилияти каби қатор эркакларга хос сифатларни ўзида мужассам этган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий роллари муҳим эканлиги исботланди. Яъни, аёл киши раҳбарлик лавозими пиллапояларидан юқорига кўтарилгани сари, ўзида эркакларга ўхшаш сифатларни кўпроқ намоён этишга мойил бўлади, оила манфаатларини ҳам секин-аста жамиятликдан кейинги ўринларга кўядиган бўлиб боради.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, айнан катта лавозимлардаги аёлларнинг ноанъанавий сифатлари харизматикми[20] ёки раҳбарлик пиллапояларидан кўтарилган сари орттириладиган сифатларми эканлигини эмпирик материаллар асосида ўрганиш лозим. Ваҳоланки, жамиятнинг тенг ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва салоҳиятидан оқилона ва ўринли, оила манфаатига зиён етказмаган ҳолда фойдаланиш психологик жиҳатдан ўзини оқлайдиган омилдир.

Шу боис, фикримизча, аёл раҳбар имижини, алоҳида тоифага ўтказиб, тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Аёл кишининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини белгилаб берувчи ва, кўпинча, нафақат белгиланган гуруҳлар, балки ижтимоий ва сиёсий институтлар (масалан, оммавий ахборот воситалари) риоя этадиган патриархал қарашлар аёлнинг бошқарув имижини шакллантириш ва оммага ёйишда бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Миллий, ҳудудий-ментал, шахсий хусусиятлар ва тарихий шахсларнинг бошқарувга оид маълумотлари таҳлили аёл раҳбарнинг самарали имижини шакллантиришга зарур бўлган турғун фазилатлар мажмуини аниқлашга имкон беради.

**ХУЛОСА.** Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳаётда ҳар қандай шахс, ҳодиса-воқеа, жараённинг ўзига хос имижини мавжуд. Имиж объекти бўлиб, инсон, ташкилот, халқ, давлат, шу билан бирга, давлат ҳаётининг турли соҳалари кириши мумкин: ҳокимият, иқтисод, армия, ташқи сиёсат ва ҳ.к. Масала имижнинг бор-йўқлигида эмас, балки имижнинг стихияли ва махсус шакллантирилишидадир.

Замонавий шароитда раҳбар аёл имижини шакллантириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиш, давлат ва жамият фаолиятида раҳбар аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада юксалтиришга мақсадли ёндашиш орқали гендер тенглик йўналишида самарали натижаларга эришиш мумкин.

Бу борада, мамлакатимиз олийгоҳларида, хусусан, раҳбар кадрларни тайёрлаш йўналишида фаолият юритувчи таълим муассасаларида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш борасидаги илмий-амалий ўқув жараёнларига эътиборни янада кучайтириш зарур.

Хотин-қизлар ичида раҳбарлик фаолиятини олиб бораётган аёлларимиз кўп, фақат улар ўз фазилатларини намоян қила олмасликлари туфайли юксак баҳо ололмаётганига гувоҳ бўламиз. Улар орасида ўз имижининг ташқи ташкил этувчиларини янада яхшилашни, тузатишни хоҳловчилар кўп, аммо, бундай хизматни таклиф этувчи муайян бир мутахассислар, ташкилотлар деярли йўқ. Олий ўқув юртларида бундай мутахассис-кадрларни тайёрлаш нафақат раҳбар хотин-қизларни, балки халқимиз имижини оширишга ҳам хизмат қилади.

## Иқтибосар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. 2021 й. 6 март // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – president.uz.
2. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мальцев В.А. Основы политологии. – М.: ИТРК, 2002.
4. Егорова-Гатман Е. Политическое консультирование. – М.: Николо-М, 2002.
5. Цуладзе А. Формирование имиджа политика в России. – Москва, 1999.
6. Ольшанский Д.В., Пеньков В.Ф. Политический консалтинг. – М.: СПБ, 2005.
7. Шепель В.М. Профессия имиджмейкер. – Ростов на Дону: Феникс, 2008; Ўша муаллиф. Имиджология. Как нравиться людям. – М.: Народное образование, 2002.
8. Почепцов Г.Г. Имиджеология. – М.: Ваклер, 2000; Ўша муаллиф. Паблик рилейшнз для профессионалов. – М.: Рефл-бук. К.Ваклер, 2001.
9. Bruse V. Images of power. How the Images makers. Shape Our leaders. – L.: Pan books, 1992.
10. Браун Л. Имидж – путь к успеху. Пер. с англ. – Питер: СПб., 1996.

11. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
12. Бекмурадов М. Замонавий бошқарув социологияси. – Т.: Yoshlar uyi nashriyoti. – Б.270.
13. Содикова Ш. Имижеология. –Т.: Akademiya. 2010.144 б
1. Гандапас Р. Харизма лидера. – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2013. С.224
14. Холбеков А., Жумаев Р., Умарова Н. ва бошқ. Бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий йўналишлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.
15. Почепцов Г.Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. – М. Рефл-бук, К. Ваклер, 2001.
16. Ғафуров И. Мангу латофат. – Т.: Шарқ, 2008.
17. Қорабоев У. Имиж ва имижеология. // Жамият ва бошқарув, 1999. – № 1-2.
18. Виткин Дж. Правда о женщинах (14 мифов, сочиненных мужчинами). – СПб: Питер Пресс, 1996.
19. Қалқонов Н. Имиж – маданий тараққиёт маҳсули. Бугунги куннинг раҳбари // Жамият ва бошқарув, 2007. – №4.
20. Удовиченко О.А. Психологические особенности женщины-руководителя в правоохранительной деятельности // Правовая культура, правосознание и образование. – №3 (14). – 2017. С.81-90.




# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Мадрахимов Алишер Махамадibroхимович

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги  
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли  
кадрларни тайёрлаш институти таянч докторанти  
e-mail: alishermadrakhimov.85@gmail.com

## “ЗЎРАВОНЛИК” ТУШУНЧАСИГА СОЦИОЛОГИК ЁНДАШУВ

**For citation:** Madrakhimov Alisher, Sociological responsibility to the concept of “Violence”. Journal of Social Studies. 2021 Special Issue 1, pp. 41-48

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-5>

### АННОТАЦИЯ

Инсоният тараққиётининг барча даврларига хос бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида зўравонлик ижтимоий фанларнинг аксариятида у ёки бу нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Хусусан, инсонлараро муносабатларнинг кўринишларидан бири сифатида социология соҳаси вакиллари ҳам, “зўравонлик” тушунчаси қизиқтириб келади. Шу сабабли сўнгги йилларда ушбу тушунчани кўплаб хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларида тез-тез учрамоқда.

Ушбу мақолада бугунги кунда таълим тизимида долзарб масалалардан бири сифатида юзага келган зўравонлик масалалари ёритилади. Мактаб ўқувчиларининг бир-бирларига нисбатан зўравонлик ҳодисаси тобора кучайиб борар экан, унинг сабабларини аниқлаш ва уларни олдини олишни ташкил қилиш бўйича ишларни кучайтириш масалаларига эътибор қаратиш талаб этилади. Айниқса унинг назарий жиҳатларини ўрганиш орқали ушбу тушунчага социологик ёндошилиб, ушбу ҳодисани мазмун моҳиятини очиб-беришга ҳаракат қилинди.

**Таянч сўзлар:** зўравонлик, ўқувчилар зўравонлиги, мактаб ўқувчилари, мактабдаги зўравонлик

Мадрахимов Алишер Махамадibroхимович

Базовый докторант Института изучения проблем  
молодежи и подготовки перспективных кадров при  
Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан  
e-mail: alishermadrakhimov.85@gmail.com

## СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К КОНЦЕПЦИИ «НАСИЛИЯ»

### АННОТАЦИЯ

Насилие как социальное явление, характерное для всех периодов человеческого развития, так или иначе изучается в большинстве социальных наук. В частности, понятие

«насилие» представляет интерес для социологов как одно из проявлений человеческих отношений. По этой причине в последние годы данное понятие стало более распространенным в исследованиях многих зарубежных и отечественных ученых.

В этой статье обсуждаются проблемы насилия, которые на сегодняшний день стали одной из самых острых проблем в системе образования. Поскольку феномен насилия школьников друг против друга усиливается, необходимо уделять внимание усилению работы по выявлению его причин и организации их предотвращения. В частности, путем изучения его теоретических аспектов, социологического подхода к этой концепции была предпринята попытка раскрыть сущность содержания этого явления.

**Ключевые слова:** насилие, насилие школьников, школьники, насилие в школе

**Madraximov Alisher Mahamadibroximovich**

Basic doctorate of the Institute for Research of Youth Problems and Training Prospective Personnel under the Agency for Youth Affairs of the Republic of Uzbekistan  
e-mail: alishermadrakhimov.85@gmail.com

## SOCIOLOGICAL APPROACH TO THE CONCEPT OF “VIOLENCE”

### ANNOTATION

Violence as a social phenomenon specific to all periods of human development has been studied in one way or another in most of the social sciences. In particular, the concept of "violence" is of interest to sociologists as one of the manifestations of human relations. Therefore, in recent years, this concept has become more common in the research of many foreign and domestic scientists.

This article discusses the issues of violence that have emerged as one of the most pressing issues in the education system today. As the phenomenon of violence against each other by schoolchildren increases, attention needs to be paid to strengthening the work on identifying its causes and organizing their prevention. Especially through the study of its theoretical aspects, a sociological approach to this concept was attempted to reveal the essence of the content of this phenomenon.

**Keywords:** violence, schoolchildren's violence, schoolchildren, violence in school

**КИРИШ.** Халқаро глобаллашув тенденциялари давлатлар ўртасидаги чегараларни олиб ташлаш билан бирга, турли халқлар ўртасидаги ўзига хосликларни ҳам секин-аста емириб бормоқда. Натижада халқларнинг ўзига хос ижтимоий қиёфаси, хусусан уларнинг ахлоқ-одоби, ҳуққ-атвори билан боғлиқ жиҳатлари ҳам, бир-бирлариникига ўхшаб бормоқда. Бу жараёнлар силсиласида айниқса бошқа халқларга хос салбий хусусиятларнинг Ўзбекистонга шитоб билан кириб келаётганлиги натижасида катта ҳаётга тайёр бўлмаган ўсир-ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг тарбиясида салбий хусусиятларнинг яққол намоён бўлиб бораётганлиги ташвишланарлидир. Ана шундай алоҳида эътибор талаб ҳолатлардан бири – мактаб ўқувчилари ўртасида безбетлик, ҳурматсизлик, бетгачопарлик, безорилик ва айниқса зўравонликнинг тобора даҳшатли тус олиб бораётганлиги республика жамоатчилигида ҳақли эътирозларни юзага келтирмоқда.

Мактаб ўқувчилари ўртасида бир-бирларига нисбатан зўравонлик ҳодисаси тобора кучайиб борар экан, унинг сабабларини аниқлаш ва уларни олдини олишни ташкил қилишда ушбу ҳодисаларнинг назарий жиҳатларини, яъни асосий тушунчаларга турли соҳа олимларининг ёндашувлари, уни турли мактаблар томонидан тушунтиришдаги ўзига хосликларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** “Зўравонлик” тушунчаси унга ўхшаш “зўрлик”, “зўравон”, “зўриқиш” каби ўзбек тилига форс-тожик тилидан кириб келган “зўр” (куч, қудрат, уриниш, тазйиқ, зулм) сўзи негизида ясалган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, ушбу тушунчанинг ўзбек тилидаги маънолари: 1) куч-қувват, қудрат, таъсир; 2) уриниш, ҳаракат; 3)

кучли, шиддатли зарб, кучлилик; 4) зўрлик, зўравонликдан иборат[14, - Б.166]. Бундан кўриниб турибдики, зўравонлик бу куч-қудратдан фойдаланган ҳолда, субъектнинг объектга мақсадли таъсирини англатади. Бу хулосага келишимизда тушунчанинг инглиз тили ва рус тилларидаги маъноларига ҳам таянилади.

Луғатларда ўзбек тилидаги “зўравонлик” тушунчасининг инглизча таржимаси сифатида келтирилган “violence” маъноси ҳам, “одамларга зарар етказиш учун қилинган ҳаракатлар ёки сўзлар; жуда кучли зарба; одамларга зарар етказишга қаратилган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ўта кучли ҳаракатлар; ирқий/этник/оиладаги зўравонлик” маъноларида ишлатилади[1]. Худди шунингдек, рус тилидаги “насилие” тушунчаси ҳам, “қўпол жисмоний куч ишлатиш ёки ахлоқий босим; бирон нимага ғайритабiiй таъсир кўрсатиш” маъноларида ишлатилади[5].

Инсоният тараққиётининг барча даврларига хос бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида зўравонлик ижтимоий фанларнинг аксариятида у ёки бу нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Хусусан, инсонлараро муносабатларнинг кўринишларидан бири сифатида социология соҳаси вакиллари ҳам, “зўравонлик” тушунчаси қизиқтириб келади. Ушбу тушунчани кенг ўрганган россиялик тадқиқотчи А.А.Гусейнов зўравонликни “эркин ироданинг ишғол қилиниши, инсонлараро муносабатнинг шундай кўринишики, бунда бир томон ташқи босим ёрдамида иккинчи томонга ўзининг иродасини ўтказиши” деб таърифлаган[9, - Б.32]. Айни ўринда, А.Гусейнов ва Р.Гаспарянлар иккинчи томоннинг розилиги билан босим ўтказилишини зўравонлик деб бўлмаслигини айтиб ўтадилар. Яъни, “ўқитувчи-ўқувчи, қонун чиқарувчи-фуқаро” муносабатларини зўравонлик деб баҳолаш керакмаслигини таъкидлайдилар[9, - Б.32]. Ваҳоланки, бу ҳолатларда ҳам, бир томон иккинчи томонга ташқи босим остида ўз иродасини ўтказиши.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, зўравонлик тушунчаси турлича талқин қилинадиган, тушуниладиган атама бўлиб, ҳуқуқий меъёрларда ҳам, бу тушунчага етарли таъриф берилмаган. Гарчи, жинсий ҳуқуқда қатор нормаларга таъсир кўрсатувчи ҳолат бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига ҳам, ушбу тушунчага таъриф берилмаган.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан бу тушунча биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида келтирилган бўлиб, унда “**зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)” эканлиги белгилаб қўйилган[19].

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида эса, зўравонлик ҳодисасига изоҳ берилмагани ҳолда, унинг шакллари кўрсатиб ўтилган. “Болаларни эксплуатация қилиш ва уларга нисбатан зўравонлик шакллари сифатида жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик, қийноқларга солиш ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомала, шахвоний шилқимликлар, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилиши” тушунилиши белгилаб қўйилган[16].

Энциклопедик манбаларда бу тушунча бир мунча ёритилган бўлиб, хусусан “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да “шахснинг конституция билан кафолатланган шахсий дахлсизлиги бузилишига сабаб бўладиган, бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиши” эканлиги билдирилган[15, - Б.47]. “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”да эса, “зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши” айтиб ўтилган[20, - Б.199].

Халқаро ташкилотлар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таклиф этилган таърифга кўпроқ таянадилар. Унга кўра, зўравонлик “ўзи ёки бошқаларнинг жароҳатланиши, ўлими, руҳий зарба олиши, нотўғри ривожланиш ёки маҳрум бўлишга олиб

келиш эҳтимолини оширувчи жисмоний куч ёки ҳокимиятдан фойдаланиш, фойдаланишга ҳаракат қилиш ёки таҳдид қилиш” деб кўрсатилган[6].

Юқорида келтирилган таърифлар кенг омма ва барча ҳолатлар ёки имкон қадар кўпроқ ҳолатларни ифодалашга қаратилганлиги сабабли, “зўравонлик” тушунчасининг мазмунини кенг тушунтириш имконияти чекланган. Шу боисдан, бу тушунчанинг илмий адабиётларда ёритилишини таҳлил қилиб кўриш талаб этилади.

Илмий адабиётларда зўравонлик ҳодисасига турлича ёндашувлар шаклланган бўлиб, кенг тарқалгани уни “агрессия” тушунчаси билан изоҳлашдир. МДХ давлатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам, ушбу тушунча кўпроқ психологлар томонидан ўрганилган, ғарб давлатларида эса, агрессия социологлар томонидан ҳам кенг ўрганилади. Ушбу адабиётларда “агрессия” - бу индивидга хос бўлган (туғма) сифат (ёки қобилият) бўлиб, ушбу хусусият ва индивиднинг ўрганиш қобилиятига мос равишда, ўзини ҳимоя қилишдан тортиб, то шафқатсизликкача бўлган турли (ўрганилган ва ижтимоий шартли) индивидуал ва жамоавий шаклларда намоён бўлувчи хатти-ҳаракат усуллари деб тушунтирилади[3, - Б.18]. Кўриш мумкинки, “тажовузкорлик” сифатида қабул қилинадиган фаол хатти-ҳаракатларнинг муайян шакллари ижоий мазмунда бўлади ва ҳатто жамият томонидан маъқулланади. Бунга ёрқин мисол сифатида спорт мусобақаларидаги ёки рақобат муҳитидаги тажовузкор хатти-ҳаракатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Олимлар тажовузкорлик ва зўравонликнинг ўртасидаги фарқлар ва ўхшаш жиҳатларни таҳлил қилишга интилиб келадилар. Зўравонлик атамаси жуда кенг соҳаларда ва ҳатто бир-бирига умуман алоқаси бўлмаган ўринларда қўлланиб келинади. Масалан, дарахтни синдириш табиатга нисбатан зўравонлик дейилса, мактаб ўқувчиларини ўзаро муштлашиши мактабдаги зўравонлик бўлади. Тор маънода зўравонлик “... одамлар ёки нарсаларга тўғридан-тўғри мақсадли жисмоний таъсир. Ушбу шаклда биринчи навбатда жисмоний кучдан фойдаланиш назарда тутилади”[4, - Б.49]. Зўравонликга ушбу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, фақат хулқ-атворнинг кузатилган элементларига урғу берилади, шунинг учун ҳодисани илмий таҳлил қилиш имконияти осонлашади. Бироқ, социологияда барча ҳодисаларни ёки жараёнларни ижтимоий маънода таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Натижада жисмоний зўравонлик тушунчаси жуда ноаниқ бўлиб қолади, чунки жисмоний куч ишлатишга оид ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар ҳар хил. Ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида ҳам зўравонликни тарихий, маданий ва ҳуқуқий жиҳатдан турли талқинларда кўриш мумкин. Тарихий ва маданий нуқтаи назардан, болаларга жисмоний таъсир қилиш ёки уларнинг ўзаро муносабатлари оқибати (кўкаришлар, зарбалар, сийрилиш) аниқ вазиятга қараб турлича ёндашувни (ижобий, бефарқ ва бутунлай инкор этишгача) келтириб чиқариши мумкин. Ҳуқуқий нуқтаи назардан эса, замонавий талқинда болаларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай жисмоний таъсирни бутунлай инкор қилади.

Бошқа шакллар сифатида вербаль, руҳий ва тузилмавий зўравонликларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Мактаблардаги зўравонликларни ўрганишда ушбу ҳолатларни эътиборга олиш лозим. Чунки, “... ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, камситиш, нафратланиш жисмоний тазйиққа қараганда кўпроқ зарар келтиради”[3, - Б.21]. Руҳий зўравонлик кўпинча жисмоний зўравонлик билан биргаликда амалга оширилади ва бунинг таъсири янада кучли бўлади. Ушбу хатти-ҳаракатни кузатиш мумкин бўлса-да, уни ўрганиш ва текшириш қийин кечади. Мазкур ҳолатда зўравонлик сифатида баҳолашга қўлланилган сўз, ўзини тутиш, имо-ишоралар ва шу кабиларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли, зўравонликни аниқлашда ўзаро муносабатларни субъектив баҳолаш муҳимдир. Бир хил айтилган сўзни бир инсон ҳақорат сифатида қабул қилса, иккинчиси унга умуман эътибор бермаслиги мумкин. Тузилмавий зўравонлик тушунчаси норвегиялик олим Ж.Галтунг томонидан киритилган бўлиб, шахс учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жисмоний ёки ақлий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятининг чекланишига олиб келадиган ҳар қандай таъсир тушунилади[2, - Б.167].

Бундай ҳолда, зўравонлик билвосита амалга оширилади, зўравонлик ва зўравон шахси умумий қаралади. Бу М.Вебернинг ҳокимият ва ҳукмронлик тўғрисидаги назарий

қарашларига ўхшашлиги сабабли, оддий ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиши мумкин. Лекин шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бугунги кундаги ижтимоий тенгсизликнинг ботинида жуда катта зўравонлик потенциали яширинган.

Умуман олганда ҳар қандай зўравонликни илмий тадқиқ қилишда уни бошқа ҳодисалардан фарқловчи учта асосий мезонни ажратиш керак бўлади: 1) зўравонлик мақсадида воситалардан, шу жумладан ўзини жисмоний кучидан ҳам фойдаланиш; 2) мазлумга руҳий ёки ижтимоий мазмундаги зарар етказилганлиги; 3) зўравонлик субъектига зарар етказиш мақсадининг мавжудлиги.

Умуман зўравонлик ҳодисасига ёндашишда тадқиқот жараён субъектларидан келиб чиқиб, олимлар иккита катта йўналишга ажраладилар: Гобс, Маркс, Вебер каби бир гуруҳ тадқиқотчилар бутун жамиятдаги муаммо сифатида қараб, зўравонликни жамиятдаги ижтимоий муаммолар билан биргаликда ўрганадилар[8, - Б.292]. Вакиллари кўпроқ психологлар бўлган иккинчи гуруҳ олимлар эътиборларини кўпроқ шахслараро муносабатларга, иккита шахс ўртасидаги зўравонликнинг сабабларини ўрганишга қаратадилар ва юқорида айтиб ўтилганидек, зўравонликни агрессия билан изоҳлашга ҳаракат қиладилар.

Гобс ва унинг издошлари ёндашувларида “ижобий” ва “салбий” маънодаги зўравонликлар ҳақида сўз боради. Хусусан, М.Вебер давлат маълум бир ҳудуд доирасида легитимлашган зўравонлик монополиясига эгалик билан белгиланиши ҳақида гапиради[7, - Б.292] Яъни, ўз ҳудудида давлат зўравонлик кўрсатиши унинг давлатчилигини белгилаши сабабли, бу қайсидир маънода “ижобий” ҳодиса деб ҳисоблайди. Вебер ва бошқаларнинг бу қарашлари, албатта сиёсий тизимларда зўравонликни оқлашга қаратилган бўлсада, у жуда оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи ёндашув сифатида қаралиши керак. Бу борада, яъни давлатчиликни белгиловчи хусусият масаласида, улардан кўра, Ж.Ж.Руссонинг ижтимоий келишув асосида фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўз иродаларини давлатга бўйсундиришлари ҳақидаги ғоялари ахлоқий нуқтаи назардан маъқул бўлиб кўринади[12, - Б.146]. Чунки, Гобс, Маркс, Веберларнинг ёндашувларига таянган ҳолда, кейинчалик Л.Троцкийга ўхшаганлар “давлат террорини” оқловчи ғояларни илгари сурдилар ва амалга ошириш орқали миллионлаб одамларнинг қириб ташланишига замин яратдилар. Зўравонликка нисбатан умумий ёндашувда бутун жамият томонидан у салбий баҳоланиши ва хатти-ҳаракатларнинг номақбул шакли сифатида қабул қилиниши керак.

Бугунги кунда зўравонликни бир бирига мос келмайдиган, қарама-қарши мақсадларга эга томонлар ўртасидаги муносабат, ижтимоий соҳадаги зўравонлик эса, шахсинг, ижтимоий гуруҳларнинг, этник гуруҳларнинг, халқларнинг, давлатларнинг манфаатлари, психологик муносабатлари қарама-қаршилигининг ўта кескин кўринишда намоён бўлиши сифатида қаралади[13, - Б.109].

Ривожланган давлатларда жамоатчиликни кўпроқ ташвишга солаётган ҳодисалардан бири – мактаб ўқувчилари ўртасида бир-бирига бўлган зўравонлик ҳолатлари бўлиб, уларнинг иккита кўриниши фарқланади: 1) буллинг (инглизча “bullying” – безорилик), бир ўқувчининг иккинчи ўқувчига нисбатан устунлигини намоён этиш мақсадида турли шаклда зўравонлик кўрсатиши, одатда буллинг бошқа бефарқ “томошабинлар” кўз ўнгида амалга оширилади; 2) моббинг (инглизча “mob” – оломон), бир гуруҳ ўқувчиларнинг битта болага нисбатан амалга оширадиган зўравонлиги.

Мактабларда юз берадиган зўравонлик ҳодисасини тизимли таҳлил қилишда тизим ясовчи бошқа элементлар – муҳит, маданият, тузилма, оила ва маҳалла кабиларнинг ўрнини ҳам таҳлил қилиш муҳим ўрин тутади. Масалан, Ўзбекистонда XX асрнинг охирилари ва XXI асрнинг бошларида бутун жамият миқёсида инсон ҳуқуқларига эътиборнинг кучайиши, айти пайтда ижтимоий масъулиятнинг кўпчилик фуқароларда сусайиб бораётганлиги мактаблардаги тарбия жараёнларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Ўрта мактаб ўқувчилари ўртасидаги, айниқса ўсмирлараро зўравонлик ҳодисаларининг кўпайишига олиб келган асосий омиллардан бири бўлди.

**МЕТОДОЛОГИЯ.** Мактабларда тобора кўпайиб бораётган ўқувчилар ўртасидаги зўравонликларни ёритишда кўпроқ мактаб жамоаси, педагогларнинг нўноқлиги, оилада ота-онада педагогик маҳоратнинг етишмаслиги каби омиллар билан боғлаб тушунтиришга интилишлар кўп кузатилади. Булар ҳам албатта салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, булар айсбергнинг кўриниб турган сув юзасидаги қисми бўлиб, асл сабаблар жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизимидаги қатор ўзгаришлар билан боғлиқ. Хусусан, социолог тадқиқотчи А.Б.Юнусов девиант ҳолатлар намоён бўлиш хусусиятларини таҳлил қилар экан, бунга жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлар ва уларни турлича талқин қилиниши, жамиятда ўрнатилган кадрият мўлжалларининг аниқ эмаслиги ва бунинг натижасида айнеқса, ўсмир-ёшлар ҳаётий кадриятларни аниқлаштириб олишда қийинчиликларга учраётганликлари, жамиятдаги ижтимоий институтлар ҳам, турли камчиликлар билан ишлаётганлиги каби ҳолатлар ва яна бошқа кўплаб бизнинг назаримиздан четда қолаётган омиллар биргаликда жамиятда оғма хулқ-атвор намоён бўлиш кўрсаткичларининг ошишига олиб келаётганлигини таъкидлайди[21, - Б.49]. Бу Э.Дюркгейм ва Р.Мертонларнинг “аномия” қоясига таянган ҳолда, бугунги кун Ўзбекистондаги ўқувчи-ёшлар ўртасидаги зўравонлик (буллинг) ҳодисаларини назарий тушуниш имконини беради, дейиш мумкин.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатлари марказида ёшлар ва уларни иш билан таъминлаш масаласи асосий ўринда туради. Давлат мутасадди ташкилотлари томонидан Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби тузилиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу ўз вақтида фуқаролар орасидаги камбағалликни ҳам олдини олади.

Мономарказ фаолиятининг афзаллик томонлари шундан иборатки, унда мнат бозорлари эҳтиёжларига мувофиқ келувчи 22 турдаги ишчи касблар ва хорижий тил ҳамда тадбиркорлик фаолиятини шакллантирувчи 2 ойдан 4 ойгача бўлган ўқув курслари ташкил қилинади. Қисқа вақт оралиғида ёшларнинг меҳнатга лаёқати, ишчанлик характери ижобий шаклланади.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сонли «**Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**» ги Қарори асосидаги Давлат Дастурига асосан мамлакатимизда меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими жорий этилиб, унга кўра барча ҳудудларда уларнинг бандлиги таъминлашга устувор масала сифатида эътибор қаратилмоқда.[1]

Қарорга асосан, 2021 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ишга марҳамат» мономарказлари ташкил этилиб, бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказлари ташкил этилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳри туманларида қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари ташкиллаштирилиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкилланиб, Вазирлик доимий равишда нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини жалб қилиб, аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитишни ташкил этиш вазифаси белгиланган. Бунда, хусусий сектор имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этаётган хусусий инвесторларга қуйидагилар давлат ёрдами сифатида кўрсатилади:

- 1) нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этиш учун Вазирликнинг «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг, касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг бинолари ёки уларнинг бир қисми ҳамда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бошқа бўш турган бинолар ёки уларнинг бир қисми оператив бошқарувга ёки узоқ муддатли имтиёзли ижарага олиниб, ўқув дастури ва ўқитувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқи берилади;
- 2) касб-хунарга ўқитиш марказлари бинолари бир қисми берилган тақдирда мазкур марказларнинг ўқув жиҳозлари ва анжомлари имтиёзли равишда фойдаланишга топширилиб нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ўқитиш учун давлат буюртмасининг кафолатланган энг кам даражасини белгилаш билан бирга нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари олинаётган давлат ёрдами эвазига қуйидагиларни таъминлайди:  
-касб-хунарга ўқитиш ва кўникмаларни баҳолаш сифатининг ташқи ва миллий меҳнат бозори талабларига мослигини;

-ишсиз, камбағал фуқароларни касб-хунарга ўқитиш харажатларини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан тўланаётган давлат буюртмасининг микдоридан оширмаслик;

-касбий кўникмалари баҳоланаётган фуқаролар тўғрисида маълумотларни Вазирликнинг Тасдиқланган малакага эга шахслар Миллий реестрига қўшиш учун тақдим этишни;

-нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида таълим олган ҳамда WorldSkills ва бошқа халқаро стандартлар даражасида касбий малака сертификатини (Skills паспорти) олган битирувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги имтиёзлар берилади:

-касб-хунарга ўқиш ва малака имтиҳонини топшириш харажатларини қоплаш;

-тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилганлик учун рағбатлантириш субсидияларини ажратиш;

-ўз бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратишга йўлланма бериш.

Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби тузилиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш дастури ишлаб чиқилди.

Мономарказда ўқитиш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланиши белгиланган:

-меҳнат органлари йўлланмаси билан юборилган ишсиз фуқароларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

-бошқа фуқаролар учун — фуқароларнинг ўз маблағлари ёки ўз ишчиларини касбий малакасини ошириш учун (касбий ўқитиш, қайта ўқитишга) юборган иш берувчилар ёки янги ишчиларни касбга тайёрлаш учун буюртма берган ташкилотлар маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ўқитиш белгиланган.

Молия вазирлиги «Ишга марҳамат» мономарказларини касб-хунарга ўқитиш марказларини сақлаш, қайта таъмирлаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг иш ҳақларини тўлаш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча равишда 150 миллиард сўм маблағ ажратиш белгилаб кўйилган.

2021 йил 1 январдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилиши йўлга қўйилиб ва касбий малакаси тасдиқланган битирувчиларнинг Ягона реестри шакллантирилди.

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради, бироқ, таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмайди.

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолият йўналишлари Вазирлик томонидан белгиланиб, уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, хўжалик фаолияти натижасида тушган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон Фармонида мувофиқ касбга ўқитиш марказларини ташкил этиш учун Вазирлик тизимига берилган касб-хунар коллежларидаги хорижий грант ва кредитлар ҳисобига сотиб олинган жиҳоз ва ускуналардан ушбу касбга ўқитиш марказларида ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш мақсадларида фойдаланиб, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини,

шунингдек ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижий мамлакатларда ишлаш учун кетаётган ва «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари, хорижий тиллар ва касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун кетишдан олдин давлат ёки нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларига, ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда «уста-шогирд» мактабларига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортик бўлмаган миқдорда грантлар ажратилиши белгиланиб, ҳудудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни давлат ёки нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида, бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда «уста-шогирд» мактаблари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида амалга ошириш вазифалари белгиланган. Ёшларни “Устоз-шогирд” анъаналари асосида меҳнатга жалб қилиш нафақат улардаги касбга бўлган масъулиятни кучайтиради, балки ёшларни миллий менталитетга бўлган ҳурматини ҳам оширади. Касб сирларини ўрганишда назарий тушунчаларни билишнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун шартнома тузиш жараёнларида юқоридаги ҳолатларни инобатга олиш лозим.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кўпчиликни ташкил этган Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Екатеринбург, Новосибирск шаҳарларида ва бошқа ҳудудларида давлат ҳамда нодавлат таълим муассасалари ва марказлари билан музокаралар олиб бориб, мазкур ҳудудларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касб-хунарга ва рус тилига, айниқса, кечки пайт (иш вақтидан кейин) ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан ўқитиш учун жой, ўқув қўлланмаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш бўйича ўзаро келишувларга эришилди. Бу Ўзбекистонлик фуқароларни Россия ҳудудидаги эркин меҳнат фаолиятини белгилаш билан бир қаторда инсонпарварлик механизмига асос бўла олади. Россия халқлар дўстлиги университети (РУДН), «Молодые профессионалы (WorldSkills Russia)» иттифоқи ҳамда бошқа таълим ва касбий малакани баҳолаш муассасалари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерациясида касб-хунарга ва рус тилига ўқитилишини ташкил этишда ҳамкорлик ўрнатиш чораларини кўриш мақсадида хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий-гуманитар қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Россия Федерациясида касб-хунарга ва рус тилига ўқитиш харажатлари Вазирлик ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилган.

Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи давлат ва нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг самарали фаолият юритишини ҳамда сифатли ва халқаро стандартларга жавоб берадиган касб-хунарга ўқитиш тизими жорий этилишини ташкиллаштирган. Шунингдек ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжлари асосида қисқа муддатларда замонавий касбий кўникмаларга ўқитишнинг самарали дастурлари ишлаб чиқилиб, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга тайёрлашда ва уларнинг бандлигини таъминлашда хусусий сектор вакиллари билан узвий ҳамкорлик қилиниб, уларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратилиб, грантлар ажратилмоқда.

Давлат Дастурига кўра, барча ҳудудларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга устувор масала сифатида эътибор қаратилади. **Аҳолининг кўп қатлами ёшлар эканлигини ҳисобга олган ҳолда, улар орасидаги ишга лаёқатсизликни олдини олиш, ўз эгаллаган касби бўйича кўникмаларни амалда қўллай олиш компетенциясининг ҳам шакллантириш**

**муҳимлиги учун ҳам устувор масала. Давлат сиёсати даражасидаги бу вазифа натижасида ёшлар бандлиги таъминланар экан, улар орасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг ҳам олди олинган бўлади.**

«Ишга марҳамат-мономарказларида» ишсиз ёшлар икки, уч ва тўрт ойлик курсларни тугатгач, ўқувчилар мономарказ томонидан тақдим этилган малака сертификатига эга булади. Ва ўз йўналишида мустақил иш бошлаши мумкин. Эътиборлиси ушбу сертификат кабс-хунар коллежи дипломига тенглаштирилган. Асосан «Ишга марҳамат-мономарказига Ёшлар дафтарига тушган ёшлар жалб қилинипти.

2021 йил 11 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича Ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳукукий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишнинг доимий молиявий манбаларини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, Қарор билан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди. Низомга кўра, «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари, жумладан, қуйидагиларга йўналтирилади:

- «Ёшлар дафтари»га киритилган моддий аҳволи қийин ёшларга БХМнинг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатишга;
- ёшларни тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланадиган харажатларнинг 75 фоизигача қисмини қоплашга;
- «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини кўпи билан бир йилда БХМнинг 25 бараваригача миқдорда қоплашга;
- «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун БХМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;
- мамлакатимиздаги ОТМда ўқиётган «Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандлари тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб беришга;
- «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг аҳволи оғир бўлган бемор фарзандларига мамлакатда ёки хорижий давлатда даволаниш билан боғлиқ харажатларни БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қоплашга йўналтирилиши белгиланган[2].

Юртимизда ёшларнинг меҳнат бозорларида бандлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда моддий эҳтиёж бўлиб қолмасдан, маънавий масала сифатида талқин қилиниши ҳам бежиз эмас. Ҳар қандай шахс юрт келажаги учун муносиб ҳисса қўшиши керак. Шундагина у фуқаролик ва инсонлик мезонларини бажарган бўлади. Ёшларни иш билан таъминлаш мураккаб жараён. Бу жараёнда ёшларнинг салоҳияти билан бир қаторда улардаги психологик хусусиятлар ҳам инобатга олинади. Иш берувчи ва ёш ходимлар ўртасида тузиладиган шартнома бандларида раҳбар ва ходим этикетларига амал қилиниши натижасида юқори самарага эришиш табиийдир.

**МЕТОДОЛОГИЯ.** Ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларнинг жамиятдаги мавқейини тиклаш ва меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлиш учун амалга оширилаётган давлат сиёсатлари ўз самарасини бермоқда. Бунинг биргина инновацион тарзда ташкил қилинган «Ишга марҳамат» Мономарказлар фаолияти мисолида кўрадиган бўлсак, бундай марказларда турли замонавий касблар асосида ёшларни иш билан таъминлаш бош масала қилиб белгиланган. Марказ фаолиятидаги энг муҳим жиҳат, қисқа вақт ичида ёшларни меҳнат бозоридаги талаб юқори бўлган касбларга тайёрлайди. Мономарказда қурилиш, техник мутахассислик, сервис ва хизмат кўрсатиш, компьютер саводхонлиги, компьютер ва молиявий саводхонлик, хорижий тиллар бўйича мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Ўз тадбиркорлик фаолиятини, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар учун ҳам қулай имкониятлар яратилган. Ўқув курслар давомида тадбиркорлик ҳуқуқи, бозор иқтисодиёти, бизнесни юритиш қоидалари, молиявий саводхонлик, солиққа тортиш асослари, экспорт ва импорт операциялари, маркетинг асослари бўйича энг сўнгги замонавий билимлар бериб борилади.

Ҳамкорлик масаласида ҳам Мономарказ илғор тажрибаларга таянади. Россия, Корея, Хитой, Япония давлатларида фаолият олиб бораётган ўзбек миллатига мансуб ёшлар ҳуқуқи давлатлар томонидан кафолатланган. Бугунг кунда Мономарказ хорижий тиллар бўйича инглиз, япон, корейс, хитой ва рус тилларини ўргатишни йўлга қўйган.

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР.** Аҳоли орасида ишсизлик ва камбағалликни олдини олиш мақсадида юртимизда тизимли ислохотлар фаолият юритиб келмоқда. Айниқса, Мономарказлар фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ. 2021 йил 1 январдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилиши йўлга қўйилиб ва касбий малакаси тасдиқланган битирувчиларнинг Ягона реестри шакллантирилди.

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради, бироқ, таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмайди.

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолият йўналишлари Вазирлик томонидан белгиланиб, уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш харажатлари Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, хўжалик фаолияти натижасида тушган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

## КАМБАҒАЛ ВА ИШСИЗ ФУҚАРОЛАР

замонавий касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилади

Манба: ПҚ-4804, 11.08.2020 й. @huquqiyaxborot

**ҚУЙДАГИЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:**

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **“Ишга марҳамат” мономарказлари**
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги** касб-хунарга ўқитиш марказлари
- **Тошкент шаҳри туманларида** қисқа мuddатли касб-хунарга ўқитиш курслари
- **Маҳалла аҳолисини** касб-хунарга ўқитиш масканлари
- **Нодавлат** касб-хунарга ўқитиш муассасалари

**Нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этаётган хусусий инвесторларга, жумладан, қуйдагилар ДАВЛАТ ЁРДАМИ сифатида кўрсатилади:**

“Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг **оператив бошқарувга ёки узоқ мuddатли имтиёзли ижарага берилади**

ўқув дастури ва ўқитувчиларни **мустақил танлаш ҳуқуқи берилади**

**2021 йил 1 январдан** “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг кабий малакаси **WorldSkills** стандартлари асосида баҳоланади

Битирувчиларга Ўзбекистон ва хорижий давлатларда тан олинадиган **Skills паспорти берилади**

Ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти **ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади**

Ушбу мақсадлар учун 2020 йилга ажратиладиган маблағларга қўшимча **150 млрд сўм** ажратилади

Ҳар бир ҳудудда камида биттадан **“Энг яхши касбга тайёрлаш дастури”** танлови ўтказилади. Танлов ғолибларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча **50 млрд сўм** ажратилади.

Янги тизим сифатида ушбу марказлар мукамаллик касб этади. Барча касбларни қамраб олган ҳолда малакали кадрларни етиштириб беради. Қурилишнинг ғишт териш, сувоқчилик, гипсокартон билан ишловчи уста, пластик профиллар билан ишловчи уста каби энг замонавий жихатларига эътибор берилиши мегаполислар қурилишида қўл келмоқда. Аёл-қизлар учун пишириқ ва тикувчиликнинг ташкилланиши уларнинг оилавий ҳаётлари учун ҳам фойдадан холи эмас.

Халқаро ривожланган давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам ўзининг стратегик фаолияти жараёнида инсонпарварлик сиёсатини устун қўйиш нуқтаи назаридан алоҳидалик касб этади. Мономарказларнинг ташкил қилиниши ҳам ёшлар манфаатларига хизмат қилмоқда.

**ХУЛОСА.** Мономарказлар фаолияти ҳақида турли хил ижобий фикрларни билдириш мумкин. Марказнинг касб-хунар ўргатиш борасида амалга ошираётган ҳаракатлари замонавий принципларга асосланади. Бу жараёнда фақатгина миллий касблар доирасида чегараланиб қолмай, чет эл лойиҳаларига ва талабларига мос келадиган кадрлар ҳам етиштириб берилмоқда. Турли чет тилларини ўрганиш курслари ҳам юқори савияда ёшларнинг тил ўрганиш малакасини оширишга хизмат қилади.

Ноанъанавийлик касб этган мономарказлар янги тизим сифатида юқори самара бериш билан бирга, қисқа вақт ичида ёшларни жаҳон андозаларига мос, замонавий касб-хунарга эга шахс сифатида келажакка тайёрлаб беради.

Мономарказлар негизида камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи давлат ва нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг самарали фаолият юритишини ҳамда сифатли ва халқаро стандартларга жавоб берадиган касб-хунарга ўқитиш тизими жорий этилишини ташкиллаштирган. “Ишга марҳамат” Мономарказлар фаолияти давомида ёшларнинг маданий этикетлари ҳам шаклланиб, уларнинг ахлоқий кўринишларида ҳам ижобийлик сезилмоқда.

Шунингдек ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжлари асосида қисқа муддатларда замонавий касбий кўникмаларга ўқитишнинг самарали дастурлари ишлаб чиқилиб, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга тайёрлашда ҳам Мономарказлар ишончли ҳамкор десак, хато бўлмайди.

### Иқтибосар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 24.01.2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. Тошкент, 1998 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1998-йил
5. Абдурахманов Қ. Экономика труда.М.: “Экзамен” 2003.
6. Абдуғаниев А., Тўламетова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Тошкент, 2000.
7. Абдурахманов Қ.ва бошқалар. Давлат хизмати персоналини бошқариш. Тошкент, 2002.
8. Абдурахманов Қ. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент, 2009.
9. Режабов Х. Меҳнат ва олий таълим хизматлари бозорига таъсир этувчи омиллару
10. Бейсенов С., Мухамбетов Т.Инфраструктура рынка труда. Ташкент, 1999.
11. Холмўминов Ш. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Тошкент, 2016.
12. Маслова И. Эффективная занятость и рынок рабочей силм. Ташкент, 1992.
13. www.Lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
14. www.Lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11-августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат

- фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4804-сонли Қарори
15. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)- Ўзбекистон Республикаси Вазарлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги 132-сон «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.




# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Камилов Фарход Облакулович,  
Республика болалар ижтимоий  
мослашуви маркази, бош мутахассиси  
e-mail: bekkomilov@mail.ru

## СОЦИОЛОГИЯДА “ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЎРГАНИЛИШИ

**For citation:** Kamilov Farkhod, The phrase of "social adaptation" and its scientific-theoretical learning in sociology. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 72-79

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-8>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада социологик адабиётларда “ижтимоий мослашув” тушунчасининг илмий-назарий жихатдан ўрганилиши ёритилган бўлиб, маҳаллий ва чет эл социолог олимларининг “ижтимоий мослашув” тушунчасига илмий-назарий ёндашувининг таҳлили берилган. Социологик назарияларда ижтимоий мослашувнинг таърифи, тавфсилотлари, турли хил шакллари ва механизмлари очиб берилган. “Ижтимоий мослашув” тушунчасининг мазмуни, турлари, структураси ва функцияларига тўхталиб ўтилган. Инсонларнинг ижтимоий мослашувига таъсир этувчи ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳамда ички ва ташқи омиллар очиб берилган. Ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашув тушунчалари бир-бирига синоним тушунчалар эканлиги асослаб берилган. Мақолада инсоннинг ижтимоий мослашувида ижтимоий меъёр, ҳулқ-атвор, кадрият ва ижтимоий институтларнинг таъсирига оид шунингдек, социологиянинг классик ва замонавий вакиллари томонидан илгари сурилган назариялар умумлаштириб муаллиф ўз хулосаларини баён этган. Шунингдек, муаллиф томонидан ўтказилган социологик тадқиқотнинг эмпирик таҳлили келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ижтимоийлашув, ижтимоий мослашув, ижтимоий мобиллик, ижтимоий меъёр, ижтимоий муҳит, ҳулқ-атвор, ижтимоий рол, кадрият, ижтимоий институт.

Камилов Фарход Облакулович,  
Главный специалист, Республиканского  
центра социальной адаптации детей  
e-mail: bekkomilov@mail.ru

## ПОНЯТИЯ «СОЦИАЛЬНАЯ АДАПТАЦИЯ» В СОЦИОЛОГИИ И ЕЁ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье описывается научно-теоретическое исследование понятия «социальная адаптация» в социологической литературе и проводится анализ научно-теоретического подхода отечественных и зарубежных социологов к понятию «социальная адаптация».



Социологические теории объясняют определение, детали, различные формы и механизмы социальной адаптации. Обсуждаются содержание, виды, структура и функции понятия «социальная адаптация». Выявлено влияние социальной среды, а также внутренних и внешних факторов, влияющих на социальную адаптацию людей. Утверждалось, что понятия социализации и социальной адаптации являются синонимичными понятиями. В статье автор обобщает теории, выдвинутые классическими и современными представителями социологии, а также влияние социальных норм, поведения, ценностей и социальных институтов на социальную адаптацию человека. Приводится также эмпирический анализ проведенного автором социологического исследования.

**Ключевые слова:** социализация, социальная адаптация, социальная мобильность, социальная норма, социальная среда, поведение, социальная роль, ценность, социальный институт.

**Kamilov Farhod Oblakulovich,**  
Chief Specialist of the Republican Center  
for Social Adaptation of Children  
e-mail: bekkomilov@mail.ru

## THE PHRASE OF "SOCIAL ADAPTATION" AND ITS SCIENTIFIC-THEORETICAL LEARNING IN SOCIOLOGY

### ANNOTATION

The article describes the scientific and theoretical study of the concept of "social adaptation" in the sociological literature and provides an analysis of the scientific and theoretical approach of local and foreign sociologists to the concept of "social adaptation". Sociological theories explain the definition, details, various forms and mechanisms of social adaptation. The content, types, structure and functions of the concept of "social adaptation" are discussed. The influence of the social environment on the social adaptation of people as well as internal and external factors are revealed. It has been argued that the concepts of socialization and social adaptation are synonymous concepts. In the article, the author summarizes the theories put forward by classical and modern representatives of sociology, as well as the influence of social norms, behavior, values and social institutions on human social adaptation. An empirical analysis of a sociological study conducted by the author is also cited.

**Keywords:** socialization, social adaptation, social mobility, social norm, social environment, behavior, social role, value, social institution.

**КИРИШ.** Илмий-назарий адабиётлар таҳлили бугунги кунда фанлар кесимида жумладан, фалсафа, педагогика, психология, ҳуқуқ, тиббиёт, социология фанларида “ижтимоий мослашув” тушунчасининг ўрганилиши бўйича муайян база шаклланганлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, “ижтимоий мослашув” тушунчасини илмий-назарий ўрганиш ва тизимли тадқиқ этиш миллий социологиянинг махсус тадқиқот объекти ҳисобланади. Инсоннинг узлуксиз равишда ривожланишга нисбатан ички интилиши ва мунтазам равишда ўзгариб турувчи ижтимоий муҳит доимий равишда мослашувнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашув ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва жамоанинг ўзаро муносабати бирлигини ўзида акс эттиради. “Ижтимоий мослашув” ижтимоийлашув механизмларининг асоси бўлади, шахсни янги ижтимоий муҳитга мослашувидир. Ижтимоий мослашувнинг ижтимоий-психологик мазмуни жамоа йўналишининг мақсадини, тажрибаси, шахсни гуруҳ маданияти, урф-одатлари, ахлоқ нормаларини эгаллаши мос келиши билан ифодаланишини кўзда тутди.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Социологиянинг классик номоёниси Э.Дюркгейм атамалар луғатида ижтимоий мослашув тушунчасини қуйидагича таърифлайди, “ижтимоий мослашув бу - индивид томонидан ижтимоий меъёрларнинг ўзлаштирилишидир. Индивиднинг мослашуви ва жамиятнинг мослашуви сифат ва миқдоран ягона жараён бўлиб, “мослашув” ва

“ижтимоийлашув” тушунчалари эса – синонимлардир. Бироқ жамиятнинг меъёрий модели идеал даражада эмас. Позитивизм концепция ижтимоий мослашув назариясини очиб бериш учун зарур, бироқ етарли бўла олмайдиган методологик асос сифатида талқин этилади”[1].

М.Вебер бир вақтнинг ўзида бир қанча ўзаро бир-бирини инкор этувчи меъёрлар ҳам бўлиши эҳтимоли мавжудлигини таъкидлаган [2]. Ушбу ёндашув индивиднинг шаклланишида меъёрнинг аҳамияти ҳамда меъёрнинг шаклланишида индивиднинг ролини кўрсатади. Шундай қилиб, нисбатан мослашган инсон “меъёрий” эмас, аксинча “рационал“, гарчи “меъёрий” инсон етарлича “рационал” бўлади. М.Вебер инсоннинг бирламчи (эҳтимол нисбийдир), жамиятнинг эса иккиламчилигига ишора қилади, бу эса ижтимоий мослашувни тушунишимиз учун жуда муҳимдир.

Т.Парсонснинг ижтимоий мослашув борасидаги қарашлари ҳам қизиқарли. Унинг “мувозанатдаги жамият” концепцияси индивиднинг мазкур муҳитда устувор аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий меъёрларни ўзлаштириши давомида кечадиган индивид ҳамда ижтимоий муҳит эҳтиёжлари орасидаги мувозанатга бағишланган. Мувозанат бор экан – жамият барқарор, мувозанат бўлмаса – ижтимоий низо содир бўлади. Жамиятнинг муҳим вазифаси – ушбу мувозанатга интилиш, гарчи Т.Парсонснинг фикрича, абсолют мувозанатга эришиб бўлмайди. Индивиднинг эҳтиёжлари ва ижтимоий меъёрлар – динамик қиймат бўлиб, уларнинг мос келиши кутилмаганда ва фақат қисқа муддатгагина содир бўлиши мумкин. Т.Парсонс “мослашув” ва “ижтимоий муҳит” атамаларидан фойдаланиб, инсон ҳар гал умуман жамият билан эмас, балки унинг катта бўлмаган қисми билан ўзаро муносабатларга киришади, деб таъкидлаган.[3].

Р.Мертон ижтимоий ва индивидуал мослашув тушунчаси ҳақида тўхталар экан, ижтимоий мослашувни таснифлаштирган, асосийси – энг муҳим шароитларни таъкидлаган: ижтимоий мослашув – инсон томонидан ижтимоий меъёрларнинг ўзлаштирилишини тақозо қилиши шарт эмас. Бундан келиб чиқадики, шартсиз равишда инсоннинг ижтимоий меъёрлар билан боғлиқ бўлган ва уларга тобе бўлган ижтимоий мослашуви – ушбу меъёрларнинг акси ёки уларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлмай, социумдан индивидга эмас, балки индивиддан социумга томон йўналтирилган. М.Вебер ушбу масалада бир вақтнинг ўзида “бир нечта белгиланган тизимлар”нинг мавжуд бўлиши эҳтимоли бор, деган фикрда бўлган [4].

Ижтимоий реалликни конструкциялаш бўйича ижодкорлар бўлган П.Бергер ва Т.Лукманнинг илмий фаолиятида ижтимоий мослашув тушунчаси фаол ўрганилганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг фикрларича, шахс ривожланишининг баъзи даврларидан бошлаб инсон ўзи учун ижтимоий меъёрларни ўрнини босувчи нималарнидир яратади ҳамда ўз фаолиятида улардан фойдаланади. Бунда объектив мавжуд бўлган олам ҳамда инсоният томонидан яратилган оламнинг ноэквивалентлиги вазияти юзага келади. Мослашув эса ушбу мазмун-моҳият борасида уйғунлашиш, ўзаро мувозанатига эришиш учун мўлжалланган [5].

Мустақил Давлатар Ҳамдўстлиги давлатлари олимлари ҳам ижтимоий мослашув тушунчаларини илмий ўрганганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. О.А.Власованинг фикрича, ижтимоий мослашувнинг функционал моҳияти, энг аввало шахснинг ҳамда муҳитнинг сақланилиши нуктаи назаридан инсонлар ҳаёти фаолияти жараёнида шахслараро алоқалар ҳамда муносабатларида ифодаланади. Л.А.Гордон ижтимоий мослашувнинг мобиллаштирувчи функциясини алоҳида таъкидлаб, мослашув нафақат алоҳида элементларни қабул қилиш, балки жамоатчилик муносабатларининг ўзгарувчан яхлит тизимини ўзлаштириш, шунингдек фавқулоддаги вазиятларни енга билиш қобилятида ифодаланади. М.А.Шабанованинг фикрича, мослашувнинг функцияси қуйидагиларда ифодаланади: индивид нафақат тирик қолиш, балки ўсиш, униш имкониятига эга бўлади, макромуҳит эса – ўзини намоён қилиш ҳамда янада юқорилаб кетувчи босқичга ўтиш имкониятини беради. П.С.Кузнецов ҳам шунга ўхшаш фикрни билдиради: “Мослашувнинг мақсади – шахснинг ривожланишига эришиш, онтогенетик нуктаи назардан бу эҳтиёжларнинг ўсиши ва юксалиши, филогенетик нуктаи назардан эса – ташкилотчилик, маданият даражасини оширишдан иборат” [6,10 б].

И.С.Дискин ва Е.М.Авраамовалар эътибор қаратган яна бир масала, бу ижтимоий ноаниқлик ва ижтимоий ҳаракатларнинг маҳсулдор модели мавжуд бўлмаган шароитда мослашувнинг рағбатлантирувчи функциясининг очилиши [7]. Уларнинг фикрича, бу инсонларнинг нафақат, мавжуд бўлган вазиятга англанилган тарзда мўлжал ола билиш, балки жуда муҳим бўлган – ўз қобилиятлари ва қизиқишларини амалга ошириш мақсадида ижтимоий хулқ-атворнинг муносиб моделини ишлаб чиқиш ва турли ресурслардан рационал тарзда фойдаланиш каби қобилиятида ифодаланади. Ижтимоий мослашув функцияларига оид юқоридаги барча фикрларни умумлаштирган ҳолда, айтиш мумкинки, аксарият муаллифлар унинг прогрессив ролини ажратадилар. Бунда умуман ривожланиш функциясинигина эмас, балки ижтимоий мобиллик механизмларини шакллантирувчи функцияни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фикримизча, ушбу функция остида, биринчидан, хулқ-атворнинг янги стратегияларини ўзлаштириш, иккинчидан, ушбу стратегияларни меъёрий тартибга солиб, шахс учун ахлоқан маъқул бўлган янги меъёр ва қадриятларни сингдириш, учинчидан, индивиднинг ўзини баҳолаш тарзи ва интилишларини нафақат ўз имкониятлари, балки ижтимоий-иқтисодий реаллик билан уйғунлашувига эришувини тушуниш лозим. Революцион жараёнлар ва ўтиш даври билан боғлиқ кризислар замондаги мослашувчан жараёнлар хусусиятларини эътироф этган ҳолда Л.А.Гордон бирламчи ижтимоий мослашувни ажратади. Унинг фикрича, бу ўзгаришларнинг умумий йўналганлигини қабул қилишда ҳамда янги тартибларни тотал равишда қабул қилмай у билан енгиб бўлмас курашишга киришгандан кўра барча ўзгаришларни ўзлаштириш, янги ҳаётга “киришиб кетиш” маъқулроқ эканлигини англаш билан кечувчи ўзгарувчан шароитларга мослашишда ифодаланади. Мантиқан қараганда онгнинг инерциясини енгиш заруриятини, психологик дискомфорт, янги ҳаёт тарзининг ноодатий бўлиши мумкинлигини тушуниб қабул қилишдан иборат иккиламчи ижтимоий мослашув содир бўлишини тахмин қилиш мумкин.

Бир қанча муаллифлар ҳар икки томон талаблари ва кутилмаларининг ўзаро уйғунлашувини – ижтимоий мослашувнинг натижаси сифатида талқин қиладилар. Т.Л.Кончанин ҳам, гарчи бошқача мазмунда бўлсада мослашувнинг якунийлиги ҳақида ўз фикрларини билдирган. Мослашувни шахс шаклланишининг яхлит жараёни сифатида талқин қилган муаллиф, уни инсон фаол тарзда жамоатчилик, меҳнат, сиёсий ва маданий ҳаётга киришиб келиши даври билан боғлайди. Бунда ҳатто энг юқори даражасига эришилганда ҳам мослашув якунланди, дегани эмас. Ижтимоий мослашувнинг якунийлиги ҳақидаги масала қонуниятга тўғри келмайдиган масала, чунки “якуни” (натижа) тушунчасининг ўзи бирон-бир нарсанинг тўлиқ тугалланилишини тақозо этади [8].

А.Э.Тамарина раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи “тизимли ёндашув позициясидан келиб чиқиб, мослашувнинг у ёки бу турини таҳлил қилаётганда уни алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки бошқа мослашувчан жараёнлар билан уйғунликда ўрганиш” зарурлигига эътиборларини қаратганлар [9]. И.А.Милославованинг ишлари ушбу масалани махсус ўрганишга бағишланган. Унинг фикрича, ижтимоий мослашувнинг структураси ўзаро бир-бирини тақозо этувчи компонентлар: мослашиш лозим бўлган вазият ва мослашиш эҳтиёжидан иборат. Мослашиш вазияти ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар ёки шахснинг бир ижтимоий муҳитдан, бошқа, унинг учун қандайдир янги бўлган муҳитга ўтиши билан изоҳланади. Мослашиш эҳтиёжи деганда шахснинг ўз хулқ-атвор тарзи, одатлари, тасаввурларини ижтимоий муҳитдаги ўзгаришларга мослаштиришга интилиши назарда тутилади.

Л.Л.Шпакнинг мослашув структурасида қуйидаги компонентлар ажратилади: мослашиш эҳтиёжлари, мақсад, установка, кутилмалар, интилиш, мотивлар, мослашиш қобилиятлари, ролли позициялар ва амалий ҳаракатлар. Бунда “мослашиш установкаси социомаданий мослашувга хос бўлган барча структурали элементларни органик бир бутунликда боғлайди” [10].

Барча омиллар мажмуини икки гуруҳга – ички ва ташқи омилларга ажратилиши ўхшаш, лекин бирмунча қисқароқ ёндашув ҳисобланади. Биринчи гуруҳга инсонни ўраб турган муҳит

– предметли ва ижтимоий муҳитга оид параметрлар киради, иккинчисига эса – шахснинг индивидуал хусусиятлари киради. Мослашув омилларининг бу тарзда бўлинишидан фойдаланиб, И.А.Георгиева қуйидаги шахс (ички) омилларини ажратади: ижтимоий-демографик тавсифи (жинси, ёши, оилавий аҳволи), кадриятлар йўналганлиги ва шахсига хос қатор бошқа психологик фазилатлари. Унинг фикрича, индивид аъзо бўлган гуруҳ фаолияти тури билан боғлиқ бўлган параметрлар мажмуи – ташқи омилларни ташкил қилади [11].

Бир қанча олимлар, мослашув омилларини янада чуқурроқ ўрганиш учун мослашувнинг индивидуалликка хос бўлган хусусий параметрлар билан алоқадорлигини аниқлаш зарур, деб ҳисоблайдилар. А.Н.Леонтьевнинг таъкидлашича, фаолият субъекти вазиятнинг объектив моҳиятини тўлиқ тушуна олиши мумкин, бироқ унга нисбатан муносабатида унинг хулқ-атворини бошқараётган ва шахсига хос бўлган мазмунлар аралашиб кетади [12]. Билдирилган фикрларнинг тасдиғи сифатида М.А.Шабанова ўз тадқиқотида чиқарган хулосаларни келтириш мумкин. Эркинликни яхши кўрадиган, яъни танлаш имкониятининг ихтиёрийлиги ҳаётий кадриятлари таркибига кирган шахслар эркинлик у қадар аҳамиятга эга бўлмаган инсонлардан кўра осонроқ мослашадилар. Хулқ-атвор даражасидаги ижтимоий мослашув илгаридан белгиланган мақсадга мувофиқ тарзда хулқ-атворини бошқариш ва индивид томонидан мустақил қарор қабул қилиш сифатида ифодаланади.

Республикамиз олимларидан М.Бекмуродов, А.Умаров, М.Ганиева, Ш.Содиқова, Н.Латипова[13], Х.Хусанова, А.Абдухалилов, З.Узакова, Э.Зайтовларнинг ишларида “ижтимоий мослашув” тушунчаси тўғридан-тўғри ўрганилмаган бўлсада, шахс тараққиёти контекстида муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, таълим муассасалари, кутубхоналар), болалар ва ёшларнинг жамиятга ижтимоийлашуви, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий иш, имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий-маданий мослашуви, институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари доирасида ўз илмий фаолиятларида тўхталиб ўтишган [14]. Миллий социологияда ижтимоий мослашув масаласига яқин илмий тадқиқотлардан социология фанлари номзоди А.Юнусовнинг илмий фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. А.Юнусов ўз илмий фаолиятида “ижтимоий меъёр”, “кадрият”, “ижтимоий институт” тушунчаларини илмий-назарий таҳлил қилиб, инсон ҳаёти тўлалигича турли ижтимоий институтларда юз беради. “Оила институтида туғилмиз, тарбияланмиз, ўзимиз оила қуриб яшаймиз. Таълим муассасаларида билим олиш билан бирга тарбия ҳам олиб борилади. Шунингдек, бизнинг маҳалла институтимиз ҳам муҳим тарбия ўчоғи ҳисобланади” деб таъкидлайдилар[15].

**МЕТОДОЛОГИЯ.** Замонавий социологик адабиётларда “ижтимоий мослашув” тушунчасини таърифлаш, муаммони илмий-назарий ўрганиш ва таҳлил қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Илмий адабиётларда классик ва замонавий социология вакиллари томонидан социологик назариялар доирасида ижтимоий мослашувнинг мазмун моҳияти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганлигини кўришимиз мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, социологияда турли хил илмий назария ва концепцияларда қарама-қарши бўлган илмий хулоса ва қарашлар тизими бир-бирини инкор этмай, аксинча бири иккинчисини ўзаро тўлдириб борган.

Тадқиқот давомида илмий-назарий таҳлил этиш билан биргаликда, масаланинг эмпирик таҳлилига ҳам эътибор қаратиб ўтдик. 2021 йилнинг январь-февраль ойларида Самарқанд, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ўртасида фокус-гуруҳ тадқиқотини олиб бордик. Фокус-гуруҳлар сони 4 та бўлиб, таркиби қуйидагича бўлди. Иштирокчиларнинг умумий сони 42 нафар, шундан 12 нафари ақлий ривожланишда орқада қолаётган болаларнинг ота-оналари, 10 нафари таянч харақати аъзолари шикастланган болаларнинг ота-оналари, 10 нафари заиф эшитувчи ва қар, 10 нафари заиф кўрувчи ва кўзи ожиз болаларнинг ота-оналарини ташкил этади. Фокус-гуруҳлар иштирокчилар учун қулай махсус жиҳозланган хоналарда ўтказилди. 1,5-2 соатга мўлжалланган олдиндан тузилган сценарий асосида мавзуга оид масалалар муҳокама этилди. Баҳс-мунозарада иштирокчилар фаоллиги ва ўз фикр-мулоҳазаларни эркин ва очиқ ифода

этилишга эътибор қаратилди. Фокус-гурухда боланинг ривожланиш эҳтиёжларига асосан тузилган саволлар асосида ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари ва муаммолар ўрганилди.

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР. Респондент С.У.** 28 ёш, маълумоти ўрта. Уй бекаси. Фарзандини ташхиси аутизим. Турмуш ўртоғим ва қайни онам бола катта бўлгандан кейин яхши бўлиб кетади дейди. Мен ўзим биламан боламни муаммосини, бошқа болаларга ўхшамаган. Кўчаларда юрганимизда болам ўзини тутиши бошқа болаларга ўхшамайди. Ўзига хос ҳулқ-атворга эга. Фарзандимни жамиятга самарали мослаштиришда қийналаман.

**Респондент Ш.А.** 38 ёш. Маълумоти ўрта. Фарзандини ташхиси заиф эшитувчи.

Фарзандимни қулоғи яхши эшитмаганлиги сабабли шифохонага борганимизда ёки бошқа хизматлардан фойдаланишда доим бирга бораман. Чунки, болам эшитмаганлиги сабабли соғлиғидаги муаммоларни имо-ишора тилида тушунтириб беради. Мутахассислар фарзандимни тилини тушунишмайди. Ҳамма жойда ҳам сурдо таржимон хизмати йўқ. Замонавий технолгияларнинг имкониятларидан фойдаланиб, бу каби болаларни ҳам жамиятга ижтимоий мослашувида махсус электрон дастурлар, мобиль иловалар яратилса яхши бўларди. Чет элда бу каби болалар учун махсус электрон дастурлар бор деб эшитдим. Болалар шу дастурлар асосида бемалол ўз фикрини эркин ифода этади ва уни одамлар тушунади.

**Респондент Р.Н.** 24 ёш. Маълумоти ўрта. Фарзандимни ташхиси даун синдроми. Биз мунтазам равишда даволаниш ва реабилитацияга хизматларидан фойдаланишимиз керак. Шунда, боламни ўзгаришида динамика яхши бўлади. Афсуски, болаларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари вилоятларда кам туманларда умуман йўқ. Кўпроқ Тошкент шаҳрида. Тошкент шаҳридаги реабилитация ва мослаштириш марказларида навбатлар кўп ва курс муддати бир ой. Қани энди шундай марказлар ҳамма вилоят ва туманларда очилса эди. Масофанинг узоқлиги сабабли фарзандим билан борганимизча чарчаб қоламиз.

**ХУЛОСА.** Олиб борилган таҳлил бир қанча хулосаларни чиқариш имкониятини беради. Ижтимоий мослашув юқори даражада ташкил этилган, мунтазам равишда ривожланувчи икки тизим: ижтимоий муҳит ва шахс орасидаги ўзаро муносабатларга оид қонуниятларни акс эттирувчи феномен сифатида намоён бўлади. Бу шундай ўзаро таъсир муносабатларки, унинг асосида мослашиш жараёнига алоқадор барча субъектларнинг эҳтиёж ва қутилмалари ўзаро уйғунлашиб қониқтирилади. Ижтимоий мослашув – алоҳида шахс ҳамда ижтимоий муҳитга тегишли мақсад, мотивлар ва хусусиятларга хос бўлган, шунингдек инсон томонидан мазкур муҳитда ўз манфаатларини амалга ошириши учун шакллантирилган белгилар тизимидир. Ижтимоий мослашувни ҳаракатга келтирувчи куч – ўз ҳулқ-атворини онгли ёки онгсиз, рационал ёки эмоционал тарзда моделлаштириш ҳисобига шахс билан биргаликда муҳитни ҳам ривожланишига имкон берувчи инсон. Ижтимоий мослашув ўз функцияларини амалга ошириши ҳисобига прогрессив ролни бажаради. Фикримизча, улардан асосийси бу – ижтимоий мобиллик механизмларини шакллантириш функциясидир. Дарҳақиқат, ёшлар ва болаларнинг ҳар томонлама камол топишида уларнинг жамиятдаги ижтимоий қоидаларни қай даражада ўзлаштириши, атрофдагилар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларга киришиши, шахслараро муносабатлар ўрнатишда шахс уйғунлигига эришиши, яъни ижтимоий мослашув масалалари муҳим ўринни эгаллайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шахс шаклланишида вақти-вақти билан ўзгариб турувчи ижтимоий муҳит доимий равишда мослашувнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Мослашув – бу узлуксиз, бутун ҳаёт давомида давом этувчи, ўзининг динамиклиги ва нисбатан барқарорлиги билан кечувчи жараёндир. Мослашувнинг бир қанча турлари – ишлаб чиқариш, профессионал, ижтимоий-психологик, маданий, моддий, сиёсий-ҳуқуқий, меҳнат, ўқув ва шу каби бошқа турлари мавжуд бўлиб, бу тадқиқотчига бир йўла бир қанча турига эътибор қаратиш имкониятини бермайди, шунинг учун у қайсидир алоҳида турини ўрганади, бу эса инсон мослашувининг яхлит тасвирини тузишга халақит беради. Илм-фандаги илгари сурилган назарияларни умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкинки, ижтимоий мослашув – инсоннинг оила, маҳалла, таълим, меҳнат фаолияти жараёнида фаол тарзда иштирок этиши натижасида содир бўлади. Инсон мақсадга йўналтирилган тарзда мослашув

механизмларини ўзгартириб боради ёки улардан ўз яшаш тарзининг ижтимоий шароитларига мос тарзда кўникиш имкониятини такомиллаштириш учун фойдаланади. Бу – жамият ташки ва ички шароитлар таъсири остида нафақат у ёки бу ўзгаришларга мослашади, балки ижтимоий институтлар тизими орқали, ижтимоий мослашувнинг турли хил шакллари, механизм ва ташувчилари ёрдамида инсоннинг жамиятга мослашувини амалга ошириш қобилиятини эгаллайди, деганидир. Ижтимоий мослашув – бу инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида ушбу тизимнинг бир компоненти сифатида шаклланиши жараёнидир, яъни инсон ижтимоий жамоатчиликнинг, қандайдир инсонлар гуруҳи, ташкилотнинг бир қисмига айланиб боради. Бунда улар томонидан шахснинг фазилатлари шаклланишига асос сифатида хизмат қилувчи маданият, ижтимоий меъёр ва кадриятларни ўзлаштириши жараёни содир бўлади. Инсон учун ижтимоий муносабатлар унинг ўз эҳтиёжларини амалга оширувчи, уни Ер қуррасининг бошқа инсонларидан фарқлантирувчи асосий фазилатларни ўзлаштириб бориш имкониятини берувчи муҳит бўлиб ҳисобланади.

### Иқтибосар/Сноски/References:

1. Дюркгейм Э. Ценностные и реальные суждения / Э. Дюркгейм // Социологические исследования. 1991. № 2.
2. Вебер М. Основные социологические понятия / М. Вебер // Избр. произведения. М., 1990.
3. Парсонс Т. Функциональная теория измерения / Т. Парсонс // Американская социологическая мысль. М., 1994.
4. Вебер М. Основные социологические понятия / М. Вебер // Избр. произведения. М., 1990.
5. Бергер П. Социальное конструирование реальности: трактат по социологии знания / П. Бергер, Т. Лукман. М., 1995.
6. Кузнецов П.С. Адаптация как функция развития личности / П.С. Кузнецов. Саратов, 1991. 10 с.
7. Дискин И.С. Адаптация населения и элит (институциональные предпосылки) / И.С. Дискин, Е.М. Аврамова // Общественные науки и современность. 1997. № 1.
8. Кончанин Т.Л. Структура процесса адаптации молодых специалистов / Т.Л. Кончанин // Актуальные проблемы науки. Ростов на/ Д., 1970.
9. Сущность, формы и факторы социальной адаптации / под ред. В.Э. Тамарина. Барнаул, 1977.
10. Шпак Л.Л. Социокультурная адаптация: сущность, направления, механизмы реализации / Л.Л. Шпак. Кемерово, 1992.
11. Георгиева И.А. Социально-психологические факторы адаптации личности в коллективе / И.А. Георгиева. Л., 1985.
12. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность / А.Н. Леонтьев. М., 1975.
13. Бекмурадов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. соц.фан. док. дисс... –Тошкент; 1999. – Б.48; Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутоаланинг роли: Соц. фан. док... дис. автореф. – Тошкент, 2005. –Б. 65; Ганиева М.Х. Социокультурная адаптация детей с ограниченными возможностями как направление социальной защиты. Журнал. Общественное мнение. Права человека. Тошкент-2018. №4. С. 35-45, Содикова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили: Соц. фан. док... дисс. –Тошкент, 2016; Латипова Н.М. Особенности семейного воспитания. Scientific journal. Theoretical and Applied Science 10 (30): 2015 -P.79-84;
14. Абдухалилов А.А. Вопросы совершенствования социальной защиты лиц с инвалидностью в процессе государственного управления. Материалы международной конференция «Социальная защита детей в Узбекистане: передовой отечественный и зарубежный опыт» Тошкент-2018, 20 б. Узакова З.Ф. Алоҳида эҳтиёжли ёшларнинг ижтимоийлашуви, меҳнатга интеграциялашувининг ўзига хос хусусиятлари. Дисс... PhD фалсафа доктори социология фанлари бўйича. Ташкент: 2019; Зайтов Э.Х. Ўзбекистонда

институционал муассаса битирувчиларини ижтимой ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш. Дисс... PhD фалсафа доктори социология фанлари бўйича. Ташкент: 2020;


15. Ижтимой тадқиқотлар журналі. Тошкент-2020, 1-сон 3-жилд. 55-56 б.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Сияева Гулнора Ашрафовна  
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат  
бошқаруви академияси “Хорижий тиллар” кафедраси доценти  
e-mail: gulnora.siyaeva@gmail.com

## СОЦИОЛОГИК ДИСКУРСНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**For citation:** Siyaeva Gulnora Ashrafovna, Theoretical and methodological basis of the research of sociological discourse. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 80-93

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-9>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришда социологик дискурсни ўрганишнинг методологик асослари таҳлил қилинган. Социологик дискурсни таърифи, унинг ижтимоий ҳаётдаги мақсади берилган. Фуқароларнинг юқори даражадаги ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқарашига эришишда социологик дискурсни ўрни ва аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек, матнни талқин қилишда “герменевтик дискурс” ва муаммоларни ҳал қилишда “медиация” жараёнидан фойдаланилган. Мақсад ва вазифаларга эришишда социологик дискурс коммуникатив ҳодисадир ва социологик дискурсни ижтимоий мазмуни оммавий аудитория, миллий-маданий характер, мафкура билан белгиланиши кўрсатилган. Бугунги кун шароитида давлат ва фуқаролик жамиятини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган мезонларни ўзгартириш зарурати асосланган. Фуқаролар фаоллигини ривожлантириш ва уларнинг давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мулоқотни ўрнатишда тутган ўрни кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** социологик дискурс, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ахборот узатиш, жамоатчилик фикри, ижтимоий онг, герменевтика, медиация.

Сияева Гулнора Ашрафовна  
доцент кафедраси “Иностранные языки”  
Академии Государственного  
Управления при Президенте  
Республики Узбекистан  
e-mail: gulnora.siyaeva@gmail.com

## ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО ДИСКУРСА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются методологические основы исследования социологического дискурса в развитии социально-экономической жизни страны. Дается



определения социологического дискурса, его цели в общественной жизни. Роль и значение социологического дискурса в достижении высокого уровня социально-политического сознания и мировоззрения граждан огромна. Также использования “герменевтического дискурса” в интерпритации текста и процесс “медиации” в решении проблем. Социологический дискурс в достижении целей и задач является коммуникативным явлением, и социальный контекст социологического дискурса определяется массовой аудиторией, национально-культурным характером, идеологией. Обоснована необходимость изменения критериев анализа государства и гражданского общества в современных условиях. Также рассматривается развитие гражданских инициатив и их роль в построении диалога между государством и гражданским обществом.

**Ключевые слова:** социологический дискурс, социально-экономическое развитие, передача информации, общественное мнение, социальное сознание, герменевтика, медиация.

**Siyaeva Gulnora Ashrafovna**

Associate Professor,  
Department of “Foreign languages”,  
Academy of Public Administration  
under the President  
of the Republic of Uzbekistan  
e-mail: gulnora.siyaeva@gmail.com

## THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF THE RESEARCH OF SOCIOLOGICAL DISCOURSE

### ABSTRACT

This article analyzes the methodological basis of the research of sociological discourse in the development of the country's socio-economic life. It gives the definition of sociological discourse, its purpose in public life. The role and importance of political discourse in achieving a high level of political consciousness and worldview of citizens is enormous. Moreover, the usage of “hermeneutic discourse” in the interpretation of the text and the process of “mediation” in problem solving. Sociological discourse in achieving goals and objectives is a communicative phenomenon, and the mass audience, national-cultural character and ideology determine the social context of sociological discourse. The necessity of changing the criteria used to analyze the state and civil society in modern conditions is substantiated. The development of civil initiatives and their role in building a dialogue between the government and civil society are also considered.

**Key words:** sociological discourse, socio-economic development, transmission of information, public opinion, sociological consciousness, hermeneutic, mediation.

**КИРИШ.** Ижтимоий мулоқотни ўрганишнинг методологик асоси социологик дискурса намоён бўлади. Ушбу методология 1960 ва 1970 - йилларнинг ўрталарида этнография, социология, когнитив ва ижтимоий психология, стилистика, тилшунослик, семиотика ва бошқа гуманитар фанлар соҳаларида олимларнинг суҳбат ва матн тузилишини, уларнинг функциялари ва жараёнларини тизимли ўрганишда олиб борилган янги изланишлар йўналиши сифатида пайдо бўлди. Тойна ван Дэйка, Джорджа Оруэлла, Д. Мейнарда, А.Г. Алтуняна, И.Г. Ясавеева, Н. Смирнова каби олимлар оммавий ахборот воситаларида ижтимоий муаммолар дискурсининг конструктив хусусиятларини ўрганиб, унинг таҳлили асосида ижтимоий воқелик билан боғлиқ муаммоларни мулоқот орқали ўрганиб чиқишди. [1]

**АСОСИЙ ҚИСМ.** “Дискурс” тушунчаси мулоҳаза, суҳбат, нутқ, матн маъноларини англатиб, гуманитар фанларда турли ёндашувлар тарзида ўрганилмоқда. Социология фанида дискурс таҳлил асосидаги тадқиқотларда “дискурс” атамасига турли таърифлар берилган бўлиб, улардан қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

1. Ижтимоий институтлар орқали шахслар, гуруҳ ва ташкилотлар ўртасида, шунингдек, ушбу мулоқотга жалб қилинган ижтимоий-сиёсий институтларнинг бўлиб ўтадиган ўзаро ижтимоий мулоқоти;
2. Муайян ижтимоий ёки мафкуравий нуқтаи назар туфайли турли баёнотлар бериш учун қўлланилувчи матн;
3. Ижтимоий-маданий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлган унинг хусусиятлари, қизиқишлари, мақсадлари ва услубларини ифодаловчи матн;
4. Тилнинг коммуникатив бирликлари – жумла ва уларнинг бирлашмаларидан ташкил топган матн;
5. Семантик ва таркибий маънода нисбатан тўлиқ бўлган нутқнинг категориялар мажмуи.

Бугунги кунда социологик дискурсни иккита йўналишда, яъни оғзаки ва ёзма (илмий мақола ва тадқиқотлар, омма олдида чиқишлар, суҳбат, аҳоли билан мулоқот, мурожаат, тақдимот) тарзида қўллаш амалиёти мавжуд.

Англиялик тадқиқотчи Ван Дейк ўз асарларида камида тўрт даражадаги мунозарали таҳлилни муайян эркин суҳбат, стандартлаштирилган суҳбат, жанр, ижтимоий шаклланиш сифатида тавсифлаган.[2. -Б. 325, 357] Ван Дейк социологик дискурс таҳлилин матн таркибини ўрганишдан бошлашни таклиф қилади. Бунда янгиликнинг семантик таркиби матн жараёнида ошқор бўлади: энг муҳим маълумотлар биринчи навбатда ифодаланади, кейин матн тақдимотининг тегишли тузилишини ташкил этадиган стратегия қўлланилади. Матннинг таркибий қисмларини тақдим этиш кетма-кетлиги унинг ўзига хос хусусиятлари ва тадқиқ қилинадиган қизиқишларга қараб фарқ қилиши мумкин. Матнда баён этилган умумий мавзулар, ишлатиладиган атамалар воқеа ва вазиятларнинг субъектив талқинида, муайян ижтимоий ҳолатни тушунишдаги ўзгаришларга ҳам таъсир қилади. Матнларни талқин қилишда турли урф-одат ёки интеллектуал талабларга асосланиб, уни қандай мақсадда ёзилганлигини аниқлашда **герменевтика** (юнон тилида – тушунтириш, изохлаш (илмий), талқин қилиш)дан кенг фойдаланилади. Ф. Шлейермахер герменевтикани фан сифатида асослаб, унинг талқин қоидалари барча матнлар учун бир хил бўлган универсал талқин назарияси, деб таъкидлайди. **Герменевтиканинг мақсади** – тил умумий тизимининг бир қисми ва баъзи шахсларнинг ижод маҳсули сифатида ёзма ҳужжатларни тушуниш имкониятларини англаш.[3] **Герменевтиканинг асосий ўрганиш предмети** - матндан тўғри фойдаланиш учун уни тушуниш, уни ақлий идрок этиш ва тўғри талқин этиш. Унда тушунишнинг турлари, даражалари, босқичлари, омиллари ўрганилади. [4]

Матн ва дискурс бир-бирига жуда яқин, бир нарсани англатади, аммо турли нуқтаи назардан тушунилади. Шу сабабли, дискурсни таҳлил қилиш мактабининг вакилларида бири Р.Робин матн тилда бирлаштирувчи занжир эканлиги ва матнни лингвистик қоидаларидан ташқарида ўрганиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Матнни таҳлил қилиш – матннинг тарихийлиги ва муҳимлигини ўз ичига олган кашфиёт жараёнидир. [5. – Б. 184-197]

Дискурс – матн ва мулоқот учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар йиғиндиси, яъни матн, муайян ҳодиса, мулоқот иштирокчиларини ўз ичига олган бўлиб, мураккаб факторларга эга бўлган ҳодиса сифатида долзарблаштирилади ва талқин қилинади. Матнни таҳлил қилаётганда методологик ва тадқиқот асосларига таяниш керак. Коммуникация бирлиги ҳар доим матн бўлса, коммуникация жараёнининг ўзи дискурсдир. [6. –Б.184-197]

“Герменевтик дискурс матнни англаш, тушуниш ва талқин қилиш натижасидир. **Англаш** (қабул қилиш) – бу матннинг бир текисда (чизиқли) очилишини амалга ошириш учун биринчи қадам. **Тушуниш** – бу кодлаш жараёни бўлиб, лингвистик белгилар йиғиндиси орқали ҳосил бўлган матндан маъно англатадиган тизимга ўтиш. **Талқин** – тушунишнинг янада чуқурроқ даражасига ўтиш, шу жумладан, идрок этилаётган ва тушунилган нарсалар ҳақида мулоҳаза юритиш”. [7. – Б.36] Муайян мулоқот услубини танлаш ижтимоий ва мафкуравий асосни ўз ичига олади, чунки бу услуб маълумот берувчининг янгиликлар ва воқеалар, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва коммуникацион вазиятнинг хусусиятлари ҳақидаги фикрини намойиш этади.

Социологик дискурс таҳлилининг асосий мақсади ҳар қандай маълумотнинг тагида яширинган фикрлар маъносини ўрганишдир. Яъни, социологик дискурс дунёга замонавий инсонпарварлик билимлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар бир ҳолатда маълум ижтимоий, сиёсий ёки психологик ҳодисага яхлит тизим тарзидаги ёндашувни яратиш мақсади билан киради.

Дискурсни турли даража ва ўлчамларини аниқлаш мумкин. Ушбу ўлчамлар қуйидагича: а) мулоқотдан фойдаланиш; б) фикр алмашиш; в) ижтимоий жараёнларда ўзаро таъсир ўтказиш. Ўлчамларга асосланиб, ёндашувда дискурсни кўп қирраларига эътибор қаратади. Яъни, тилшунослик тилдан тўғри фойдаланишни ўрганади, психология ишонч ва эътиқодларнинг (beliefs) алмашиш жараёнини ўрганишга қаратилган бўлса, социология ўзаро таъсирларнинг ижтимоий моҳиятини таҳлил қилади. Социологик дискурс тадқиқотлари орқали ушбу турли йўналишларни ўзаро боғлайдиган умумий ёндашув таъминланади.

Социологик дискурсни даража ва ўлчамлари алоҳида бир бутунликни ташкил қилмайди, чунки улар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсир қилади. Масалан, анъанавий ёндашувда, одатда, жумлалар фикрлар чегарасидан ташқарига чиқмайди. Дискурс матн ёки нутқдаги экспрессивликнинг бошқа шаклларини ҳам ўз ичига олади. Матнда маълумот жумлалар шаклида намоён бўлиб, маълум мақсадларга хизмат қилади. Агар дискурс ижтимоий-сиёсий ҳаракат ва ўзаро таъсирлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинадиган бўлса, унда ушбу ёндашувда нутқ мавжуд бўлган контекстга алоҳида эътибор берилади. Масалан, ваъда сифатида баён этиладиган нутқда қабул қилувчини рози қилиш учун муайян матн тузилиши керак. Юқоридаги фикрларга асосланиб, айтиш жоизки, маълумот етказадиган матн жуда муҳим бўлиб, социологик дискурс таҳлилида мунозара ва бахсларга жавоб бера оладиган ижтимоий-сиёсий контекст мавжуд бўлиши керак.

Бир хил ижтимоий-сиёсий мавзу ёки муаммони ўрганишга қаратилган мулоқот маълумот берувчилар ўз билим ва қўникмаларига, ҳаётий тажриба ва ижтимоий-маданий воқеликни қай даражада таҳлил қилишига қараб ҳар хил контекстга эга бўлади, яъни ўз дискурсига эга бўлади. Мулоқот давомида муайян вазиятда одамлар бир-бирини қанчалик тушунишларини таҳлил қилиш социологик дискурсни ўзига хос ёндашувини талаб қилади. Социологик дискурсни ишлатиш жараёнида одамлар нафақат матн ёки контекстнинг ақлий моделларини яратадилар, бунда фақат ёзма нутқни эмас, балки оғзаки нутқни ҳам таҳлил қилиш керак, чунки шахслар ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, ижтимоий институтлар аъзолари бўлганлиги сабабли улар мунозаралар орқасидаги ижтимоий-сиёсий тузилмалар манфаатларини ҳам эътиборга оладилар. Дискурс методология одамларнинг фикрлаши, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, жамиятнинг ривожланиши ва янгиланишини таҳлил қилишда ас қотади. Шундай жараёнлардан бири **медиация** жараёнидир.

**Медиация** – томонларнинг ўзаро танланган ҳолис ва нейтрал шахслар билан учрашадиган, уларнинг келишмовчиликларини муҳокама қилишда ёрдам берадиган жараён. **Медиация** – ишончли нейтрал шахс томонидан олиб бориладиган мулоқот жараёнидир. Медиациянинг барча иштирокчилари ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, томонларнинг эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва манфаатларини аниқлайдилар. Медиация – икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги низоларни конкрет таъсирга эга бўлган ҳолда ҳал қилишнинг муқобил ечиш шакли. Одатда, учинчи томон – воситачи, томонларга келишув бўйича мулоқот (музокара) олиб боришда ёрдам беради. Томонлар тижорат, ҳуқуқий, дипломатик, иш жойи, жамоат ва оилавий масалалар каби турли соҳалардаги низоларни ҳал этишда воситачилик қилишлари мумкин.[8]

Медиаторнинг (депутатлар, маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси медиатор вазифасини бажаради) вазифаси – иштирокчиларга



муаммоларни ҳал қилишда ва келишувга эришишда ёрдам беришдан иборат. Бу томонлар келишувга эришишга, низони ҳал қилишга, самарали алоқаларни ривожлантиришга, алоқалар ўрнатишда ёки яхшилашга ёрдам берадиган жараёнлардан иборат. Медиаторлар ён босишмайди. Медиаторлар холисдир.




Медиаторлар томонларнинг келишувга эришишига ёрдам беришни мақсад қилиб, мунозарали томонлар ўртасида мулоқотнинг турли усулларида ойдаланадилар. Мулоқот самараси медиаторнинг маҳорати ва тайёргарлигига боғлиқ.

“**Медиация**” атамаси учинчи томон бошқаларга келишувга эришишда ёрдам берадиган ҳар қандай мисолни англатади. Аниқроғи, медиация “оддий” музокараларда (мулоқотда) етишмайдиган тузилишга, жадвал ва динамикага эга. Жараён хусусий ва махфий бўлишидан қатъи назар, қонунга риоя қилиниши шарт. Иштирок этиш, одатда, ихтиёрийдир. Медиатор (холис учинчи томон)нинг вазифаси жараённи йўналтиришдан эмас, балки уни осонлаштиришдан иборат. Медиация ҳар қандай низоларни ҳал қилишда ишлатилиши мумкин, бугунги кунда у можароларни тинч йўл билан ҳал қилишда халқаро микёсда қабул қилинган ечимга айланмоқда. [9]



Кўпинча медиация жараёни қуйидагича давом этади:

## Медиация жараёни




Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинаётган халқчил фармон, қарор ва қонунлар ҳам йиллар давомида ўз ечимини кутаётган, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан қувонарлидир. Маҳалла фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий кадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида:

- маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга;
- маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтириш ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;
- маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;
- маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;
- кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;
- маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;
- маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий кадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга асосий эътиборини қаратилганлиги жуда муҳимдир.

**МЕТОДОЛОГИЯ.** Социологик дискурс халқ тили, миллий менталитетга мос сўз ва ибораларга таяниб, мулоқот олиб борилиши ҳамда муаммолар ечимига конструктив ёндашув киритилиши ўзаро тушуниш муҳитини юзага келтирувчи медиация ҳолатидаги прагматик мулоқотни амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Фарғона, Андижон, Сурхандарё ва Хоразм вилоятларида социологик сўровнома ўтказилди. Жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Кўкча дарвоза” маҳалласида 2018 йил 9-11 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича социологик сўровнома ўтказилди.

Иштирокчиларнинг 51 фоизи эркаклар, 49 фоизи аёллар эди. Уларнинг ёши: 21-33 ёшдагилар - 21%, 34-50 ёшдагилар – 28%, 51-60 ёшдагилар – 35%, 61 ва ундан юқори ёшдагилар – 16 % ни ташкил этди.





Маҳалла аҳолисига қуйидаги саволлар билан мурожаат этилди:



“Сиз ўзингизнинг маҳалладаги ижтимоий ўрнингизни қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 32,40% “Менга ишоншади”, 16,20% “Менинг илтимос ва таклифларим жамоада эътиборсиз қолмайди”, 15,90% “Маҳаллада менинг йўқлигим дарров билиниб қолади”, 11,80% “Маҳалладошлар менинг позициямни доимо ҳисобга олишади”, 9,60% “Йиғилишларда одамлар менинг фикрим қандайлигини ҳамиша сўраб туришади” каби жавобларни белгилашган. Бу ҳолат маҳаллада ҳар уч кишидан икkitаси маҳалла ишончига эга эмаслиги, ҳар олтидан бири маҳаллага илтимос ва таклиф билан борса иши битиши, фақат ўнтадан бирининг фикри билан одамлар ҳисоблашишларини ифода этади.

Саволга олинган жавоблардан дискурс таҳлилни ишлатиш асосидаги социологик хулосамиз қуйидагича бўлди: маҳаллада аҳолининг уюшганлиги, аҳиллиги, ҳамжиҳатликнинг мавжудлиги, одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги респондентларнинг аҳоли уларга ишониши (32.4%), илтимослари эътиборга олиниши (16.2%) орқали маҳалладаги ижтимоий муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши ойдинлашди.



“Сиз маҳаллада зиддиятли ҳолатлар юз бергудек бўлса, ўзингизни қандай тутасиз?” деган саволга респондентларнинг 41,8% “Зиддиятга киришган одамларни яраштиришга шошиламан”, 24,9% “Ҳолат бўйича адолат тикланиши учун курашаман”, 11,9% “Иложи борича зиддиятдан ўзимни четда тутишга интиламан”, 9,7% “Фикр билдира олмайман”, 6,3% “Маҳалла назаридан қолган одамдан ўзимни тортаман”, деган жавобларни беришган.

Дискурс таҳлилни ишлатиш асосидаги социологик хулосамизда, аҳоли ижтимоий-маиший ва бошқа муаммоларни ечишда, асосан, ўз имкониятларидан келиб чиқади, маҳаллада зиддиятли ҳолатлар юз бергудек бўлса, уларни ижобий ҳал қилиш ва одамларни яраштиришга ҳаракат қилишади (41,8%), қийин ҳолатга тушиб қолган одамларга зиддиятли муаммоларни бартараф этишда ёрдам беришади (24,9%), уларнинг жамоанинг кўмагига таянишга бўлган

ишончи мустаҳкамланади. Бундай натижа одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари қониқарли, деган хулосани беради.



“Сиз томонингиздан илгари сурилган ижтимоий масалалар ёки таълим-тарбия сифатини яхшилашга доир ташаббуслар маҳаллада қандай ҳал этилган?” деган саволга респондентларнинг 39,20% “Ижобий ҳал этилган”, 37,70% “Мурожаат қилмаганман”, 9,90% “Эътиборсиз қолдирилган”, 7,30% “Ижобий ҳал этилмаган”, 3,90% “Мурожаат қилиб, аниқ жавоб ололмаганман”, деб жавоб беришган.

Бундан социологик хулосамиз шуки, ижтимоий масалалар ҳамда таълим-тарбия сифатини яхшилашга оид ташаббуслар маҳаллада жамоавий муҳокама этилиб, респондентларнинг муаммолари ижобий ҳал этилган (39,2%), вазиятни яхшилаш бўйича маҳалла ва кўча хусусиятини ҳисобга олиб ёндашувчи ягона фикр шаклланмаганлиги сабабли уларнинг маҳаллага ва юқори ташкилотларга мурожаат этмаганлигидир (37,7%).



“Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда давлат органлари қайси йўналиш бўйича ўз фаолиятини такомиллаштириши керак?”, деган саволга респондентларнинг 67,4% “Жойларга чиқиб халқ билан учрашувларни янада кўпайтириш керак”, 18,80% “Интернет тармоғи орқали мурожаатларни қабул қилиш ишларини яхшилаш керак”, деган жавобларни белгилашган.

Дискурс таҳлилни қўллаган ҳолда, социологик хулосамиз қуйидагича бўлди: маҳалла аҳлининг давлат идораларининг халқ билан мулоқот қилиш ҳолатини фаоллаштириш, маҳалла фаолиятига доир муносабатда очиклик ва шаффофликни таъминлаш учун аҳоли билан кенг мулоқотни йўлга қўйиш (67,4%), интернет ва ижтимоий-сиёсий тармоқлар имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги (18,8%) ойдинлашди.

Ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, жамиятимизнинг барқарор тараққиёти учун фуқароларнинг фаоллиги жуда муҳим бўлиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий онги, маданияти ва дунёқарашини шакллантириб бориш катта аҳамиятга эга.

Дискурс ҳодисасини тадқиқ этишга бағишланган социологик назариялар, асосан, ижтимоий тадқиқотларни ўтказишга қаратилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий-сиёсий кайфият ва бошқа омилларни тўлиқ тавсифлашдан иборат.

Хусусан, XX асрнинг бошларида социологик ижтимоий тадқиқотлар фақат илмий мақсадлар учун ўтказилиб, аксарияти шошилиш ислоҳотлар талаб қилинадиган “ижтимоий муаммолар”га жамоатчилик эътиборини жалб қилишга қаратилган эди. “Ижтимоий муаммолар” тушунчаси XIX аср бошларида ислоҳотчилик мафкураси контекстида шаклланган бўлиб, қашшоқлик, жиноятчилик, фоҳишабозлик, саводсизлик ва бошқаларни тақиқ этишга йўналтирилган эди. Шу даврда ижтимоий муаммолар ҳолатини дискурс таҳлил қилувчи “Ижтимоий сўровлар ҳаракати” Европа ва Америкада жуда машҳур бўлган эди.

Инглиз тадбиркори Чарльз Бут Лондонда яшаш шароитларини ўрганиш негизида дискурсни таҳлил қилувчи анъанавий ижтимоий тадқиқотни қўллаган. Унинг 17 жилдлик “Лондон аҳолисининг ҳаёти ва меҳнати” асари Европа ва Америкадаги ижтимоий тадқиқотлар методологияси ва мазмунига катта таъсир кўрсатди. XX аср бошларидаги социологик лойиҳаларнинг аксарияти Ч.Бут томонидан белгиланган дискурс қонуниятлари доирасида амалга оширилган. [10. –С.66-110]

Ч.Бут жамият ижтимоий тузилишининг асосий мезони даромадлар миқдори, деган фикрга асосланди. Ч.Бут шаҳар ижтимоий муҳитини махсус тадқиқ этувчи марказ тузилиши методикасини жорий этди, хариталаш усулини ижтимоий тадқиқотлар методологиясига киритди – у Лондон ҳудудларини (квартал) шу ерда яшовчи аҳолининг даромадига қараб турли хил рангларга бўйди. Ч.Бутнинг методологияси, асосан, қашшоқлик муаммосини ўрганишга қаратилган бўлиб, бунда оиланинг даромади, соғлиғи, иш ва яшаш шароитлари тўғрисида маълумот тўпланар эди.[11] XX аср ўрталаригача Ч.Бут методологияси асосида кўплаб тадқиқотлар ўтказилди. Хусусан, 1910 йилда ҳисобчи Сибом Раунтри томонидан Англиянинг кичкина Йорк шаҳрида оилавий бюджетнинг тақсимланиши ўрганилди. Олинган маълумотлар ўрганилиб, маълум хулосалар асосида оиладаги муаммолар келиб чиқиш сабаблари ва бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқилди.

Дискурс ҳодисасини ўрганиш борасидаги тадқиқотимизда Ч.Бут методологиясини қўллаш асосида қуйидаги натижаларга эришдик:



“Маҳаллангиздаги аёллар асосан қандай ишлар билан шуғулланишади?” деган саволга респондентларнинг 58,5% “Оилада фарзанд тарбияси билан”, 17,7% “Давлат иши билан”, 12,6% “Шахсий бизнес билан”, 5,1% “Ёлланма иш билан” шуғулланишлари маълум бўлди. Мазкур ҳолатни ўрганиш жараёнида айтиш жоизки, ҳозирда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади экан, фарзандни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, оилада соғлом муҳит яратиш, болаларга керакли билимлар бериш, оилада ижтимоий-интеллектуал ҳамкорликни кучайтириш, оналар зиммасига тушадиган “юк”ни оталар билан тенг ҳамкорликда олиб бориш зарур. Бу борада позитив натижаларга эришишда фарзандларнинг таълим олишлари учун таълим муҳитини яхшилаш, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини эъзозловчи кадриятларга муносабатни шакллантирувчи шароитларни яхшилаш, касб-хунарга ўргатиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.





Маҳалла аҳолиси олдида турган энг катта муаммо – ишсизлик эканлиги аниқланди. Тадқиқотда иштирок этганларнинг ҳар тўрттадан бирини (24,7%) бугунги кунда ишга жойлашиш муаммоси қийнамоқда. Бу жуда катта кўрсаткич бўлиб, маҳаллада янги иш ўринлари яратиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигини кўрсатади.

“Бугунги кунда шахсан Сизнинг олдингизда қандай долзарб муаммолар мавжуд?” деган саволга жавоблар кўрсаткичлари орасида иккинчи бўлган “Фарзандларнинг ОЎЮда ўқишга кириши” (16,0%) эканлиги катта ёшли аҳоли вакиллари онгида ўқиш қадриятининг юқори эканлиги тўғрисидаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқламоқда. Шунингдек, 7,0% респондентлар ўзлари “қизикаётган соҳалари бўйича етук мутахассис бўлиш”ни, 4,8% “фарзандларининг хорижий олий ўқув юртларига кириб, яхши мутахассис бўлишлари”ни долзарб муаммолар сифатида кўрсатганлар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим олиш ва мутахассисликка эга бўлиш имкониятини эркинлаштириш борасидаги фаолиятни янада кенгайтириш, олий таълим муассасаларида қабул квоталарини ошириб бориш орқали маҳалла аҳолисининг ушбу муаммоларини бирмунча бартараф этиш мумкин.



“Маҳаллангизда ишсизларнинг пайдо бўлишига сабаб нима деб ўйлайсиз?” деган саволга жавоблар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу муаммонинг мавжудлигида иктисодий омиллар бирламчи эмас. Яъни, респондентларнинг 16,9% ишсизликка “таклиф этилаётган ойлик маошларининг камлиги” сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблашади, уларнинг ярмига яқини эса (43,0%), бунга сабаб “керакли касб-хунарларнинг пухта эгалланмаганлигида” деб ҳисоблашади. Бундан кўринадики, одамларда касб-хунар эгаллаш ва мутахассисликка эга бўлишда барқарор интилиш, буни муҳим ҳаётий қадрият сифатида англаш мустаҳкамланиб бормоқда. Бу келгусида ҳам мамлакатимизда ўқиш ва илм олишга интилиш юқори бўлиб қолади, ёшларда олий ҳамда ўрта махсус таълим олиш имкониятини янада кенгайтириб бориш лозимлигини кўрсатади.

Пол Келлог томонидан 1909-1914 йилларда Питзбургда ўтказилган ижтимоий тадқиқот Ч.Бут методологиясидан фарқ қилиб, ишчиларнинг нафақат иш билан таъминланганлиги, уларнинг даромадлари ва яшаш шароитлари, балки таълим, солиқ, жиноятчилик, уларнинг бўш вақтлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга қаратилди, яъни ҳамма нарсалар ҳақида қизиқарлироқ нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилинди.[12.– С.369-372] Дискурс ҳодисасини иш билан бандликка доир муаммоларни Пол Келлог методологияси асосида ҳал этиш учун Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани “Кўкча дарвоза” маҳалласида 2018 йил 9-11 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан социологик сўровнома ўтказдик.



Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сўровда иштирок этганларнинг ярмига яқинини (40,1%) жиноятчилик муаммоси кўпроқ ташвишга солмоқда. Кейинги йилларда жиноятчилик кўрсаткичлари кескин камайиб бораётган бўлишига қарамадан, ушбу ҳолатнинг ханузгача жамоатчилик томонидан “ҳаётимиздаги энг ташвишланарли салбий ҳолат” сифатида юқори баҳоланаётганлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишларимизни давом эттиришимиз лозимлигини кўрсатади.

Деярли ҳар бештадан бир респондентни (18,6%) юқори мансаб эгаларининг қоғозбозликка берилганлиги ташвишга солмоқда. Бундан кўринадики, туман аҳолисига хизмат кўрсатувчи давлат идораларида ханузгача бюрократик ёндашувлар сақланиб турибди, бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, 7,5 % респондентлар маҳаллий ҳокимият вакилларининг қоида ва қонунбузарлигидан норози. Бу кўрсаткичлар маҳаллий раҳбарлар учун огоҳ қўнғироғи бўлиб, ҳозирча улар “халқнинг қўнғилига йўл топа олмаганлигини, ишончига қира олмаганлигини” кўрсатади. Буни бартараф этиш учун маҳаллий раҳбарлар томонидан халқ билан кенгроқ мулоқот олиб боришлари ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятининг кенг жамоатчилик учун очиқлиги ҳамда шаффофлигини ошириш борасидаги тадбирларни кўпайтиришлари талаб этилади.



“Сиз учун одамлардаги энг ёқмайдиған иллатлар қайси?” деган саволга “порахўрлик” (54,6%), “манманлик” (14,7%), “таъмагирлик” (7,7%) каби жамият тараққиётига ғов бўлаётган, халқ ва давлат манфаатларига мутлақо зид бўлган зарарли иллатларни белгилаб берганлар. Таъкидлаш жоизки, маҳалла аҳолисини порахўрлик, манманлик ва таъмагирлик ҳолатлари жиддий муаммолар сифатида безовта қилмоқда.

Бугунги кунда зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари маҳалла фаоллари билан биргаликда тизимли фаолиятнинг ташкил қилиниши бу иллатларнинг барҳам топишига ёрдам беради. 2020-2025 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича ҳар бир маҳалла кесимидаги “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари (ННТлар, жамғармалар, ассоциациялар ва ҳоказо) билан коррупцияга қарши кураш борасида ҳамкорликни кучайтириш, ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш лозим.



“Сизнинг фикрингизча, халқнинг кучлилигини нималар белгилайди?” деган саволга респондентларнинг 42,3 % -“кучли иқтисодий сиёсат” деган жавобни беришган. 19,1% - “маънавият”, 10,8% -“илм”, 8,4% -“армиянинг кучлилиги”да, деб тушунишларини белгилаб ўтишган.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш вазифаси бевосита мамлакат иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, маҳаллани комплекс ривожлантиришга таъсир этувчи омил сифатида аҳолида тадбиркорлик руҳини шакллантириш ҳам жуда зарур. Иқтисодий фаол аҳоли қатламини кенгайтиришга қаратилган одамлардаги касб-хунарларни эгаллаганлик ва билим-тажриба салоҳиятларни ҳисобга олиб, “Бўлажак тадбиркорлар учун маслаҳат марказлари” ишини йўлга қўйиш, маҳалладаги тажрибали тадбиркорлар билан ҳамкорликда маҳорат дарслари ташкил этиш лозим. Шунингдек, маҳалладаги ҳар бир кўча ва ҳудудлар салоҳиятини ҳисобга олиб иш тутиш мақсадга мувофиқ.



“Сиз китоб ўқишни ёқтирасизми?” деган саволга респондентларнинг 77,1% “ха” деган жавобни беришган. 8,9% - респондент саволга жавоб бермасликни лозим топишган.

Дискурс назариясини қўллаб, ўтказилган кузатиш ва таҳлил бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг қўламда ҳал этиш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болалиқдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон инсон», «Энг китобхон оила», «Энг фаол кутубхоначи» каби кўрик-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш лозим.

XIX аср охири – XX аср бошларида социологик тадқиқотлар оммавий сўровлардан узоқлашиб, назарий таълимотга мувофиқ ривожлана бошлади. Социологик методологиянинг Дискурс назарияси ривожланишидаги янги босқич Чикаго мактаби билан боғлиқ бўлиб, унинг энг самарали фаолиятининг даври 1920 йилларга тўғри келади. Чикаго социология мактабидаги дискурс услубининг муҳим хусусияти аниқликка интилишдир. Фан тарихида биринчи марта Чикаго социологлари тадқиқотнинг таркибида бўлган кузатишлар, суҳбатлар, шахсий ҳужжатлар ва бошқалардан тизимли равишда фойдаланишни бошладилар. Шу муносабат билан Чикаго методологияси экспериментал гипотеза тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда амалий ишлардан илмий ижтимоий таҳлилга ўтишни амалга оширди. Ўзига хос хусусиятга эга бўлган намунавий усул билан боғлиқ бўлган тадқиқотларнинг янги босқичи бошланди. Ушбу йўналишда интервью ўтказиш услуги ишлаб чиқилади, яъни савол - жавоб шаклида тажриба ўтказиш. Бу методологияни Дж. Гэллап жамоатчилик фикрини ўрганиш институти (1935 йилда ташкил этилган) энг аниқ прогнозга эга бўлган кўп босқичли саралаш имконияти усулини топади. [13.-С.129] Тадқиқотлар орқали эришилган натижаларнинг аҳамияти уларнинг муайян маълумот ва жамият учун фойдалилиги билан белгиланади. Оммавий сўров натижалари, жамоатчилик ёки давлат раҳбарларининг кизиқишини уйғотган бўлсагина жамиятда тан олинади ва молиялаштирилади. Тадқиқот жараёнида олинган энг юқори сифатли маълумотлар ҳам тезда эскиради ва ўз аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун, тадқиқотчи ҳар доим янги маълумотларни тақдим этишга интилади. Берилган натижалар янги маълумотлар томонидан рад этилмагунча унинг сифати сақланиб қолади.

**ХУЛОСА.** Дискурс назариясини қўллаш асосидаги тадқиқотларимиз халқ билан яқиндан мулоқот қилиш ва фуқароларнинг жамият ривожланишида нечоғлиқ катнашишлари ҳолати ва имкониятларини очиб беради. Шу ўринда социологик дискурс ва ижтимоий-сиёсий мулоқот билан биргаликда аҳолининг турмуш тарзи, уларнинг дунёқараши ва бўлаётган ўзгаришларга бўлган муносабатини аниқлашда ҳам ёрдам беради.

Хусусан, экспертлар фуқароларнинг ҳокимиятга бўлган ишончсизлигини фуқаролик жамияти куришдаги ташаббуслар интенсивлиги мамлакатимизда демократик институтлар ва сиёсий тизимнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқроқ белгилаб олишга имконият яратди. Бошқа томондан ишончнинг йўқлиги мулоқот алоқаларини ўрнатиш имкониятини чеклайдиган кучли ҳолатлардан бири ҳисобланади. Жамият ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларнинг бундай ҳолати ўзаро таъсир, тўқнашув, қаршилик, можаро каби вазиятларга сабаб бўлади. Социологларнинг фикрига кўра, ижтимоий ва сиёсий пасивликнинг сабабларидан бири фуқароларнинг ўзини ўзи сақлаб қолиш инстинкти бўлиб, аҳолининг кўп қисми давлат идораларига таъсир қила олмаганликлари боис мамлакатда бўлаётган воқеалар учун шахсий жавобгарликни рад этишади. Дарҳақиқат, фуқаролар кўпинча мамлакатда юз бериб турган ва ҳали ҳам зарарли таъсирини ўтказиб турган иллатлар

(коррупция, бюрократизм)нинг салбий таъсир қилишини била туриб, бу “ёмон” билан курашишга журъат этмайдилар. Бунда, бирор-бир қарор қабул қилиш ва ҳаракат қилишдан олдин мазкур вазиятни яхши тушуниш, социологик ўрганиш жуда муҳим. Буларнинг барчаси аниқ шароитларга, ижтимоий контекстга, яъни социологик дискурснинг тўғри ишлатилишига боғлиқ.

### Иқтибосар/Сноски/References:


1. Ясавеева И.Г. Социальные проблемы: Конструкционистические прочтение. - Казань: Издательство Казанского университета, 2007; Алтунян А.Г. Анализ политических текстов // Университетская книга. - Москва: Изд-во "Логос", 2006
2. Dijk T.A. van. Discourse as structure and process. London, SAGE Publication, 1997, p. 357; Idem. Discourse as Social Interaction. A multidisciplinary introduction. Vol.2 – SAGE Publication, London, 1996, p. 325; Idem. Political Discourse and Political Cognition (1997) // [www.nu.yah/psych/vandijk.htm](http://www.nu.yah/psych/vandijk.htm).
3. <https://bigenc.ru/philosophy/text/>
4. <http://ponjatija.ru/taxonomy/term/61>
5. Робен Р. Анализ дискурса на стыке лингвистики и гуманитарных наук вечное недоразумение. Квадратура смысла: Французская школа анализа дискурса. – М: 1999. С. 184-197.
6. Робен Р. Анализ дискурса на стыке лингвистики и гуманитарных наук вечное недоразумение. Квадратура смысла: Французская школа анализа дискурса. – М: 1999. С. 184-197.
7. Орлова Н.В. Анализ и интерпретация текста: учебное пособие. Омск: Изд-во Ом. гос. ун-та, 2015. С.36.
8. <https://en.wikipedia.org/wiki/Mediation>.
9. Agardy, Peter (2009), “Mediation and insolvency practitioner”, *Insolvency Law Journal*, Thomson Reuters, Vol 17. № 3, September, Pages 135-146.
10. Bales K. Charles Booth's survey of life and labour of the people of London, 1889— 1903 // Balmer M., Bales K., Kish Sklar K. (eds) *The social survey in historical perspective, 1880— 1940*. Cambridge: Cambridge University Press, 1991. P. 66—110.)
11. *The new survey of London life and labour*. 9 vols. London: P. S. King & Son, 1930— 1935.
12. Robinson R. Progress in mass observation // *International Journal of Opinion and Attitude Research*. 1948. Vol. 2. P. 369-372.
13. Roper E. Wording question for the polls// *Public Opinion Quarterly*. 1940. Vol. 4. P. 129.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Абдувалиев Фатхулла  
Ўзбекистон Миллий университети  
Тадқиқотчиси  
e-mail: abduvalievf@mail.ru

## МИГРАНТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ МУҲИТИГА МОСЛАШУВИ: СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ

**For citation:** Abduvaliyev Fathulla, Adaptation of migrants to the educational environment: sociological analysis. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 94-104

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-10>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миграция жараёнларининг трансформациялашуви натижасида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари орқали тараққиётнинг турли босқичлари, хусусан, инсоннинг социал мобиллиги, миграция феноменининг социологик тарафдан таҳлил этилган бўлиб, унинг мазмунига аниқлик киритишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, глобал замон ўзгараётган бир даврда ижтимоий меҳнат миграцияси тушунчасига меҳнат социологияси, демография фанлари асосида таъриф ишлаб чиқилган. Қолаверса, миграция оқимининг салбий оқибатларини олдини олиш, мигрантларнинг янги жойда мослашиши ва интеграцияси, ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш таълим ва интеллектуал салоҳият даражасига боғлиқ ўзгаришларига масалларига эътибор қаратилган. Муаллиф шунингдек, сўнгги йилларда динамик ҳаракатга келган интеллектуал миграциянинг замонавий хусусиятлари, қабул қилиувчи муҳитга мослашиши жараёнлари ва ижтимоий-психологик кўникмалари ҳақида маълумот беради.

**Калит сўзлар:** миграция, мослашув, демография, ишчи кучи, қочоқ, кўчманчилар, ижтимоий муносабат.

Абдувалиев Фатхулла  
Национальный университет Узбекистана  
Исследователь  
e-mail: abduvalievf@mail.ru

## АДАПТАЦИЯ МИГРАНТОВ К ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ: СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

### АННОТАЦИЯ

В статье через призму социально-политических отношений общества как результата трансформации миграционных процессов с социологической точки зрения анализируются различные этапы развития, в частности, социальная мобильность человека, а также в данном контексте предпринята попытка уточнения содержания феномена миграции. На основе таких

дисциплин как социология труда и демография определено авторское видение концепции социальной трудовой миграции в условиях глобальных перемен. Кроме того, уделяется внимание предотвращению негативных последствий миграционных потоков, адаптации и интеграции мигрантов на новом месте, регулированию внешней трудовой миграции и изменению уровня образования и интеллектуального потенциала. Автор также предоставляет информацию о современных особенностях интеллектуальной миграции, процессах адаптации к принимающей среде и социально-психологических навыках, которые динамично меняются в последние годы.

**Ключевые слова:** миграция, адаптация, демография, рабочая сила, беженцы, мигранты, социальные отношения.

**Abduvaliyev Fathulla**  
National University of  
Uzbekistan Researcher  
e-mail: abduvalievf@mail.ru

## ADAPTATION OF MIGRANTS TO THE EDUCATIONAL ENVIRONMENT: SOCIOLOGICAL ANALYSIS

### ANNOTATION

The article analyzes various stages of development through the prism of socio-political relations of society as a result of transformation of migration processes from the sociological viewpoint, in particular, social mobility of a person, and in this context an attempt to clarify the content of the migration phenomenon is made. Also the author's vision of the concept of social labor migration in the conditions of global changes is defined on the basis of such disciplines as sociology of labor and demography. In addition, the article is focused on the prevention of negative consequences of migration flows, adaptation and integration of migrants in a new place, regulation of external labor migration and changes in the level of education and intellectual potential. The author also provides information on contemporary features of intellectual migration, processes of adaptation to the host environment and socio-psychological skills, which have been dynamically changing in recent years.

**Keywords:** migration, adaptation, demography, labor force, refugees, migrants, social attitude.

**КИРИШ.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йил 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди ва унда давлат раҳбарлари Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида битим, шунингдек, Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим имзоланишининг аҳамиятини юқори баҳоладилар ҳамда миграция соҳасида ҳамкорликнинг халқаро тан олинган шакллари янада ривожлантиришга кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар[1]. Маълумки ривожланган мамлакатларда глобаллашув ибтидоси замонавий технологиялар, савдо ва инвестиция соҳаларидаги улкан ютуқлар туфайли ўз фуқаролари турмуш тарзини фаровонликнинг мисли кўрилмаган даражадаги неъматлари билан таъминлаб берди. Аммо инсон ривожланишига оид ютуқларни бутун дунё тажрибасида олиб қараб бўлмайди. Сабаби ривожланиб келаётган мамлакатларнинг асосий қисми тараққий топган давлатлардан анча ортда қолиб кетди. Эътироф этадиган томони, бой ва камбағал мамлакатларнинг ривожланиши ўртасидаги фарқ кескин катталашиб бормоқда. Мутахассис (эксперт)ларнинг илмий таҳлиллари глобаллашув ва интеграциянинг асосан иқтисодий тараққий этган мамлакатлар фойдасига хизмат қилаётганини кўрсатади. Бу ҳолатни биз илғор саноатдан тортиб, то меҳнат бозорларидаги ёлланма ишчи кучларининг нотекис тақсимоти гача бўлган ҳолатда кузатишимиз мумкин.



**АСОСИЙ ҚИСМ.** Ишчи кучининг миграцион жараёнлари бевосита худуддаги демографик жараёнлар билан боғлиқ. биламизки, сўнгги ярим аср мобайнида катта иқтисодий кўрсаткичларга эришган Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Филиппин ва ҳатто Япония каби давлатлар ҳам миграцион жараёнлар ва унда иштирок этган ўз фуқароларининг инсоний кечинмаларини изчил илмий ўрганиш орқали катта ютуқларни қўлга киритганлар. Уларнинг тажрибаларини бугунги кунда ривожланиб келаётган бошқа мамлакатлар ҳам ўз тажрибаларида унумли фойдаланмоқдалар. Миграцион жараёнлар ҳаммавақт барча давлатларда зарурий жараён сифатида мавжуд бўлган. Шу билан бирга уларнинг мавжудлиги шундай оқибатларга олиб келадики, уни ҳар қанча илмий таҳлил, прогноз қилмайлик аниқлаб олиш қийин кечарди. Бу хусусда тарих фани бизга ҳамма вақт маълумотлар беради. Ижтимоий ҳаётдаги мавжуд узлуксизлик ва ўзгаришларда доимо инсон ресурслари ётиши маълум. Маълумки жамият соат каби ўзидаги мавжуд қувват билан фаолиятини давом эттирадиган механик қурилма эмас. Соат инсон қўллари билан қандай ҳаракатга келтирилса, жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳам инсон ресурси ҳисобланади. Замонавий жамият шу даражада такомиллашиб кетдики, уни ҳаракатга келтирадиган инсон ресурси кўпинча ортда қолмоқда. Бу айниқса анъанавий жамиятларда яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон дунё миқёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан бири ҳисобланиб, республикада аҳолининг ўртача ёши 29 ёшга тенгдир. Бу ҳолат эса мамлакатнинг улкан меҳнат потенциалига эга эканлигидан далолат беради. Ишчи кучининг миграцион жараёнлари бевосита худуддаги демографик жараёнлар билан боғлиқ. Чунки, Ўзбекистон дунё миқёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан бири ҳисобланиб, республикада аҳолининг ўртача ёши 29 ёшга тенгдир. Бу ҳолат эса мамлакатнинг улкан меҳнат потенциалига эга эканлигидан далолат беради. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон аҳолиси сони 33,5 млн. кишини ташкил этиб, уларнинг 57,0% қисми ёки 17,0 млн. нафари мамлакатнинг меҳнат ресурслари таркибига киради. Бу ҳолат эса юртимиз меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига меҳнат фаоллик ва касб тайёргарлиги юқори талабларнинг ҳамда катта рақобатнинг мавжудлигидан далолат беради. Меҳнат бозоридаги мазкур ҳолатлар эса бевосита ишчи кучининг миграцияси вужудга келишига сабаб бўлади.

Миграция жараёнларини трансформациялашуви жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари тараққиётнинг турли босқичларида, умуман инсоннинг социал мобиллиги, хусусан миграция феномени социологлар томонидан ўрганилиб, унинг мазмунига аниқлик киритишга ҳаракат қилинган. Юзаки қараганда, миграция аксиоматик мазмунга эга, нисбатан батафсил комплекс-системали ўрганилган ижтимоий-тарихий ҳодисадек кўринади. Ваҳоланки, унинг структуравий тузилиши, функционал йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, мазмунидаги парадигмал ўзгаришлар динамикасини ўрганиш, социологлар билан бир қаторда бошқа фан вакиллариининг ҳам тадқиқот объектига айлантирилган.

Социологияда “миграция” категорияси, аввалдан ижтимоий муносабатлар трансформацияси воситаси сифатида изоҳланган[2]. Ваҳоланки, миграция ижтимоий ҳодисаси, уни ташкил қилган структуравий элементларнинг оддий, механик тарзда умумлашган, турғун ёки, аксинча динамик-мобил ҳолати эмас, балки муайян ижтимоий-сиёсий тизим элементларининг ўзаро алоқадор ва тақозоланган муносабатларини конкретлаштирадиган ва уларни намоён қиладиган, нисбатан универсал ҳодисадир. Миграция анчадан буён жамиятимиз ҳаётининг ажралмас феномени бўлиб қолган, бироқ уни олдингидек юқори даражада муаммоли кўриниш сифатида идрок этадилар. Бу жуда кўп сабаблар билан шартланган, жумладан, мигрантлар билан бевосита алоқада бўладиган ижтимоий институтлар, ташкилотлар ва ижтимоий гуруҳлар зиммасига юкланадиган вазифалар билан боғлиқ. Мигрантларни мослашиш масалаларини зиммасига оладиган шундай ижтимоий институтлардан бири – таълим соҳаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб ижтимоий меҳнат миграциясига меҳнат социологияси ҳамда демографиясига таянган ҳолда Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Халқаро Миграция бўйича Ташкилот томонидан ишлаб чиқилган. Унга кўра «меҳнат мигрантлари – булар, инсонларнинг



бирор бир худуддан у ўзи истиқомат қиладиган мамлакат миқёсидами ёки руҳсат этиладиган мамлакатгами кўчиб иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган қисми» [3].

### **Халқаро Меҳнат Ташкилот томонидан замонавий меҳнат миграциясининг 5 та асосий тури ажратиб кўрсатилади:**

1. Шартнома асосида ишловчилар, бунда ишловчиларнинг кириб келиш муддати қабул қилувчи давлат томонидан аниқ қилиб кўрсатади. Ва бу асосан мавсумий ишларда бўлиб, бунга ҳосил йиғиш пайити мисол бўлади. Ва бунга одатда малакасиз ёки малакаси паст бўлган ишчиларнинг меҳнат миграцияси мисол бўла олади.
2. Малакали кадрлар миграцияси, бунга амалий тажрибаси ва билими шунингдек тайёргарлиги юқори бўлган ходимларнинг меҳнат миграцияси мисол бўла олади.
3. Ноқонуний мигрантлар, булар ҳужжатларни расмийлаштиримасдан чет элда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлардир.
4. Қочоқлар – булар ҳаёти ва фаолияти хавф остида бўлганлиги сабабли чет элга кетиб қолган кишилар.
5. Кўчманчилар – булар доимий яшиш учун кўчиб кетганлар. Бу гуруҳга кирувчи мигрантлар асосан саноати ривожланган мамлакатга кўчиб кетувчилар билан изоҳланади.

Мигрантларнинг талим муҳитига мослашуви муаммолари асосан педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқиладиганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу билан биргаликда, модомики, таълим субъектлари аввалдан турли ижтимоий мақом ва гуруҳларни тақдим этарканлар, муаммо кўшимча равишда нафақат педагогик, балки ижтимоий муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам идрок этилишга муҳтождир. Агар мигрантларнинг болалари ва уларнинг оилаларини мослашувини муҳокама қиладиган бўлсак, бундай болаларнинг таълим муҳити – мактаб, тенгдошлари, мактабдан ташқаридаги ҳаётдаги ижтимоий институтлар (кўшимча таълим, спорт, саломатлик ва ҳ.к.) билан ўзаро ижтимоий ҳаракатини таҳлил қилиш зарур.

Муҳит – турли инсонга оид ва моддий омиллар, таълим жараёнининг ресурслари, шунингдек, шахслараро муносабатлар асосида ўзаро ҳаракатланиш жараёни билан боғлиқ, бироқ турли ижтимоий ролларга эга бўладиган индивидлар ва гуруҳлар бирлигидир. Таълим муҳити чегаралари борлиқ, вақт, тизимлилик каби параметрлар бўйича белгиланади.[4] XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида инсон ривожланиши борасида узоқ муддатли юксалиш тенденцияси давом этаётганлигини кузатиш мумкин. Замонавий жамиятда «инсон омили» тушунчасига бўлган қараш ўзгарди. Янги минг йиллик кишиси энди ота-боболарига нисбатан “саломатлик”, “юқори профессионал таълим”, “соғлом турмуш тарзи”, “ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, “мустақил фикр” каби шахсий тафаккур ва мушоҳадаларни сўзда эмас, балки амалда талаб қилиш даражасига етиб келди. Юқори суръатларда кечаётган ахборот асри кишилардаги умуминсоний қадриятларга нисбатан қайсидир даражада қизиқишларини кескин уйғотиб юборди. Бу эса «инсон омили» тушунчасига нисбатан янгича илмий муносабатни тақазо қилади.

Таълим муҳити нафақат ўқув материални трансляциялаш ва ўзлаштириш, балки ўқувчиларнинг мослашиши ва ижтимоийлашиши вазифаларини ҳам бажаради. Унинг потенциали нафақат кенглик билан, балки вазифаларнинг турли-туманлиги билан, шу билан бирга, ҳар хил: когнитив, қадриятли-мотивацион, ахлоқий даражада ҳам таъминланади. Когнитив даражада мамлакатлар ва элатларнинг маданий-тарихий ва ижтимоий ўзига хослиги, дунё маданиятининг намуналари ва меъёрларини ўзлаштириш таъминланади. Ахлоқий даражада мигрантларнинг ўз маданий тенглигини сақлаган ҳолда турли маданият вакиллари билан ўзаро фаол ҳаракати рағбатлантирилади. Таълим институтининг мослашувчан таъсири бир бири билан ўзаро боғланган ижтимоий институтлар – оила, жамиятнинг этник умумийлиги ва бошқа тузилмалари билан ҳам кучайтирилиши мумкин[5].

Таълим муҳити вазият-ҳодисаларни ҳам, ишга оид ва шахслараро алоқалар соҳасини ҳам, илмий-педагогик мактабларнинг ўзаро таъсирини ҳам ўз ичига олади. У предметли-борлиққа оид ва ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш воситасида ижтимоий вазифани бажариш интеграцияловчи омили бўладиган ахборот муҳитидан иборат. Таълим борасида инсонларнинг

ўзаро муносабатини белгилаб берувчи ва ташкиллаштирувчи меъёрлар мажмуи таълимнинг ижтимоий институт эканини кўрсатмоқда. У ёки бу социумнинг интеграциялашуви ёки дезинтеграциялашуви моҳият эътибори билан умуминсоний тус касб этади, бу жараёнларнинг ишлаб чиқилиши ва қайта ишлаб чиқилиши бутунжаҳон тарихининг ривожини ҳамда воқеликнинг трансформациясини белгилайди.[6]Маълумки, миграция жараёнларнинг авж олиши, бир нечта давлатларнинг қонунчилик таркибига ўзгартиришлар киритиш мажбуриятини юқлади. Жамиятда, хусусан ижтимоий-гуманитар фанлар тармоғида «**мигрант психологияси**» деган илмий атама шаклланди. Миграция ва мигрант муносабатларига бағишлаб нафақат илмий анжуман ёки семинар ва ҳаттоки давлатлараро халқаро симпозиумлар ҳам ўтказилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, энди миграция жараёнларига **ёпиқ** эмас, аксинча **очиқ** ҳолатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, демографик, ҳуқуқий, тиббий ва ахлоқий масала сифатида қараш ва тадқиқ этиш зарурати туғилди.

Шу билан биргалликда, таълим муҳитида мигрантларнинг ижтимоий-маданий мослашуви учун мавжуд бўлган потенциал билан бир қаторда уни жиддий оғирлаштирувчи омиллар ҳам бор. Аввало, бундай қийинчиликларга айна вақтда мигрантлар болаларининг мослашувини ягона таълимий доктринаси йўқ ва тегишли равишда педагогик ходимларнинг бундай болаларга таълим беришга, шу жумладан, хорижий тилларни ўқитишга тайёргарлиғни давр талабига мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Етарлича кўп ҳолларда мигрантларнинг таҳсил олаётган фарзандларига тенгдошлари салбий муносабатда бўладилар. Бундан ташқари, зарурий методик ишланмаларни жорий қилишда моддий компонент бўлмайдиган, мигрантлар оилаларининг паст маданий даражаси ва уларнинг одамларга аралашмаслиги таълим муассасаларининг мигрантлар фарзандлари билан ўзаро ҳаракатига жиддий тўсиқ бўлади. Шунингдек, муваффақиятли мослашув учун асосий тўсиқлардан бири сифатида кўпчилик тадқиқотчилар мигрантларнинг рус тилини яхши билмасликлари ёки буткул билмасликларидир, дейдилар. Бу факт турли даражаларда тан олинади, шу жумладан, ҳуқуқат “Россия Федерациясига ташриф буюраётган мигрантларнинг янги авлоди – Мустақил ҳамдўстлик давлатлари иштирокчилари ўзларининг аввалги юртдошларига қараганда маълумоти, рус тилини билиши ва касбий-малакавий тайёргарлиги жиҳатидан паст кўрсаткични намоён қилаётганини” таъкидлайди [7].

Шу билан бир қаторда, мигрантларни мамлакатга зарур бўладиган касбий-малакавий, таълимий, иқтисодий, демографик, ижтимоий-маданий ва бошқа тавсифномалари бўлганларни россия жамиятига муваффақияти мослашишлари ва интеграциялашувига ҳисса қўшадиган доимий турар-жой билан таъминлайдиган давлат дастурларининг йўқлиги тан олинади. Бунинг оқибатида мигрантларнинг қабул қилувчи жамиятдан ажралиб қолиши, мигрантларга нисбатан салбий муносабатнинг ўсиши юзага келади. Шу аснода, мигрантларнинг муваффақиятли мослашувидаги аспектлардан бири таълим ва маданиятни ошириш орқали ижтимоий ва маданий масофани қисқартириш ҳисобланади.

Мослашув янги ижтимоий муҳитни ва у билан фаол ўзаро ҳаракатни кўзда туттади. Шу билан бирга, бу жараён икки томонлама ва муайян масъулият ҳамда мажбуриятни кўзда тутувчи тузилмалаштирилган характер касб этади. Кўпгина тадқиқотчилар мигрантлар фарзандларининг муваффақиятли мослашувидаги аспектлардан бири – рус тилини ўрганиш орқали маданий масофани қисқартириш, деб ҳисоблайдилар. бироқ мигрантларнинг мослашувидаги муаммоларни яхлит ҳал қилиш анчагина кенг ва уларни интеграциялашнинг ягона стратегиясини шакллантиришни талаб қилади. Бунда мигрантлар ва уларнинг фарзандлари учун ягона таълим стратегиясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш мумкин.

Замонавий тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича мигрантларни ижтимоий-маданий мослашиши – мураккаб ва кўп планли кўринишга эга. Бизнинг фикримизча, қабул қилувчи жамиятдаги мавжуд ахлоқ меъёрларини ўзлаштириш, мулоқот учун, шунингдек, тилга оид тўсиқларни тезроқ олиб ташлаш учун таълим муҳити аҳамиятли потенциалга эга. Таълим институти – бу нафақат маданият узатиладиган ва трансформация қилинадиган, балки жамиятнинг махсус вазифалари ва мақоми яратиладиган ҳамда юзага чиқариладиган муҳит.

Шу муносабат билан илмий жамоатчилик, давлат ҳукумати органлари, педагоглар ва таълим тизими раҳбарлари олдида таълим муҳити орқали мигрантларнинг мослашув механизмларини амалий жиҳатдан амалга ошириш юзасидан муҳим вазифа ҳисобланади. Мигрантларнинг ижтимоий-маданий мослашуви бўйича бошқа мамлакатларнинг, масалан, мигрантларни ўқитиш бўйича махсус интеграцияланган курслар орқали мослаштириш амалиётидан фойдаланиш фойдали бўларди. Қатор Европа мамлакатларида мигрантларнинг таълимий даражасини оширишда жиддий мотивация – бу иммиграция тўғрисидаги қонун бўлди, бу қонунга асосан тилга оид курсларни ташкиллаштириш бўйича барча харажатларни давлат зиммасига олади. Бундай таҳсилга қатнамаган мигрантлар, мамлакатда қанча муддат бўлишидан қатъи назар, истиқомат қилиш учун бериладиган гувоҳномани йўқотиш, ёхуд ижтимоий нафақанинг қисқариши хавфи остида бўладилар.

Таъкидлаш зарурки, кўпчилик экспертлар томонидан таълим муҳитининг мослаштириш потенциали юқори баҳоланади. Бу соҳада таълим муассасаларининг имкониятидан бугунги кунда суғуланилмоқда, охириги йилларда қабул қилинаётган мигрантларнинг болаларини ижтимоий-маданий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳозирча эксперимент характерида олиб борилмоқда. Шунга қарамай, вақт кўрсатганидай, бундай тадбирлар анча кенг қамровга муҳтож. «Таълим социологияси» социология фанининг тармоқ йўналиши бўлиб, у таълим-тарбия тизимини ижтимоий маданий воқелик сифатида олиб қарайди. Шунингдек социологик нуқтаи назардан таълим нафақат социал институт сифатида баҳоланмасдан, балки мавжуд жамият аъзоларининг турмуш тарзида дунёни онгли билишга қаратилган маданият меъзони сифатида ҳам талқин қилинади. Таълим – бу инсонларнинг бутун бир ҳаётлари давомида орттирган билим ва тажрибаси, онг ҳамда кўникмаларини алоҳида тартибга келтириб, қайтадан уларнинг ўзларига қайтариб бериш учун шакллантирилган социал тизимдир. У нафақат маданий қадрият ва ижтимоий меъёрларни ўзида мужассамлаштириб қолмасдан, балки авлодлар ворислигини таъминлаб бериш учун тарбиявий, ҳиссий жараёнларни ҳам мушоҳада қилишга ўргатади. Унинг энг юқори чўққиси эса бошқарув муносабатларида ўз иникосини топади. Сабаби таълимни қанчалик чуқур эгаллаб борилиши, кишини баъзан англаб, баъзан англамаган ҳолатда бошқарув жараёнларига олиб киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш; дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш” каби олдинда турган муҳим вазифаларга эътибор қаратилди. Таълим социологияси мавжуд ислохотларни кузатиб борар экан, анъанавий таълим билан замонавий таълим ўртасида ўқитиладиган фанларга нисбатан муносабат қайсидир маънода ўзгарганини имаълум қилади. Масалан, анъанавий таълимда асосий урғу психологик педагогикага қаратилган бўлса, замонавий таълимда унинг ўрнини социал педагогика аста секин эгаллаб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида дунёда кечаётган глобаллашув ва интеграциялашувни, ҳамда ахборт технологияларининг тараққий этиб боришини мисол қилиб кўрсатилмоқда. Анъанавий таълимда бошқарув жараёнлари шахс ва ижтимоий гуруҳларга йўналтирилган бўлинса, замонавий таълим бевосита улкан маконни қамраб олишга қаратилган. Бу билан психологияни родини инкор этиш керак эмас, у ҳар қандай ҳолатда ҳам бугунги куннинг энг муҳим соҳаси сифатида қолади. Аммо шу нарса маълумки, тараққиёт жуда катта ҳудудларда бир вақтнинг ўзида тез суръатларда амалга ошаётган экан, унинг фаолиятини белгилаб берувчи таълим ҳам шу суръатда юқори мавқега кўтарилади.

Жаҳон ҳамжамияти барча давлатлар бюджетида таълим юқори ўринда туриши керак деган қарорга келди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда таълим тараққиёти учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ салмоқли ўринни эгаллайди. Ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу маблағ ўн баробар камроқни ташкил этади, ўртадаги номувофиклик эса йилдан-йилга ортиб бораётир. Таълим шарофати билан ривожланган мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотнинг 40% ортишига эришмоқда. Аслини олганда, экспертларнинг тан олишларича, таълим тараққиёти учун ажратиладиган салмоқли сармоялар ўзини оқлай оладиган соҳага пул сарфлашни англатишини таъкидлаш жоиз. АҚШ президентларидан бири бу борада шундай деган эди: «Америкада кучли институтларнинг мавжудлиги Американинг бадавлат эканлигини англатмайди, балки Америка унда кучли университетлар мавжудлиги туфайли бойлигини билдиради». Оқ уйдаги илм-фан бўйича Кенгаш маърузасида таъкидланишича, «Америка жамиятининг фаровонлиги университетлардаги аҳволга бевосита боғлиқдир».

Ўқиш маълум бир мутахассисликни эгаллашга олиб келади, таълим эса метаквалификацияга, яъни янги илмларни излаш ва ўзлаштиришни енгиллаштирадиган билимлар тизимини яратишга изн беради. Америка фермерлари ўрта маълумот ҳамда фермада ишлаш тажрибасини берган нафақат юқори малака эгаси бўлишса-да, балки метаквалификацияга ҳам эга кишилар ҳисобланади, бу уларга кимга ва қачон, масалан, юристга, ветеринарга, таъминот бўйича маҳаллий агентга, университетнинг ўсимликлар патологияси факультети хизматчисига, улгуржи харидорга, метеорологга, механикка маслаҳат билан мурожаат қилишлари борасидаги етарли билимларни бера олади. Кўриниб турибдики, метаквалификация гарчи ўзининг шахсий тажрибасидан йироқда бўлса-да, шахснинг керакли маълумотларни қидириб топиши ва татбиқ этиши учун имкониятларни очиб берар экан. Маълумки, ҳар қандай жамият социал меъёрлар орқали бошқарилади ва тартибга солинади. Социал меъёрлар одамлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги «инсон-инсон» муносабатларини тартибга солувчи, умумий ҳуқ-атвор қоидаси ҳисобланади. «Жамиятда инсон ва шахс фаолияти, ҳатти-ҳаракатлари ва ҳуқ-атворларини социал меъёрлар бошқаради. У жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки социал гуруҳ ҳуқ-атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуи саналади»[8].

Дунёда миграция жараёнлари орқали ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича қатор, жумладан, устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, миграция оқимларининг салбий оқибатларини олдини олиш, мигрантларнинг янги жойда мослашиши ва интеграцияси, ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишни таъминлаш, инсонларнинг ижтимоий фаоллиги мотивациясининг таълим ва интеллектуал салоҳият даражасига боғлиқ ўзгаришларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ҳозирги шароитда барча муносабатлар инсон меҳнати фаолияти асосида олиб борилади, бошқарилади ва тартибга солинади. Ишчи кучи – меҳнатга қобилиятли аҳолининг фаол қисмлари саналиб унда иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакиллантирувчи, аҳоли фаровонлигини оширувчи ҳамда барқарорлаштирувчи кўп омилли, мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизимидир. Давлатнинг ёшлар сиёсатида доир фаолиятини баҳолаш алгоритмида (кетма-кетлиги) қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ёшлар соҳасидаги миллий манфаатларни белгилаш босқичи.
2. Миллий манфаатлардан келиб чиқиб, эҳтимоий таҳдидларни белгилаш босқичи.
3. Таҳдидларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш босқичи.
4. Хавфсизлик таъминланганлиги ҳолатини белигилаб берувчи индикаторларни аниқлаш босқичи.
5. Чегаравий қийматларни белгилаш босқичи.
6. Хавфсизлик таъминланганлигини баҳолаш босқичи.
7. Хавфни олдини олиш ёки унинг таъсирини минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш босқичи.

## ЁШЛАР СИЁСАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ ҲОЛАТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ИНДИКАТОРЛАР ЧЕГАРАВИЙ ҚИЙМАТИ

№	Индикаторлар	Ўлч. бир.	Меъёр	Инқироз олди босқичи			Инқироз босқичи		
				ПК 1	ПК2	ПК 3	К1	К2	К3
				Бошланғич	Ўсиш ёки қучайиш	Кескинлик	Бошланғич	Таҳдид қилувчи	Фавқулодда
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.1	14-30 ёшдаги шахсларнинг жамиятдаги улуши	%	50	35	28	20	18	14	10
1.2	Ёшларни шаҳар ва қишлоқ жойларда жойлашувининг нисбий тақсимланиши	киши	4	4,5	4,8	5	5,5	6	7
2.1	Умумий ишчи ресурслар миқдорида иқтисодий фаол ёшлар қисмининг улуши	%	>80	80	75	70	65	60	50
2.2	Ёшлар орасида реал ишсизларнинг даражаси	%	<10	10	14	18	20	30	40
2.3	Иш билан банд ва ишсизлар орасидаги тафовут (маротаба)		<0,8	0,8	0,95	1,1	1,25	1,4	1,5
3.1	Меҳнат ресурларида мигрант ёшлар улуши	%	<10	10	20	30	40	50	60
3.2	Меҳнат миграциясида нолегал мигрант ёшлар улуши	%	<10	10	20	40	60	80	100
4.1	Қашшоқлик даражаси	%	<10	10	12	15	20	25	30
4.2	Табақаланиш коэффициенти (квантиль коэффиц.)	маротаба	<5	5	7	10	15	20	25
5.1	Ёш оилаларни уй-жой билан таъминланганлик даражаси (бир кишига)	м <sup>2</sup>	>13	13	12	11	9	7	5
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

5.2	Хусуий уй-жой билан таъминланганлик даражаси	%	>90	90	85	80	70	60	50
6.1	Мактаб ва коллежларга ўқувчиларни жалб қилиш, тортиб олиш	%	100	100	90	80	70	60	50
6.2	Олий билим юртиларида ўқувчи талабаларнинг умумий ёшлар ўртасидаги нисбати	%	>50	50	40	30	25	20	15
6.3	Илмий ва тадқиқот ишлар олиб боришга жалб қилинган ёшларнинг умумий ёшлар ўртасидаги нисбати	%	>30	30	26	22	20	15	10
7.1	Мамлакат аҳолисининг ўртача умр кўриш давомийлиги	ёш (эр)	>70	70	68	65	60	55	50
		ёш (аёл)	>73	73	71	68	63	55	50
7.2	Ўлим даражаси: оналар (18-30 ёш); болалар; чақалоқлар	хар бир1000 кишига	<4,9	5	5,1	5,2	5,3	5,4	5,6
			<20	20	21	22	22,1	22,3	22,5
			<10,9	11	11,5	12,5	13	13,5	14
7.3	Социал аҳамият касб этувчи касалликлар билан касалланиш: *туберкулез; *гепатит; *ВИЧ	хар бир1000 кишига	<4,5	4,6	4,8	5	6	8	10
			<13	13,2	13,4	13,5	13,6	13,8	14
			<2,1	2,2	2,4	2,5	2,6	2,8	3
7.4	Ёшлар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилиниши	хар бир1000 кишига	<100	100	250	450	550	650	750
8.1	Ёшларнинг армия таркибидаги мажбурий ҳарбий хизмати (муддатли ҳарбий хизмат, СЧР хизмат) фақат 18-27 ёшли эркаклар	%	>90	90	85	80	65	60	50
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>
8.2	Ёшларнинг Куролли Кучлар бўлинмалари таркибидаги хизмати (шартнома асосидаги хизмат)	%	=30	30	35	40	45	55	70
9.1	Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ижодий фаолиятда ва спорт соҳасидаги	%	>70	70	60	50	40	35	30

	фаоллигининг умумий улуши								
10.1	Ёшлар орасида ажрашиш ва ёш оилаларнинг бузилиши	%	<5	5	10	20	25	30	40
11.1	Мамлакат миқёсида содир этиладиган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳолатларида ёшларнинг улуши	%	<7,5	7,5	15	20	25	30	40

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсати борасида олиб борилаётган тадбирларнинг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ✓ Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсат давлат сиёсати устувор йўналишлардан бири эканлиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб олингани ҳамда такомиллашиб бораётганлиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга эканлиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат ва нодавлат институтларнинг, идора ва муассасаларнинг иштироки ортиб бораётганлиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг халқимиз миллий менталитети ва қадриятларига мослиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикасида ёшларни таълим-тарбияси билан боғлиқ тадбирларнинг давлат миқёсида аҳамиятли эканлиги.

Энг муҳими, ёшлар билан олиб борилаётган тадбирларга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг мавқеини кўтариш, уларга эътибор мамлакатнинг стратегик мақсадлари таркибидаги устувор вазифа деб белгиланди.

**ХУЛОСА.** Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи, умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифага айланди ва бу ижтимоий барқарорликда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ёшлар мамлақати. Бугунги кунда бу фикр қайта-қайта тилга олинапти. Аслида ҳам шундай эканлигини олдинги параграфларда келтирилган рақамлар тасдиқлайди. Мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи ижтимоий қатламнинг муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг ютуқларини оммалаштиришга йўналтирилган ҳар бир саъй-ҳаракат ўзини оқлаяпти. Ёшларга қаратилаётган эътибор, уларнинг камолоти учун сарфланаётган маблағларни келажак учун тикилган сармоя дейиш мумкин. Чунки, бугун ёш авлод таълим-тарбияси учун сафланаётган маблағ истиқболда ортиги билан жамиятимизга, халқимизга, мамлакатимизга қайтади.

### Иқтибосар/Сноски/References:

1. Манба: <https://ria.ru/20170620/1496888794.html>
2. Фромм Э. Бегство от свободы. Человек для себя. Минск, ООО. Попурри. 1997. – С. 129.; Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. Москва, “Политиздат”. 1992. - С.159; Гелбрейт Дж.К. Новое индустриальное общество. - М.: 1969. – С. 124.
3. Евокимов А.И. Международное экономики отношения. Учебник. Москва «Проспект» 2004. С. 480.
4. Добренков В.И., Кравченко А.И. Социология.- М.: Инфра-М, 2008. - С.198.
5. Барановский В.Г., Наумкин В.В. «Мир веры» и «мир неверия»: экспансия и редукция религиозности// Полис. Политические исследования. 2018. №6.

6. Иванов Н. Глобализация и проблемы оптимальной стратегии развития. М.: 1999. – С. 37
7. Кола Доминик. Политическая социология. М.: Издательство «Весь Мир», «Инфра - М», 2001
8. Гойибназаров Э., Маткаримова Ж. Социология. Ўқув қўлланма. – Т.: ТошТЙМИ, 2007. – 89 бет.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент ш.,2020 йил 6 ноябрь,ПФ-6108-сон




# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Абдуразакова Камолахон Юсуповна,  
Тошкент кимё-технология институти докторанти  
E-mail: abdurazakova\_kamola85@mail.ru

## ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМЛАШДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИНГ ЎРНИ

Abdurazakova Kamolakhon, The role of national interests in strengthening interstate relations between Uzbekistan and Kazakhstan. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 105-112

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-11>

### ANNOTASIYA

Ушбу мақолада Ўзбекистон-Қозоғистон давлатлараро алоқарининг юзага келиши, бугунги кунда ана шу икки давлат ўртасидаги алоқалар ҳамда стратигик шериклик, иқтисодий-сиёсий, сиёсий-харбий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ва турли соҳалардаги ҳамкорлик масалалари, шартнома ва музокаларлар ҳақида гап боради. Айрим давлатларнинг халқаро муносабатларга таъсири, бу давлатнинг кучини, унинг халқаро рақобатбардошлигини, иқтисодий, харбий потенциали, табиий ва меҳнат ресурслари, фан ва маданиятнинг ривожланиш даражаси, юқори технологиялар соҳасидаги ютуғлари, ижтимоий ютиқлари ва барқарорлик даражасида белгиланиши билан боғлиқ бўлади. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилиб ва мавжуд муаммоларга дипломатик ёндашув орқали ечим изланган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларда яқин кўничилик асосида стратегик ҳамкорлик қилиш масалаларига қисқача ойдинлик киритилган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, Қозоғистон, Марказий Осиё, стратегик ҳамкорлик, давлатлараро алоқалар, ташқи сиёсат, жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар, халқаро сиёсат.

Абдуразакова Камолахон Юсуповна,  
докторант Ташкентского химико-технологического института  
E-mail: abdurazakova\_kamola85@mail.ru

## РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ ИНТЕРЕСОВ В УКРЕПЛЕНИИ МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И КАЗАХСТАНОМ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается возникновение узбекско-казахстанских межгосударственных отношений, нынешнее состояние отношений между двумя странами, а также стратегическое партнерство, экономико-политическое, военно-политическое, социально-политический, экономико-культурное сотрудничество, соглашения и переговоры в различных сферах. Влияние отдельных государств на международные отношения варьируется

в зависимости от силы государства, его международной конкурентоспособности, экономического, военного потенциала, природных и трудовых ресурсов, уровня развития науки и культуры, достижений в области высоких технологий, социальных достижений и устойчивости. Также ведется обсуждение вопросов сотрудничества между двумя странами и поиск путей решения существующих проблем путем дипломатического подхода. Кратко проясняются вопросы стратегического сотрудничества на основе добрососедства в отношениях между двумя странами. Этот аспект вопроса служит дополнительным материалом для работ, опубликованных на международной арене.

**Ключевые слова:** Узбекистан, Казахстан, Центральная Азия, стратегическое сотрудничество, межгосударственные отношения, внешняя политика, мировая политика, международные отношения, международная политика.

**Abdurazakova Kamolakhon Yusupovna,**

doctoral student of the Tashkent institute of chemical technology

E-mail: abdurazakova\_kamola85@mail.ru

## THE ROLE OF NATIONAL INTERESTS IN STRENGTHENING INTERSTATE RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN

### ANNOTATION

This article examines the emergence of the Uzbek-Kazakh bilateral relations, the current state of relations between the two countries, as well as a strategic partnership, economic-political, military-political, social-political, economic and cultural cooperation and cooperation in various fields, agreements and negotiations. The influence of individual states on international relations varies depending on the strength of the state, its international competitiveness, economic, military potential, natural and labor resources, the level of development of science and culture, achievements in the field of high technologies, social achievements and sustainability. And it briefly clarifies the issues of strategic cooperation based on good neighborliness between the two countries. This aspect of the issue serves as additional material for works published on the international stage.

**Key words:** Uzbekistan, Kazakhstan, Central Asia, strategic cooperation, interstate relations, foreign policy, world politics, international relations, international politics.

**КИРИШ.** Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг дунёнинг қатор давлатлари билан ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатди. Мамлакат ташқи сиёсат принциплари ва асосий йўналишларидан келиб чиқиб, халқаро майдонда манфаатли муносабатлар ўрнатиш масалаларига катта эътибор қаратди. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилиш муҳим ўрин тутиб, бугунги кунда қўшни давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа бир қатор соҳаларда ўзаро алоқалар олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Қозоғистон Республикаси билан ушбу соҳалардаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириб бориши муҳимдир. Чунки икки давлат ўртасидаги муносабатлар тизими ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қардошлиқ ришталари, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Шу сабабдан ўзбек-қозоқ муносабатларини ривожлантириш нафақат ўзаро ҳамкорликнинг узок муддатли истиқболларини, айтилиши вақтда бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлигини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу икки қўшни давлатлар мустақилликка эришгандан сўнг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва конструктивлик тамойиллари асосида миллий манфаатлар ва устувор йўналишларни ҳисобга олинган ҳолда олиб бормоқда.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат олиб бориш тарафдори эканлигини баён этиш мамлакат Конституциянинг муҳим принципларидан бири бўлиб, мамлакат ўз ташқи сиёсатининг асосини умумэътироф этилган принциплар, мамлакат миллий манфаатларининг муҳимлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрлари, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойиллари асосида белгилаб олинди [1, С. 348].

Бугунги Фарб демократияси, турмуш тарзи мамлакатимизнинг дунёвий давлат сифатида қарор топишида шубҳасиз катта рол уйнайди. Фарб дунёсидаги умуминсоний тамойиллар, индивид имкониятларни тўлароқ намоён этиш, ўз фикрини эркин ифодалаш, ҳаётда аниқ-равшан асосли қарашларга эга бўлиш каби миллий истиқлол ғоясида илгари сурилган мақсадларни амалга оширишда хизмат қилади. Шу жиҳатдан ҳам, ўзбек-қозоқ муносабатларини мустақилликдан кейинги шаклланиш ва ривожланиш даврини шартли равишда беш босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчи босқич (1991-1993 йиллар).** Бу давр оралиғида мустақилликка эришган икки давлат ички барқарорликни таъминлаш, ривожланган давлатлар билан алоқалар ўрнатиш ва халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиб, икки давлатнинг ўзаро муносабатлари мустақил ташқи сиёсат асосида шакллана бораётганлиги билан характерланади.

Хусусан, ҳамкорликнинг мазкур даврида Ўзбекистон Қозоғистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 4 январда, Қозоғистон эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 23 ноябрда тан олиши, ҳамда шу санада ўзаро дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши билан бошланди. Шунингдек, 1993 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон элчихонаси, 1996 йилда эса Қозоғистоннинг Тошкентдаги элчихонасининг очилиши икки томонлама муносабатлар олиб боришга замин яратди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида 1991-1993 йилларда 18 та ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар имзоланган. Бу ҳужжатлар икки томонлама сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва экологик ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида божхона, юк ташиш, транспорт, фан, техника, ахборот алмашинуви, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар, туризм соҳаларига оид келишувлардир[1].

Жумладан, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосини белгилаб берган дастлабки ҳужжатлардан бири сифатида 1991 йил 7 декабрда имзоланган ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги келишувни қайд этиш лозим. Амалда мазкур келишув эндигина мустақиллик бўлган давлатларнинг ташқи иқтисодий ҳаракатларини ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўзлари эркин белгилашлари учун дастлабки қадамларидан бири ҳисобланади[2].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 1992 йил 24 июнда тузилган “Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида”ги Шартнома имзоланди. Ушбу шартнома моҳиятига кўра икки кўшни давлат муносабатларининг собиқ Иттифоқдан кейин юзага келган шароитда янги даврни белгилаб берди. Мазкур ҳужжатда томонларнинг ўзаро алоқаларида ва халқаро фаолиятида суверен, тенг ҳуқуқли, биродар давлатлар сифатида иштирок этишлари, муносабатларда мустақилликни ва давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига қатъий риоя қилишлари белгилаб қўйилди. Шартнома давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, минтақа хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорлик қилишни, алоҳида эътибор икки томонлама ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилиб, томонлар интеграцион жараёнларда ҳар иккала давлат ўз иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш зарурлигини билдирдилар.

Шунингдек, 1993 йилда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида битим имзоланди. Бундан ташқари, давлат раҳбарлари норасмий учрашувлари 1992 йил 24 июнда Туркистон ва 1993 йил 10 ноябрда Олмаотада бўлиб ўтганлигини айтишимиз мумкин[3].

Умуман олганда, биринчи босқичнинг муҳим хусусияти ҳар иккала давлат учун тенг ҳуқуқли алоқаларнинг пойдеворини яратиш билан яқунланди.

**Иккинчи босқич (1994-1997 йиллар).** Бу даврдаги муносабатлар икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг ташкилий-институционал асослари шакллантирилганлиги билан фарқланади. Жумладан, 1994-1997 йилларда давлат ташрифлари икки давлат муносабатларида бурилиш ясади ва алоқаларнинг ривожланиш даври бошланди. 1995 йил

январь ойида Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев Тошкентга, 1997 йил июнда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Қозоғистонга ташрифи икки давлат муносабатларини ривожланишига ҳисса қўшди. Бу давлат ташрифларида икки давлат президентлари томонидан 40 та шартнома ва келишувлар имзоланди. Булар жинойтчиликка қарши курашда, солиқ, нефть ва газ, таълим, банк операциялари, спорт ва ёшлар, фуқароларнинг визасиз кириб-чиқишлари ва бошқа кўпгина соҳаларига оид келишувлардир.

Хусусан, 1997 йилнинг ўзбек-қозоқ муносабатларида ўзига хослиги 2 июнда Олмаота шаҳрида давлат раҳбарларининг норасмий учрашуви билан белгиланди. Бу ерда давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш ҳақидаги Декларация билан ўзаро алоқаларни яна бир поғонага кўтарилганлиги айтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорлик доирасидаги муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда биргаликда ҳар икки томон учун мақбул ечим топиш мақсадида олий даражадаги Ўзбекистон-Қозоғистон мулоқотини давом эттиришга келишиб олинган эди.

Икки давлат муносабатларини ривожланишини янги минтақавий келишувларда ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, 1994 йил 10 январда Президентлар И.Каримов ва Н.Назарбоев томонидан Ўзбекистон-Қозоғистон Республикаларида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисида шартнома имзоланганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур йилнинг 16 январида Бишкекда, 30 апрелда Чўпон-Ота шаҳрида ўзаро қўшни давлат раҳбарлари учрашуви чоғида шартномага Қирғизистон Республикаси қўшилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган эди. Натижада уч мамлакат ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш, маҳсулот айирбошлаш имконияти яратилди.

Умуман олганда, бу босқичда икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларда ривожланиш ҳолатлари кузатилди. Мазкур даврнинг якуний аҳлили шуни кўрсатадики, бунда ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий тартибга солинишига эришилди.

**Учинчи босқич (1998-2013 йиллар).** Бу давр мабойнида икки давлат муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, олдинги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожлантириш асносида алоқалар кенгайтирилди. Хусусан, бу даврнинг муҳим воқеаси сифатида 1998 йил 31 октябрь куни Тошкентда Президентлар И.Каримов ва Н.Назарбоев томонидан имзолаган “Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисида”ги шартномадан бошланди. Мазкур учрашувда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш лозимлигини қайд этдилар.

Шунингдек, томонлар ўртасида биродарлик, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш иккала давлат халқларининг туб манфаатларига жавоб беради деб ҳисоблаб, БМТ Низоми, Хельсинки Яқунловчи акти ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг принциплари ва мақсадларига содиқликларини тасдиқлаб, икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини чуқурлаштириш, унинг келгуси ривожини учун қулай шароит яратиш, давлатларнинг бир-бирига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни умумий таҳдид сифатида қабул қилиб унга қарши туришга қаратилган самарали чора-тадбирлар кўрилиши таъкидланди[4].

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Тошкент учрашувида қабул қилинган ҳужжат Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларида туб бурилиш ясаганлигини билдирарди. Мазкур учрашувнинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланганлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, давлат раҳбарларининг терроризм, сиёсий ва диний экстримизм, трансмиллий уюшган жинойтчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари музокараларнинг натижаси ҳисобланади. Имзоланган ҳужжатни давлатларнинг суверенитет ва мустақиллигини ҳимоя қиладиган “мудофаа иттифоқи” деб аташ мумкин.

Хусусан, 2000 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларида бўлиб ўтган фожиали воқеалар минтақада реал таҳдид юзага чиқиб келаётганлигидан дарак берарди. Бу эса ўз

навбатида, худудга экстемистларнинг тўғридан-тўғри, қуролли бостириб киришидан кейин минтақавий хавфсизлик муҳим устуворлик касб этди. Шунини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари Душанбе шаҳрида 2000 йил 14 июнда учрашдилар. Унда Марказий Осиё давлатлари етакчилари минтақа учун муҳим бўлган бир қанча муаммоларни кўриб чиқдилар[5].

**Тўртинчи босқич (2013-2016).** Икки давлат раҳбарларининг 2013 йил 14-15 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган расмий учрашуви чоғида ўзаро “Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги” Шартноманинг имзоланиши билан янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Мазкур шартнома томонларнинг қатъий сиёсий иродаси, конструктив ҳамкорлик борасида тўпланган катта тажриба натижаси ва узоқ муддатга мўлжалланган кенг кўламли самарали ҳамкорлик учун барча зарур шарт-шароит ва асослар яратганлигини таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоладилар. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013-2015-йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди[6].

**Бешинчи босқич (2016-ҳозирги давр).** Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб Ш.Мирзиёевнинг сайланиши мустақил Ўзбекистон давлатчилиги, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг ривожланишида принципиал жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон билан Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтарган давлатлараро ҳужжатлар имзоланди - Қозоғистон билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида (Остона шаҳри, 2017 йил 23 март) қўшма декларация имзоланди. Ушбу босқич икки қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳат тамоман янги босқичга чиққанлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг расмий баёнотларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги **иктисодий ҳамкорликнинг** фаоллашиши иккила давлат миллий манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишини иқтисодиётга фаол жалб қилинаётган инвестициялар таъминлайди, бу еса мамлакатнинг янги очиқ ташқи иқтисодий сиёсати самарасидир. Қозоғистон билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг жадал иқтисодий ривожланиш сиёсатига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, Қозоғистон иқтисодиёти ҳали ҳам асосан хом ашё сотишга асосланган. Россиялик сиёсатшунос А.Казанцевнинг сўзларига кўра, "Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш - бу Қозоғистоннинг рақобатдошлигини кучайтиришнинг яна бир йўли. Бундан ташқари, Қозоғистон Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишдан ўз фойдаларини олади"[2, Б. 239].

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги босқичи учун 2016 йил 22 сентябр куни имзоланган Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги Битим муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина 2017 йилнинг ўзида икки давлат ўртасида умумий қиймати 1 миллиард доллардан ошиқ тижорат шартномалари имзоланди[7].

Қозоғистонда Ўзбекистон капитали иштирокидаги 800 га яқин компания фаолият юритмоқда. Икки мамлакат иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигининг энг истиқболли йўналишлари қуйидагилардир: тадбиркорлар ва маъмурий-худудий тузилмалар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш ва рағбатлантириш, божхона ва чегараларни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, ўзаро инвестициялар соҳасида ҳамкорлик, ишчи кучлари ва капиталнинг эркин ҳаракати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб бериш. Яқин келажакда Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари томонидан устувор йўналишлар этиб икки томонлама савдо ҳажмини кўпайтириш, транспорт, айниқса автомобилсозлик, алоқа соҳаларини ривожлантириш, ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, даромад ва мулкка икки ёқлама солиқ солишни бекор қилишдир.

Остона ва Тошкент икки томонлама савдони ривожлантиришга катта эътибор беришади. 2018 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 2,5 миллиард долларни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 25,3 фоизга ошди. Қозоғистон экспортининг асосий қисми (38,7%) ҳайвонот ва ўсимлик маҳсулотлари, тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари (2018 йилда - 635,4 млн доллар, 2017 йилда - 473,9 млн доллар) ташкил этади. Ўзбекистон экспортининг асосий қисми (49%) ҳайвонот ва ўсимлик маҳсулотлари, тайёр озиқ-овқат маҳсулотларидан (2018 йилда - 414 млн. АҚШ доллари, 2017 йилда 342,6 млн. АҚШ доллари) иборатдир[8].

**МЕТОДОЛОГИЯ.** Мутахассисларнинг фикрига кўра, икки мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларининг ривожланиши, товар турларининг кенгайишига бевосита таъсир кўрсатиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири сифатида турли хил маҳсулотларни сотадиган қўшма савдо уйлари ташкил қилиниши бўлди. Айни пайтда озиқ-овқат, кимёвий ва нефт-кимё маҳсулотларини етказиб берадиган тўртта қўшма савдо уйи мавжуд. Фармацевтика савдо уйини ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги **транспорт коммуникация алоқалари**, автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Қозоғистоннинг Мақтаарал тумани худудидан ўтган Тошкент ва Самарқандни боғловчи автомобиль йўлининг қайта ишга туширилиши, Тошкент – Олмаота йўналишида тезюрар поезд ва икки мамлакат шаҳарларини боғловчи автобус қатновининг йўлга қўйилгани худудлараро маданий-гуманитар алоқалар ривожи, савдо айланмаси ҳамда инвестициялар ҳажмининг сезиларли ошишини таъминламоқда. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш республиканинг темир йўл ва автомобил йўллари орқали транзит салоҳиятини юксалтириш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг асосий манфаатларига жавоб беради. Ўзбекистон раҳбарияти бу борада бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2017 йил 14 мартда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Қозоғистон-Ўзбекистон давлат чегараси орқали ўтиш жойларида келишувга оид протокол имзоланди. Протоколга мувофиқ 2017 йил 16 июлдан бошлаб икки назорат-ўтказиш пункти қайта тикланди:

- “Сирдарё” - Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон вилоятини Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоятлари билан боғлайдиган "Малик";

- “Целинный” - Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон вилоятини Сирдарё вилоятлари билан боғлайдиган "Ок Олтин"[9].

Шу кундан бошлаб Сирдарё ўтиш пунктдан Целинный назорат-ўтказиш пункти ва Целинный назорат-ўтказиш пункти орқали Сирдарё назорат-ўтказиш пунктига Ўзбекистон фуқароларининг тўсқинликсиз транзити тўғрисидаги келишувларнинг амалий ижроси бошланди. Бундан ташқари, 2017 йил 14 мартдан «Қозифурт» - «Тошкент», «Капланбек» - «Зангиота» ва «Атамекен» - «Гулистон» каби ўзбек-қозоқ давлат чегара пунктлари кечаю-кундуз ишлаш режимига ўтказилди[10].

2017 йил афғуст ойида Қозоғистон Республикаси муҳофаа вазири генерал-полковник Сакен Жасузаков расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Икки томонлама учрашув якунлари бўйича томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида биринчи марта **Ҳарбий ҳамкорлик** режаси имзоланди. Икки давлат 2019 й. 14-15 апрель кунлари Қозоғистон президенти Қ.Ж. Тўқаевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Марказий Осиёдаги хавфсизликни мустаҳкамлаш томон яна бир қадам ташладилар. Ташриф доирасида Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳаво муҳофааси, ҳарбий аэродромларни таъмирлаш ва мазкур аэродромлардаги ҳарбий самолётларни қўриқлашда ҳамкорлик қилишга келишиб олди. Шу билан бирга, 2018 йилнинг июль ойида Қозоғистоннинг Жамбил вилоятида қўшма ҳарбий машқлар ўтказилди[11].

Икки давлат **туризм** соҳасидаги ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари Осиё шенгени - "Silk visa"ни жорий этиш устида иш олиб боришмоқда. 2017 й. 28 июн куни Ўзбекистон хусусий туристик ташкилотлари ассоциацияси ва “Отамакон” (Қозоғистон) миллий тадбиркорлар палатаси туризм соҳасидаги ҳамкорлик

тўғрисида меморандум имзолашди[3. С.47]. Томонлар қўшма туртўплалар ва икки давлатнинг диққатга сазовор жойларини илгари суриш имконияти, туризм соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари, трансчегаравий, тиббий туризмни ривожлантиришни муҳокама этишди[4. С.115].

Ижтимоий ҳаёт эса нисбатан мустақил, барқарор, функционал ва ривожланиш қонуниятларига эга бўлган ижтимоий тизимлар бирлигидан иборатдир. Ижтимоий тизим — мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, тартибли, бир бутун, ўзига хос ижтимоий алоқадорлик ва турли ижтимоий муносабатлар бирлигини ташкил қилади. Ҳар қандай ижтимоий тизим ўзининг таркибий тузилишига эга. Жамиятнинг айрим таркибий тизимлари, масалан: иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий турмуш, фан ва бошқа шу каби соҳаларидан, то алоҳида олинган инсонгача бўлган ижтимоий тизимлар шулар жумласидандир[5. Б.89]. Ижтимоий тизимларнинг ривожланиши табиий-тарихий жараён тарзида боради. Ҳар бир ижтимоий тизим бошқасининг, юқори даражадаги тизими таркибига киради. Узи эса қуйи, кичик тартибдаги тизимларни ўз таркибига олади. Жамият ҳаётнда бирон бир ижтимоий тизим алоҳида равишда, бошқаларидан, ижтимоий муҳитдан ажраган ҳолда яшай олмайди[6. Б. 117].

Муҳокамалар натижасида икки давлатнинг дўстона муносабатларини кенгайтириган ҳолда давлатлараро алоқаларни мустақамлаб бориш учун ҳаракат қилмоқда. кўзланган мақсадга этиш учун нафақат давлат раҳбарларининг балки, икки давлатнинг турли соҳа вакиллари ўртасидаги тажриба алмашинувлари ҳам бунга мисол бўла олади.

**ХУЛОСА.** Ўзбекистон-Қозоғистон давлатлараро алоқаларида ўзаро манфаатларни ҳурмат қилган ҳолда фаолият олиб бориш ҳар икки давлатнинг мажбуриятидир. Давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги икки давлатнинг меъёрий-ҳуқуқий базавий нормаларига асосланади ва икки давлат ҳам ўз манфаатидан келиб чиқиб, ўзаро миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда давлатлараро алоқаларни давом эттирмоқда. Икки давлат ўртасидаги алоқалар бугунги кунга келиб янада такомиллашиши ва устивор йўналишларнинг стратегик жиҳатдан давлатлараро иқтисодий-сиёсий, сиёсий-ҳарбий, маданий-маърифий ва турли соҳалардаги алоқаларда камчиликларни бартараф этиш ва олдини олишда кенг ва қамровли хизмат қиляпти. Бугунги кунда икки давлат ўрбасидаги янада янгиланаётган стратегик алоқалар яқин қўшничилик алоқаларида ҳам муҳим ўрин касб этади. Бу нафақат Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларида балки Марказий Осиёдаги барча қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларда ижобий жиҳатлари билан намоён бўлишини кузатаяпмиз. Аммо, бу дегани, давлатлараро алоқаларда муаммолар йўқ дегани эмас, балки ана шу муаммоларга биргаликда дипломатик ечим излаш деганидир.

### Иқтибосар/Сноски/References:

1. Таджиханов У. Саидов А. “Конституции мира”. Том II, Т.: “Академия МВД”. 1997. – С. 348.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – Т. 2012. – № 9.1. Б. 239.
3. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги [http://uza.uz/oz/business/zbekiston-ir-iziston-savdo-i-tisodiy-va-transport-amkorligin-03-09-2020?sphrase\\_id=26784597](http://uza.uz/oz/business/zbekiston-ir-iziston-savdo-i-tisodiy-va-transport-amkorligin-03-09-2020?sphrase_id=26784597).
5. Нуриддинов Э.З. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари // [c-historycenter.uz/wp-content/uploads/2014/05/5.docx](http://c-historycenter.uz/wp-content/uploads/2014/05/5.docx)
6. Сидоров О. Этнические меньшинства и дестабилизирующий фактор в Центральной Азии. [www.centrasia.ru](http://www.centrasia.ru).
7. Ўзбекистон Респубуликаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий веб-сайти. <https://mfa.uz/uz/uzbekistan/262>
8. Эксперт: Казахстан заинтересован в максимальном укреплении партнерства с Узбекистаном, 27 февраля 2020г., <https://ehonews.kz/ekspert-kazahstan-zainteresovan-v-maksimalnom-ukreplenii-partnerstva-s-uzbekistanom/>

9. Казахстан и Узбекистан: перспективы сотрудничества, 16.05.2018, <https://m.ru.investing.com/analysis/article-200232584>
2. 9 Умарова И., Ҳидоятов Б. Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли – стратегик ҳамкорликнинг юксак самараси. Ўзбекистон миллий аҳборот агентлиги. <http://uza.uz/oz/politics/angren-pop-elektrlashtirilgan-temir-y-li-strategik-amkorlikn-23-06-2016>.
3. Товарооборот между Казахстаном и Узбекистаном составил \$2,5 млрд, 19.04.2019, <https://kapital.kz/economic/77635/tovarooborot-mezhdu-kazakhstanom-i-uzbekistanom-sostavil-2-5-mlrd.html>
4. Қозоғистон ва Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик битимини имзолади, 2019-04-18, [https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi\\_ca/features/2019/04/18/feature-01](https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2019/04/18/feature-01)
5. Арифхонов Ш.Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: «Шарқ» 2007. - С.47.
6. Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Т.: “Фан” 2005. - С. 115.
7. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: “Академиа” 2007. - Б. 89.
8. Кўчаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. – Тошкент: Фан. 2008. - Б. 117.




# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Мурзаева Шахло Бахтиёровна,  
Тошкент кимё-технология институти ўқитувчиси  
e-mail: spring3003@mail.ru

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИГИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

**For citation:** Murzaeva Shahlo, Key factors defining inter-regional cooperation between the republic of Uzbekistan and the Kyrgyz republic. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 113-120

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-12>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон-Қирғиз Республикаси худудлараро ҳамкорлигини белгилаб берувчи асосий омиллар давлатлараро алоқарининг юзага келиши, бугунги кунда ана шу икки давлат ўртасидаги алоқалар ҳамда стратигик шериклик, иқтисодий-сиёсий, сиёсий-харбий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ва турли соҳалардаги ҳамкорлик масалалари, шартнома ва музокаларлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбек-қирғиз худудлараро ҳамкорлигини белгилаб берувчи асосий омиллар яъни сиёсий омил, географик омил, иқтисодий омил, ижтимоий-сиёсий омил ва ҳавфсизлик омиллари ҳақида сўз борган. Ўзбек-қирғиз муносабатларни ривожлантиришда мазкур таснифланган омилларга оид соҳалар бўйича амалий ишлар ва чора-тадбирлар ҳақида фикрлар мавжуд. Жумладан, худудлараро ҳамкорлик муносабатларини белгилаб берувчи яна бир географик омиллардан бири сифатида минтақалардаги ландшафтнинг умумийлиги ҳамда тарихан ўзбек-қирғиз чегара худудларида аҳолининг маданий-маиший, ахборот-коммуникацион алоқалари ҳамда миграция, демографик муносабатлари атрофича ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, маънавий қадриятлар, минтақавий ҳавфсизлик, сиёсий омил, географик омил, иқтисодий омил, иқтисодий алоқалар, маъмурий-худудий.

Мурзаева Шахло Бахтиёровна,  
Преподаватель Ташкентского  
химико-технологического института  
e-mail: spring3003@mail.ru

## КЛЮЧЕВЫЕ ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ МЕЖРЕГИОНАЛЬНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО МЕЖДУ РЕСПУБЛИКОЙ УЗБЕКИСТАН И КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКОЙ

### АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация об основных факторах, определяющих межрегиональное сотрудничество между Республикой Узбекистан и Кыргызской Республикой, анализируются отношения между двумя странами, вопросы стратегического

партнерства, экономико-политического, военно-политического, социально-политического, экономико-культурного сотрудничества, соглашения и переговоры в различных сферах.

Также подробно рассматривается общность ландшафта в регионах, что является еще одним географическим фактором, определяющим межрегиональное сотрудничество. Есть мнения о практической работе и мерах по развитию узбекско-киргизских отношений в сферах, связанных с этими засекреченными факторами. В частности, одним из географических факторов, определяющих межрегиональное сотрудничество, является общее изучение ландшафта в регионах и историко-культурных, социальных, информационных и коммуникационных отношений населения на узбекско-кыргызской границе, а также миграционно-демографических отношений.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, духовные ценности, региональная безопасность, политический фактор, географический фактор, экономический фактор, экономические отношения, административно-территориальные.

**Murzaeva Shahlo Bakhtiyorovna,**

Teacher at the Tashkent Institute of Chemical Technology

e-mail: spring3003@mail.ru

## KEY FACTORS DEFINING INTER-REGIONAL COOPERATION BETWEEN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE KYRGYZ REPUBLIC

### ANNOTATION

The article provides information on the main factors that determine interregional cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Kyrgyz Republic. It also speaks about the main factors that determine the Uzbek-Kyrgyz interregional cooperation, namely the political factor, the geographical factor, the economic factor, the socio-political factor and the security factor.

The article also discusses in detail the commonality of the landscape in the regions, which is another geographical factor that determines interregional cooperation. In particular, one of the geographical factors that determine interregional cooperation is the general study of the landscape in the regions and the historical, cultural, social, informational and communication relations of the population on the Uzbek-Kyrgyz border, as well as migration and demographic relations.

**Key words:** Central Asia, spiritual values, regional security, political factor, geographic factor, economic factor, economic relations, administrative-territorial.

**КИРИШ.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилда қабул қилинган Ташқи сиёсий фаолият концепциясида давлат ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари етакчи ўринда туриши қайд этилган. Президент Ш.Мирзиёевнинг “Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир”-деб таъкидлагани ҳам бугунги кунда Ўзбекистон учун ташқи сиёсатда Марказий Осиё минтақаси устувор аҳамият касб этаётганлигидан далолатдир [1, Б. 239].

Бугунги кунда, хусусан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида давлатлараро муносабатларда ҳудудларнинг ҳамкорлик муносабатлари алоҳида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Минтақа давлатлари амалиётида кам қўлланилган ва кам тадқиқ этилган бу йўналиш бошқа учинчи давлатлар амалиётида самарали натижалар бериб келаётганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади ва шу билан бирга бугунги шароитда Марказий Осиёда ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантиришни долзарблигини белгилаб беради.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси давлатларининг икки томонлама муносабатларида ҳудудлараро ҳамкорлик долзарб ва фаол йўналишлардан бири сифатида шаклланмоқда.

Давлатларнинг ҳудудлараро ҳамкорлик мавзуси доирасида олиб борилган илмий ишларнинг таҳлили, ушбу мавзунинг нисбатан янгилиги ҳамда узоқ тарихга эга эмаслигини кўрсатмоқда.

Отрасли социальной сферы характеризуются наличием четко выраженных внешних эффектов от потребления производимых ими благ теми, кому они непосредственно адресованы. Профилактика заболеваний и медицинская помощь заболевшим людям оказывают позитивное воздействие не только на тех, кто получает эти услуги, но и на других лиц, сокращая риск и масштабы заболеваемости населения. Всеобщая грамотность дает огромный эффект для функционирования всего общества и развития экономики. Культурная деятельность способствует распространению и освоению людьми социальных ценностей, консолидирующая общество. Социальное обеспечение и социальное обслуживание, предоставляя помощь беднейшим слоям общества, обеспечивают определенный уровень их удовлетворенности условиями жизни в данном обществе и снижают риск их антиобщественного поведения (участие в криминальной деятельности, в массовых беспорядках и т.п.).

Отрасли социальной сферы постоянно выступают объектом ценностных оценок со стороны государства и общества. Например, возможности получения медицинской помощи и образования различными социальными группами населения являются в любом современном обществе предметом оценки с позиций социальной справедливости. Международные организации и конституции многих стран относят доступность медицинского обслуживания, образования, культурных благ к числу неотъемлемых прав человека.

Для повышения качества жизни населения и преодоления различий в социально-экономическом положении населения в условиях ограниченности бюджетных ресурсов особую значимость приобретает решение задачи построения такой рыночной экономики, которая обладает социальной направленностью [4].

Качество жизни может зависеть от состояния здоровья, коммуникаций в социуме, психологического и социального статуса, свободы деятельности и выбора, от стрессов и чрезмерной озабоченности, организованности досуга, уровня образования, доступа к культурному наследию, социальному, психологическому и профессиональному самоутверждению, психотипа и адекватности коммуникаций и взаимоотношений [5, 6, 7, 18].

В настоящее время не существует общепринятого научного определения понятия «качество жизни». Его практическое применение требует отграничения от широко применяемых близких понятий - таких, как «уровень жизни», который является важнейшей структурной составляющей качества жизни.

Уровень жизни населения - сложная комплексная категория, которая выражает уровень развития физических, духовных и социальных потребностей и степень их удовлетворения, а также условия в обществе для развития и удовлетворения этих потребностей. В качестве средств удовлетворения потребностей рассматриваются блага, имеющие вещную или знаковую форму существования, и услуги [8].

В соответствии с рекомендациями Организации Объединенных Наций, уровень жизни населения измеряется системой показателей, характеризующих здоровье, уровень потребления, занятость, образование, жилище, социальное обеспечение. При этом качество жизни не сводится к простой сумме совокупности показателей, характеризующих жизнедеятельность человека в данном обществе (стране, регионе, городе).

С 1990 года Организация Объединенных Наций ежегодно публикует отчет о своих исследованиях качества жизни человека в разных уголках мира [9]. В результате составляется рейтинг стран, места в котором присваиваются на основе суммы получаемых баллов. В оценке человеческого развития той или иной страны учитываются следующие факторы: продолжительность жизни, развитие системы здравоохранения и образования, социальная защищенность, экология, уровень преступности, соблюдение прав человека и размер валового национального дохода на душу населения [10, 19].

Согласно статистическим исследованиям, в 2017 году по уровню и качеству жизни Россия занимала 90-е место, уступая Молдове (88-е место), Кыргызстану (85-е место), Украине (83-е место), Азербайджану (80-е место), Белоруссии (68-е место), Латвии (47-е место) и Литве (43-е место) [11].

Согласно рейтингу стран мира, в 2018 году по экономическим показателям Россия находилась на 95-м месте, свободе предпринимательства - 88-м месте, по уровню коррупции и эффективности управления страной - 99-м месте, уровню безопасности - на 92-м месте, по качеству образования - на 35-м месте, уровню свободы граждан - на 89-м месте среди стран мира [12].

В 2018-2019 годах, по данным агентства Legatum Prosperity Index, Россия занимает 61-е место из 142 стран, расположившись между Шри-Ланкой и Вьетнамом [13].

В систему оценки качества жизни населения на сегодняшний день включены следующие социально-экономические показатели:

- качество человека (показатель, оценивающий человека как субъекта общественных отношений, общественного производства и жизнедеятельности, способного в рамках удовлетворения своих потребностей осуществлять реакцию на технико-экономические, социокультурные и природные условия и адаптироваться к быстроменяющимся внешним условиям и вызовам). Данный показатель является сложным, качественным, его можно разделить на такие подпоказатели, как уровень рождаемости и смертности, образовательный и квалификационный уровень и пр.;



- качество образования - это система оценки образовательного уровня, определяющая эффективность использования компетентностных навыков и уровня профессионального сознания [14];

- качество труда - это показатель, определяющий уровень производственной жизни, учитывающий степень реализации профессиональных навыков человека, его организационных, интеллектуальных, творческих, моральных и иных способностей и показывающий степень удовлетворенности трудом, а также стремление повысить свою квалификацию;

- качество среды - это показатель, который состоит из совокупности элементов, предпосылок и факторов формирования внешней среды, позволяющий оценить уровень здоровой, гармоничной и социально насыщенной жизни индивида;

- качество жизни - это интегральный показатель, оценивающий степень развития и удовлетворенность материальных, культурных и духовных потребностей индивида [15].

### **ЗАКЛЮЧЕНИЕ.**

Таким образом, при определении характеристики понятия «качество жизни» важно уделять пристальное внимание изучению социально-экономической составляющей, а также материальной обеспеченности жизни населения. При этом, необходимо учитывать, что качество жизни является максимально интегрированным социальным показателем. Следовательно, при совершенствовании социальной политики важно учитывать такие показатели качества жизни населения, как:

1) уровень благосостояния (в частности, среднемесячная номинальная заработная плата; индексы реальной заработной платы; распределение доходов; социально-экономические индикаторы бедности; соотношение минимальной заработной платы и величины прожиточного минимума для трудоспособного населения; соотношение минимальной пенсии по возрасту и величины прожиточного минимума для пенсионера; занятость и безработица);

2) социальная защита населения (к примеру, размер трудовой пенсии по возрасту; индексы реальных размеров назначенных пенсий; размер социальной пенсии; доля расходов консолидированного бюджета на социальную политику);

3) население и здоровье (в том числе численность мужчин и женщин; ожидаемая продолжительность жизни при рождении; суммарный коэффициент рождаемости; коэффициент демографической нагрузки; доля расходов консолидированного бюджета на здравоохранение);

4) уровень образования (в частности, уровень образования народонаселения; охват детей дошкольными учреждениями; доля расходов консолидированного бюджета на образование);

5) жилищные условия (обеспеченность граждан жильем; распределение жилищного фонда; благоустройство жилищного фонда);

6) качество товаров и услуг (включает потребительские товары и услуги; средства сообщения, коммуникации; обеспеченность населения общественным транспортом; количество пользователей сети Интернет; число абонентов сетей сотовой связи и пр.) [16, 20];

7) экологическая ситуация (выбросы загрязняющих веществ в атмосферный воздух; площадь особо охраняемых природных территорий; бытовое водопотребление);

8) правовая защищенность (коэффициент преступности);

9) культура (доля расходов консолидированного бюджета на отдых, культуру и религию; число посещений музеев, театров, киносеансов) [17].

### **Иқтибосар/Сноски/References:**

1. Особенности, вызовы и перспективы социальной политики в Узбекистане. /
2. <https://review.uz/post/osobennosti-vzov-i-perspektiv-socialnoy-politiki-v-uzbekistane>.
3. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. /
4. <http://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>.

5. Loppie C, Wien F (2009). Health Inequalities and Social determinants of Aboriginal People's Health. National Collaborating Centre for Aboriginal Health. (Report). University of Victoria.
6. Повышение качества жизни населения в современных экономических условиях России. /<https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-kachestva-zhizni-naseleniya-v-sovremennyh-ekonomicheskikh-usloviyah-rossii>
7. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Качество жизни // Современный экономический словарь. 7-е изд., испр. М.: ИНФРА-М, 2017. С. 56.
8. Каменская Г.В. Качество жизни /Национальная философская энциклопедия. /<https://terme.ru/termin/kachestvo-zhizni.html> (дата обращения: 13.06.2019).
9. Качество жизни // Философский энциклопедический словарь. М.: ИНФРА-М, 2011. С. 250.)
10. Санталова М.С., Балаханова Д.К. Формирование системы управления качеством жизни населения в регионе // European Social Science Journal. 2016. № 10. С. 95-97.
11. Larsson U., Taft C., Karlsson J., Sullivan M. Gender and age differences in the relative burden of rhinitis and asthma on health related quality of life a Swedish population study // Respiratory Medicine. 2007. Is. 101-6. P. 1291-1298.
12. Ivanetska S.B., Galavda T.O. Social responsibility as a factor of ensuring of increasing the level and quality of life for the population // Economics, Management, law, Innovation strategy. 2016. S. 1. P. 19-22.
13. Уровень жизни населения России и стран мира в 2017 году. / <https://newsland.com/community/129/content/reiting-stran-mira-po-urovniu-zhizni-v-2017-godu/5788893> (дата обращения: 11.06.2019).
14. Уровень жизни населения России и стран мира в 2018 году. /
15. <http://bs-life.ru/makroekonomika/uroven-zizny2012.html> (дата обращения: 30.05.2019).
16. Уровень жизни населения России и стран мира в 2019 году. / [http://finansiko.ru/uroven\\_zhizni\\_naseleniya\\_rossii\\_stran\\_mira\\_2014/](http://finansiko.ru/uroven_zhizni_naseleniya_rossii_stran_mira_2014/) (дата обращения: 11.06.2019).
17. Косинский П.Д., Харитонов А.А. Взаимосвязь качества питания и качества жизни населения: региональный аспект // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2017. № 7-1. С. 130-133.
18. Seitov A., Sabirova U. Социализация семей в современный период развития махаллей Узбекистана // Journal of social studies. Ижтимоий тадқиқотлар журналі, Журнал социальных исследований. - 2021. №1 // <http://tadqiqot.uz/ru/jurnali/soci> ISSN 2181-9556 . DOI Journal 10.26739/2181-9556
19. Seitov A. The principles of recruiting personnel in the self-government bodies of citizens and non-governmental non-profit organizations of Uzbekistan (methodological guide)/ USA, 2021 - 19 p. Published Primedia E-Launch LLC., 5518 Flint St, Shawnee, 66203, USA. ISBN 978-1-64945-244-3. DOI: [http://doi.org/10.37057/M\\_11](http://doi.org/10.37057/M_11)
20. Seyitov A., Sabirova U. The current task of higher education - strengthening mahalles / CUTTING EDGE-SCIENCE. International scientific and practical conference. January-February, 2021 Shawnee, USA Conference Proceedings. – P. 27-29. DOI: [http://doi.org/10.37057/U\\_7](http://doi.org/10.37057/U_7)

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Каланова Сабоҳат Мурадовна**

Ўзбекистон Миллий университети,  
Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доц.в.б.  
e-mail: sabo\_77@mail.ru

**Саидахмадова Мардонахон Комил кизи**


Ўзбекистон Миллий университети магистранти  
e-mail: mardona.kulaxmatova@gmail.com

**Холмуродов Гулом Ўткир угли**

Ўзбекистон Миллий университети профессори,  
стажёр ўқитувчи  
e-mail: xomurodov.95@inbox.ru

## АВЛОДЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МУАММОСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**For citation:** Kalanova Sabohat, Saidakhmadova Mardonakhon, Kholmurodov Gulom. Methodological and theoretical bases of intergeneration relations problem. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 147-156

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-16>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада авлодлараро муносабатлар муаммосининг методологик ва назарий жиҳатлари кўриб чиқилган. Мазкур муаммонинг дастлабки методологик асоси сифатида Платоннинг наслий одам ғояси, шунингдек руч файласуфларининг инсон ва жимият ўртасидаги асосий, боғловчи бўғин сифатидаги наслий бутунликка оид қарашлари олинган. Файласуфлар М. Хайдеггер ва Е. Гуссерлнинг эски ва янги авлодлар ўртасидаги, катталар ва болалар ўртасидаги муносабатлар ёки генератив муносабат сифатида талқин этиладиган интерсубъектив тажриба ғояси таҳлил этилган.

Жамият ўзгариб бораётган шароитда ўз-ўзидан ижтимоий муносабатларни тикланиш ва ўзгартириш, ворисийлик ва узилиш, анъанавийлик ва новаторлик тушунчалари асосидаги тарихий жараён сифатида кўриб чиқишни талаб этади. Бу маънода авлод узоқ муддатли, муайян вақт давом этадиган социал ўзгаришлар қўлами ва йўналишини ўлчашнинг тарихий воситаси вазифасини ўтайди. «Янги “биологик мавжудодлар”нинг кетма-кет пайдо бўлиши йиғилаётган маданий бойликдаги айрим йўқотишларга муқаррар олиб келади; аммо, бошқа жиҳатдан қараганда, фақат шугина зарурат бўлганда эришилганнинг “янги селекция”сини мумкин қилади. Бу биз тўплаганларни қайта баҳолашга рағбатлантиради ва кераксиз бўлиб қолган нарсаларни унутишни ўргатади ҳамда эришилмаган нарсаларга интилишга даъват этади». Авлод “қадами” жамиятнинг ўтмишдаги ҳолати ва унинг келажак сари ҳаракати ўртасидаги мутаносибликни аниқлашга ёрдам беради.

**Таянч тушунчалар:** генератив муносабат; интерсубъектив тажриба; авлодлараро муносабатлар; авлодлараро муносабатлар психологияси; наслий бутунлик.

**Каланова Сабохат Мурадовна**

Национального Университета Узбекистана  
и.о.доцент, доктор философии (PhD)

по социологическим наукам

e-mail:sabo\_77@mail.ru

**Саидахмадова Мардонахон Комил кизи**

Национального Университета Узбекистана, магистрант 1 курса

e-mail:mardona.kulaxmatova@gmail.com

**Холмуродов Гулом Уткир угли**

Национального Университета Узбекистана,

стажёр преподаватель

e-mail:xomurodov.95@inbox.ru

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОБЛЕМЫ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ПОКОЛЕНИЯМИ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются методологические и теоретические аспекты проблемы межпоколенных отношений. В качестве исходного методологического основания этой проблемы обозначается идея Платона о родовом человеке, а также взгляды русских философов о Родовой целостности как главном, связующем звене между человеком и обществом. Анализируется идея интерсубъективного опыта философов М. Хайдеггера и Е. Гуссерля, которая трактуется как отношение между старым и новым поколениями, между взрослым и ребенком, или как генеративное отношение.

В меняющейся среде общество требует, чтобы его рассматривали как исторический процесс, основанный на концепциях восстановления и изменения социальных отношений, преемственности и разъединения, традиционализма и новаторства. В этом смысле поколение служит историческим инструментом для измерения масштаба и направления долгосрочных, изменяющихся во времени социальных изменений. «Последовательное появление новых» биологических существ» неизбежно ведет к некоторой утрате накопленного культурного богатства; но, с другой стороны, делает «новый отбор» достигнутого только тогда, когда это необходимо. Это побуждает нас переоценивать то, что мы накопили, и учит забывать то, что больше не нужно, и стремиться к тому, чего не удалось достичь». «Шаг» поколения помогает определить баланс между прошлым состоянием общества и его движением в будущее.

**Ключевые слова:** генеративное отношение; интерсубъективный опыт; межпоколенные отношения; психология межпоколенных отношений; родовая целостность.

**Kalanova Sabohat Muradovna**

National University of Uzbekistan,

Acting Associate Professor,

Doctor of Philosophy (PhD) in Sociological Sciences

sabo\_77@mail.ru

**Saidakhmadova Mardonakhon Komil kizi**

National University of Uzbekistan,

undergraduate student

e-mail:mardona.kulaxmatova@gmail.com

**Kholmurodov Gulom Utkir ugli**

National University of Uzbekistan, trainee teacher

e-mail:xomurodov.95@inbox.ru

## METHODOLOGICAL AND THEORETICAL BASES OF INTERGENERATION RELATIONS PROBLEM

### ANNOTATION

The paper studies the problems of methodology and theory of intergeneration attitudes. As the initial methodological basis of this problem Platon's idea about the patrimonial person is designated as well as the views of Russian philosophers about Patrimonial integrity as the linker between the person and the society.

The philosophers M. Heidegger's and E. Husserl's idea of intersubjective experience which is treated as the attitude between old and new generations, between the adult and the child or as generative attitude is analyzed. In a changing environment, society demands to be seen as a historical process based on the concepts of rebuilding and changing social relationships, continuity and disunity, traditionalism and innovation. In this sense, generation serves as a historical instrument for measuring the scale and direction of long-term, time-varying social change. "The successive emergence of new 'biological beings' inevitably leads to some loss of the accumulated cultural wealth; but, on the other hand, makes a "new selection" of what has been achieved only when it is necessary. This encourages us to reevaluate what we have accumulated, and teaches us to forget what is no longer needed, and to strive for what we failed to achieve. " The "step" of a generation helps to determine the balance between the past state of society and its movement into the future.

**Key words:** psychology of intergenerational relations; intersubjective experience; generative attitude; intergeneration relationships patrimonial integrity.

### КИРИШ

Социологияда кенг тарқалган ёндашувлардан бири – позитивизм, илм-фанда исботланган жамият қонуниятларини тезда аниқлаб, ижобий хулосалар чиқаришни тақазо этади. Сўнгги йилларда социология соҳасида «авлодлар алмашинуви ва унинг таҳлили» кенг қўлланилмоқда. Табиийки, глобаллашув жарёни дунёда Ўзбекистонда ҳам авлодлар алмашинувига ўз таъсирини ўтказмоқда. Мустақилликдан кейинги 3 ўн йиллик давр эса, бир авлоднинг кейинги босқичга ўтиши учун етарлича вақт ҳисобланади. Социологик фанлар тизими тадқиқотчи олдиға, биринчидан, навбатдаги социал воқеълик қонуниятларини чуқур ҳис қилиш ва иккинчидан, ушбу қонуниятларни инсон фаолиятида янада оптималлаштириш учун қўллаш вазифасини ўтайди. О.Конт табири билан айтганда, «билиш – бу кўра олишдир, кўра олиш эса – бу амалға оширишдир». Ҳар бир давр, ижтимоий-сиёсий тизимдаги ўзгаришлар авлодлар алмашинуви мазмун-моҳиятига муайян даражада таъсир ўтказиши мумкин. Шу сабабдан ҳам, социал тарихий жараёнларни тадқиқ қилиш, унинг социомаданий қонуниятларини илмий муаммо сифатида ўрганиш ўз долзарблигини йўқотмайди.

### АСОСИЙ КИСМ

Авлодлар ўртасидаги муносабатлар муаммоси узоқ асрлар давомида тадқиқотчиларнинг диққатини тортиб келган. Қадимги даврларданоқ олимлар авлодларнинг инсоният тамаддуни, жамият ва давлат тараққиётида тутган ўрни тўғрисидаги саволларға жавоб излаб келишган. Ҳозирги замонда авлодлар ўртасидаги муносабатлар муаммосини ўрганиш давомида бизнинг олдимизда куйидаги савол пайдо бўлдики, унга жавоб бермай туриб, экспериментал тадқиқотни тўғри ташкил этиш мумкин эмас. Авлодлар ўртасидаги муносабатларнинг тўлиқроқ ва объектив характеристикасини қўлга киритиш мақсадида бир пайтнинг ўзида нечта авлодни ўрганиш зарур? Мазкур масалани ҳал этиш учун фалсафий қарашларға, хусусан, илмий оламнинг энг ёрқин намояндаларидан бири бўлмиш Платон ғояларига мурожаат этайлик, чунки унинг китобларида илк бор жамиятнинг авлодий тузилиши ғоялари шакллантирилган. Унинг давлат ҳақидаги таълимотини[1]. фалсафа тарихидаги энг муҳим таълимотлардан бири деб аташ мумкин. Унинг таълимоти инсоният бирлиги муаммосининг қамрови ва ҳал этилишининг чуқурлиги нуқтаи назаридан энг мақбулдир. Г.А. Кондратованинг фикрича, унда "инсон борлигининг ички ва ташқи жиҳатлари, турғунлик ва ҳаракатдаги ижтимоий ва индивидуаллик табиий равишда синтезланади" («органически синтезировались внутренний и внешний аспекты человеческого

бытия, общественное и индивидуальное в их статике и динамике») [2]. Платоннинг авлодлар ва уларнинг инсоният тамаддунининг тараққиётидаги роли ҳақидаги ғояларини тушуниш учун, фикримизча, унинг инсон ва давлат типологиясига оид қарашларига мувожаат этиш зарур. Платоннинг фикрича, уларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги илм соҳасида таянч бўлиб, барча ижтимоий жараёнларни белгилайди. Руҳ типларидан Платон аввал давлат типларини чиқаради, улардан келиб чиқиб эса инсон типологиясини белгилайди ва унинг бешта типини фарқлайди. Мазкур мантиқни у алоҳида шахслардан кўра давлатда “фёъллар нисбатан аниқроқ”[3] эканлиги ҳақидаги фикр билан асослайди, шунинг учун унинг мулоҳазаларида инсон типлари ва давлат типлари ҳақидаги фикрлар бир-бирини ўзаро тўлдириб келади.

Инсон ва давлат типлари динамикасини Платон руҳ структурасидаги мутаносибликнинг ўзгариши билан боғлайди. Шундай бўлса-да, Платон таълимотида давлат ҳам, индивидуум ҳам эмас, айтилиши одам асос вазифасини ўтайди. Бундай тушунча унинг оила ичидаги авлодлар амашинувини таҳлилидан келиб чиқади. Г.А. Кондратова фикрига қўшилган ҳолда фараз қилиш мумкинки, унинг беш инсон типининг диалектик бирлиги битта наслий даврни, яъни наслий бирликни ташкил этади. “Шу асосда инсоннинг шажаравий бирлигига ўрта бўғин сифатида қараш мумкинки, у орқали инсон ва жамият ўзаро бир-бирига таъсир қилади ёки, бошқа сўзлар билан айтганда, индивидуал ва жамоавий ифодадаги уруғ яшаш модусини ташкил этган бир бутун инсонда намоён бўлади”[4]. Шажаравий даврни, унинг инсон беш типини тизими кўринишидаги антропологик структурасини ажратиш Платонга социал динамикадаги объективлик ва субъективлик диалектикасини узвий кўрсатиш имкониятини берди. Айтилиши шажаравий давр инсоннинг ворисийлик ва ривожланиш билан боғлиқ ҳаётининг вақтга оид, тарихий аспектиларини тавсифлайди. Инсоннинг беш типини тизимида Платон филогенезнинг ўзига хос социо-маданий бирлигини, мазкур шажаранинг социо-маданий тажрибасини ўзида жамлаган сулола сўзининг давом эттирувчисини кўрсатган. Худо “оталар гуноҳи учун.. уларнинг болаларини, ва болаларининг болаларини ва шундай қилиб учинчи, тўртинчи бўғинигача жазолайди”[5], деб беҳуда айтилмаган, яъни у инсонни ҳаётининг индивидуал модусида эмас, сулолавий модусида жазолайди, жуда бўлмаганда мева бермайдиган шох сифатида бутун шажарасини “қирқади”. Ўз ҳолича Шажаравий яхлитлик - инсон ва жамият ўртасидаги асосий, боғловчи бўғин, чунки у ўзида инсоннинг индивидуал ва жамоавий ҳаётининг ажралмас бирлигини ифодалайди.


Шунингдек, Платон таъкидлайдики, инсон эволюциясининг сифатий жиҳатлари типологик фарқлар сифатида алоҳида инсон ҳаётида сулола авлодларидагидан кўра камроқ намоён бўлган. Янги Европа фалсафасида сулолавий одам феномени ҳақида Г. Гегель ёзган. У сулолага инсонга мослаган ҳолда “субъектнинг ягоналиги билан ўз ичида мавжуд оддий бирлик” сифатида қараганки, “у бунда ўз конкрет субстанциясига эга, аммо ҳали ягона субъектга айланмаган”[6]. С. Кьеркегор инсоннинг тарихийлик хусусиятига эътиборни қаратган ва бу хусусиятни сулола ҳаёти билан боғлаган, чунки “ҳар бир дақиқада муносабатлар шундай ўрнатилдики, индивид бир пайтнинг ўзида ҳам ўзи ҳам сулола бўлади”[7].

### МЕТОДОЛОГИЯ

Асосий вазифа инсонни, у орқали эса бутун сулолани такомиллаштиришдан иборат, шунинг учун индивиднинг сулоладан ажралоши дарҳол сулолани ўзгача қилади. П. Сорокин инсоннинг сулолавий хусусиятларини “социал-психологик ҳодисаларнинг асосий қонуниятлари” билан боғлаган[8].

Мавжуд илмий изланишлар билан танишиш асносида биз сўнгги 100 йилликда Ўзбекистонда кечган авлодлар алмашинуви жараёнини горизонтал ўқ бўйича 15 йилдан 30 йилга кўчган ва вертикал ўқ бўйича эса 30 йилдан 15 йилга тушган, деб баҳолашни лозим топдик. Техник нуқтаи-назардан авлод мавзусини америкалик социолог Бруно Латур тадқиқотларида [9] мукамал таҳлил этилганлигини кўриш мумкин. Латур ўз асарида Шалли исмли социологнинг мақолаларда матнларнинг ифодасини белгиловчи социал жиҳатларни М.Вебер таълимоти асосида таҳлилини беради. Унинг томонидан келтирилган қуйидаги

схемада бир матнга нисбатан учта авлоднинг ёндашуви берилган. Хусусан биринчи авлод ўз даврида фойдаланган иқтибослар, иккинчи авлодда қайсидир даражада такрорланиши мумкин, аммо учинчи авлод буни буткул инкор этиши мумкин»[10].



Биз горизонтал ҳолатни демографик ҳамда вертикал кўринишни социал асосда таҳлили қилмоқчимиз. Яъни, мавжуд тарихий воқеъликни кузатиш асносида, демографик жиҳатдан болалик, ўспиринлик, ўсмирлик умуман олганда ёшлик даврига оид масофа кўтарилди. Болалар эрта ёшдан жисмоний меҳнатга жалб қилинмайдиган бўлинди. Йигит ва қизларда эрта ёшдан турмуш қуриш ҳолатларининг олди олинди (айрим истисноларни инобатга олмаганда). Республика миқёсида ёшлик қонунчиликка мувофиқ 30 ёшгача қилиб белгиланди. Шу жумладан аҳолининг ўртача умр кўриши ҳам узайди.

Социал хусусиятлар масаласига келсак, профессионализм муҳим босқичга кўтарилмоқда. Авваллари бир авлод бирон бир соҳа, тармоқ ёки вазифада узоқ йиллар фаолият юритадиган бўлса, бугунги кунга келиб бу масофа тубдан қискарди. Бугунги кунда авлодлар орасида вужудга келаётган кескин «рақобат» мавжудлигини илғаш қийин эмас. Гап кўп тил биладиган, компьютер технологияларидан юқори профессионал даражада фойдалана оладиган, Интернет тармоғи орқали тезда дунё билан боғланадиган ёшлик ва авлоддан-авлодга ворисийлик асосида ўтиб келаётган кадриятлар асосида тарбия топган «катта авлод» ўртасидаги «қарама-қаршилик» ҳақида кетмоқда. Бу жараёнда мавжуд эгалланган ахборот кўлами ва уни амалиётда қандай бошқариш туради[11]. Бунинг натижаси ўлароқ замонавий ва табиийки, миллий социологияда ҳам авлодлар алмашуви муаммосининг жавобини излаш долзарб аҳамият касб этган.

Авлодлараро муносабатлар муаммосининг тарихий аспектини файласуфлар М. Хайдеггер ва У. Гуссерль ўрганишган. Уларнинг асарларида биз авлодлар ўртасидаги тарихий алоқалар тўғрисидаги ғоянинг давомини кузатамиз. Шу йўналишда Т.В. Шитцова ўтказган тадқиқот ишидаги таҳлил ҳам диққатни жалб этади[12]. Муаллиф эски ва янги авлодлар ўртасидаги, катталар ва болалар ўртасидаги ёки генератив муносабатлар сингари интересубъектив тажрибанинг конкрет шакллари таҳлил этади. Тадқиқотчи генертив алоқа инсон ҳаётининг тарихийлиги сифатида фақат диахроник перспективаси мавзуи билан боғланган феноменологик таълимотларга мурожаат этади. Булар Е. Гуссерльнинг тарихнинг трансцендентал концепцияси ва М. Хайдеггернинг экзистенциал таҳлили. Яшаш дунёси социал-тарихий генезисининг трансцендентал асосланишини тасдиқлаш учун Е.Гуссерль

марказий тушунча сифатида генеративлик тушунчасини олади. Мазкур тушунча инсоният оламидаги авлодларнинг биологик алмашинуви билан конкрет ҳамжамият ҳаётидаги маданий жиҳатдан муҳим маъноларнинг тикланиши ва янгиланишининг тарихий жараёни ўртасидаги муфассал алоқани ўрнатади. “Ўз” ҳаётининг (Heimwelt) тарихий шаклланишини трансцендентал асослаш муаммосига мурожаат этиб, Е. Гуссерль бир-бирдан туғилиш ва ўлиш воситасида ажратиладиган авлодларнинг фақат бир бирини алмаштириб келган ҳолатларда тинимсиз маънони аниқлаб борилиши экспликациялаш заруратига тўқнаш келади. Шунга мувофиқ, унинг ўйлаб қўйган таҳлили алоҳида, регрессив ёндошувни талаб этади: «Тегишли ҳамжамиятнинг шаклланишини генератив маънода орқага кузатиш зарур,-- дейди Е. Гуссерль, - дунёда шакллантирилган таркибни генератив кузатиш ва шунга мувофиқ уни тарихий анъаналарнинг бирлиги билан характерланадиган бир-бирининг кетидан келадиган авлодларнинг ҳаётининг сифатида, яъни тарихий маданий олам сифатида англаш керак...»[13].

Немис файласуфи қайта-қайта таъкидлайдики, ҳайвонот оламидан фарқли ўлароқ, инсоният оламида ҳар қандай янги авлод ўзига мерос қолган маданий дунёни шунчаки тиклаб қолмай, ўз маданий ижодкорлиги доирасида уни ривожлантиради. Ўз оламини (Heimwelt) ва бегона оламини (Fremdwelt) фарқлар экан, немис файласуфи ҳар бири ўз шахсий услубига ва ўз шахсий типик хусусиятларига эга бўлган икки генератив олам ёки икки маданий анъана ҳақида гап олиб боради. Шундай қилиб, Е.Гуссерль бўйича, “ўз олами”нинг социо-тарихий шаклланиши асосида икки сатҳдаги интерсубъектив структуралар туради: биринчидан, “ўз олами” ва “бегона олам”ни синхроник фарқлаш (ўзаро белгилаш) ва, иккинчидан, авлодларнинг диахроник фарқланиши бўлиб, бу авлодлар ўртасидаги ворисийлик тегишли маданий оламнинг барқарорлигини таъминлайди. М. Хайдеггер[14], умумий оламининг тарихий шаклланишининг турли босқичларига мансуб индивидуумлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил этар экан, генератив алоқани диахроник аспектда кўриб чиқади. Унинг таҳлили предмети вазифасини актуал Dasein ва “ўлган”, ўтиб кетган (Dagewesenes)ўртасидаги ҳаётининг алоқалар ўтайди.

Авлодлараро тарихий алоқанинг тилга олинган жиҳати билан чегараланиб, М. Хайдеггер уни, боз устига, “тирик”ни “ўлик”дан ўзига хос устинлиги белгиловчи муайян бир ракурсда талқин этади. М. Хайдеггер бўйича, узилиш тарихий оламнинг чинакам янгиланишининг экзистенциал шартини вазифасини ўтайди, бироқ авлодлараро алоқанинг ўзи ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги тарихий (герменевтик) диалог имкониятини тушунишга имкон бермайдиган бир ёқлама талқин топади. “Ўлимга киришиш” асосида тушунилан Dasein тарихийлик имманент, ўз доирасида ёпиқ бўлган индивидуал мавжудлик сифатида намоён бўладики, унда тарих қайта бошланади ва тугайди. Мазкур қоидалар бизга авлодларнинг узилиши тўғрисидаги ғояни қандай тушуниш кераклигини белгилашда ёрдам беради. Тадқиқотимизда биз Е. Гуссерльнинг дунё конституцияси (тузилиши) улғайиб бораётган ва улғайган одамларнинг интерсубъективлиги иши эканлиги ҳақидаги тезисига суянамиз. Улғайган одам ва бола ўртасидаги фарқ дунё конституцияси (тузилиши) учун туб аҳамиятга эга ва биринчи навбатда “ўз” маданий оламининг типиклигини ифодаловчи нормаллик тушунчалари ва тамойилларининг асосий тизимлари доирасида аниқланиши мумкин.

Тарихий ҳамжамиятнинг «субъекти» сифатида бола “нормал катта ёшли одам”дан шуниси билан фарқланадики, унинг энг яқин ҳаётининг вазифасини атроф дунёнинг амалий чегараларини ўзлаштириш ташкил этади. Шу тариқа, “ўз олами”нинг амалий чегараларида “рахна” пайдо бўлади, зеро тўғриси айтганда, у олам фақат ота-она учун “ўзиники” бўлади (белгиловчи маъноли ўзаро алоқалари воситасида бу оламини индивидуал ўзлаштирганлик маъносида), бола учун эса бундай ўзлаштириш атроф дунёни ўзига хос кашф этиш шаклини олган ҳолда ҳали олдинда. Шу маънода, бола “нормал катта ёшдаги одамлар”нинг тарихан шаклланган маънолар макони сифатидаги “бизнинг” маданий дунёимизда “бегонадир. Тегишли социо-маданий олам ичида очилар экан (туғилиш факти бўйича), боланинг ҳаётининг проекцияси “бегона олам”нинг “ташқи уфқи”га мувофиқдир, чунки у ҳам алоҳида бўшлиқни



ташқил этади, яъни айни тажриба уфқининг таниш, ўзлаштирилган маъно-тушунчалар билан тўлдирилмаганлиги билан бўшлиқдир. “ўз олами”га дастлабки бегоналиги туфайли бола – гарчи у дунёга маълум (аввалдан белгиланган) нормаллик тизимининг “ичида” дунёга келган бўлса-да, - ўз ҳолича, К.Хейднинг “бегона олам” чегараларини тавсифлашига мувофиқ, “кутилмаганнинг юзага чиқиши минтақаси” сифатида тавсифланиши мумкин[15]. Бола билан маиший ҳаётдаги алоқада аниқланган фарқлар (ассиметриялар) туфайли “ўз олами” ичида “нотанишлик” доирасининг тинимсиз актуаллашуви содир бўладики, бу катталарга одатий тушунчаларга ўрнатилмаган тушунчалар сифатида қараш имкониятини беради. Шундай қилиб, бола билан интересубъектив алоқа катта ёшдаги одамга олам идентиклигини ва шахсий идентиклигини белгиловчи тушунчалардан шубҳаланиш имкониятини беради. Шундай экан, генератив тажриба ҳар қандай шахслараро уюшманинг тарихан амалга ошиши учун биргаликда яшаш асносида (оламни) янгилаш имкониятини актуаллашуви жиҳатидан парадигматик аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, боланинг рационаллигини катта ёшдагиларнинг рационаллигининг “етилмаган” шакли ҳамда кейингисининг шаклиниши йўлидаги оралиқ босқич сифатида талқин этувчи концепциялар танқид остига олинади. Аксинча, амалга оширилган таҳлил ҳаёт оламининг социал-тарихий генезиси учун бола шахсининг трансцендентал аҳамияти ҳақида гапириш имкониятини беради. Шундай қилиб, Е. Гуссерль ва М. Хайдеггер ғоялари файласуфларнинг инсоннинг сулолавий бирлиги ҳақидаги ғояларини тўлдиради, уларни авлодлараро муносабатларни тушунишда анча олға силжишга имкон берадиган янги мазмун билан бойитади. Авлодлар ўртасидаги ўзгариб бораётган муносабатларнинг ўзига хос хусусиятини англашга таниқли этнограф М. Мид таклиф этган маданиятлар типологияси ҳам ёрдам беради. М. Мид инсоният тарихида авлодлараро алоқалар критерийси бўйича маданиятнинг уч типини ажратади: постфигуратив, бунда болалар, авваламбор, ўзларининг ўтмишдошларидан ўрганишади; кофигуратив, бунда болалар ва катталар ўз тенқурларидан ўрганишади; префигуратив, бунда катталар ўз болаларидан ўрганишади.

М. Миднинг фикрича, социал ва маданий тажрибани узатиш соҳасидаги авлодлараро муносабатлари эволюцияси нуқтаи назаридан қараганда маданият тарихини унинг уч типининг олдинма-кетин шаклланиши сифатида идрок этилиши мумкин: постфигуратив, кофигуратив ва префигуратив. Постфигуратив маданият ўзининг ягона эгаси ҳуқуқларини, янги авлод етуклик ёшига етиши вақтигача – катта ёшдаги одамга тақдим этади. Одатда мазкур вақт анъана ёки қонун томонидан белгилаб бериладиган чегарага билан аниқланади. Бу ҳолатда алоҳида олинган шахснинг ҳам, бутун социумнинг ҳам ҳаёт-фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган назарий билим ва амалий тажриба комплексини узатиш фақат катта авлоддан нисбатан ёш авлод томон йўналишида амалга оширилади. Маданиятнинг мазкур типи, чамаси, бошқаларидан кўра олдинроқ вужудга келган; асрлар мобайнида ягона мумкин бўлган деб қаралган маданиятнинг мазкур типи, аслини олганда уни юзага келтирган шарт-шароит (инсонни ўраб турган табиий ва социал муҳитнинг ҳамда унинг ўзининг нисбатан ўзгармаслиги ёки ўзгаришларнинг ниҳоятда паст суръатлари, шунингдек маданиятнинг охириги, пироварддаги асосларининг анланмаганлиги ва “шубҳанинг йўқлиги”) каби тарихан ўткинчидир. Постфигуратив маданиятни М. Мид ўтмишга оид деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, унинг фикрича, тилга олинган шарт-шароитларнинг ижтимоий силсила, уруш, инқилоблар давридан кейин тикланиши ҳамда, одатда, уларнинг кетидан пайдо бўладиган кўпчиликнинг турғунлик ва барқарорликка интилиши мазкур маданият шаклининг ҳозирги даврда ҳам, юз йиллар олдиндаги каби пайдо бўлишини мумкин қилади. Муайян ёшдаги одамлар гуруҳи вакилларининг ўз замондошлари шакллантирган хатти-ҳаракат моделини қабул қилиши маданиятнинг кофигуратив усулига ўтишдан далолат беради.

Постфигурациядан фарқли ўларок, кофигуратив маданият табиий ва инсоннинг ўзи томонидан яратиладиган яшаш маконининг тинимсиз ўзгариши шароитида шаклланади. Бунда ота-оналардан болаларга узатиладиган ўтмиш тажрибаси ёш авлоднинг янги олдиндан билиш мумкин бўлмаган ҳаёти шароитда қисман ёки бутунлай ўз аҳамиятини йўқотади. Бир пайтнинг ўзида кофигуратив маданият ўзида қисман постфигуратив мазмунни ҳам мужассам

этади. Бу, авваламбор, бир неча авлод томонидан тан олинадигн ва шунинг учун “абдий” ва “абсолют” деб идрок этиладиган қадриятлар тизимига тегишли. «Катта авлод, - ёзади М. Мид, – эзгулик, ҳақиқат ва гўзаллик табиатига оид умумий иттифоқлик ҳали ҳам мавжуд, инсон табиати унинг идрок этиш, ҳис этиш, фикрлаш ва ҳаракат қилишга оид туғма механизмлари аслида ўзгаришсиз қолади, деб ўйлайди. Бу каби ишонч-эътиқодлар, табиийки, антропологиядаги кашфиётлар тўлиқ англаб етилганида сақланмас эди, чунки улар социал тартибот технологиялари ва шаклларидаги янгиликлар муқаррар равишда маданият характеридаги ўзгаришларга олиб келишини муфассал исботлаб берган»[16]. Ҳозирги даврда, М. Мид фикрича, биз умуман ўзгача, ўтмишда бирон-бир ўхшаши бўлмаган маданият моделини – префигуратив моделини бошимиздан кечираяпмиз. Унинг асосида тубдан ўзгариб бораётган дунё шароитида ёшлар жамоаларининг катталарга нотаниш бўлган яшаш тарзининг вакили ва яратувчиси бўлиш ҳуқуқини тан олишдан иборат авлодлараро муносабатларнинг янги усули туради. Ёш авлод эгаллаётган янги ҳаёт тажрибаси бундан буён катта авлод маданияти вакиллари томонидан ўзлаштириш предметига айланиши керак ва улар энди “вақт ичра иммигрант” бўлиб қолиш ҳавфига учрайди. М. Мид амалга оширган маданият трансляцияси ижтимоий шаклларининг тарихий динамикасига оид тадқиқоти таълим фаолиятининг субъекти бўлган шахс характеристикаларининг ўзгариши билан боғлиқ замонавий таълим тизими ривожининг энг муҳим тенденцияларини аниқлаш имкониятини беради. Тақдим этилган концепциянинг қоидаларига таяниб, биз маданият шакллариининг алмашилини жараёнлари билан барабар содир бўлаётган аниқ мақсадга йўналтирилган таълимда ўқувчининг субъектив тажрибаси мазмуни ва вазифаларининг трансформацияси ҳақида гапиришимиз мумкин. Авлодлараро муносабатларнинг постфигуратив усулида унга мувофиқ бўлган таълим типи норматив ўқиш мазмунида акслантириладиган социал тажрибани ўқитилаётган шахсга мумкин қадар тўлиқ ва аниқ узатишга йўналтирилган. Шахс индивидуал тажрибасининг таркиби – билиш ва фаолият предметлари, тасаввурлар, тушунчалар, барқарор хатти-ҳаракат структуралари, қадриятий-маъно кодлари – тугал ҳаёт намунасини берадиган интерсубъектив тажриба билан боғланган. Албатта, социал тажриба аналог сифатидаги таълим мазмуни ўқувчининг бутун субъектив тажрибаси мазмунини белгилаб бермайди. «Жуда ҳам бўлиши мумкинки, - ёзади М. Мид, - алоҳида одамнинг мардлиги, иззат-нафси, тиришқоқлиги ёки сезгирлиги боболар ўғитлари даражасида бўлмаслиги мумкин. Аммо ўзининг камчиликларида ҳам у мазкур маданиятнинг бошқа вакиллари ўз ютуқлари билан бўлгандаги каби шу маданият вакилидир»[17]. Маданий тажрибани узатиш жараёнлари субъектив тажрибага таянади; шу билан бирга, шахснинг индивидуаллигини, унинг таржимаи ҳолини, маълум миллатга мансублигини, жамият ва кичик гуруҳнинг мавқеий-ролли структурасига қўшилганлигини, оиланинг таъсирини, кундалик ҳаёти натижаларини – бир сўз билан айтганда, постфигуратив маданиятдаги боланинг, ёшларнинг бетакрор, жамият белгилаб бермаган бутун ранг-баранг ички оламини ўз ичига олган таркиби тажрибани узатиш жараёнидан четда қолади. Билишга йўналтирилган фаолият воситасида атроф дунёни англаш, аввалги авлодларнинг тажрибасини, маданият ютуқларини ўзлаштириш маълум даражада нейтрал, маънавий ва эмоционал(ҳисий) муносабатдан маҳрум бўлиб қолади.

Кофигуратив маданиятнинг шаклланиши индивидуал тажриба таркибидаги хатти-ҳаракат ва тафаккурнинг социомаданий намуналари ролининг камайишига олиб келади, бу эса боланинг ўзи томонидан уни шакллантириш маконини, шу жумладан, ўқув фаолиятида ҳам кенгайтириш учун имконият яратади. Тамаддун тажрибасини узатиш жараёни стереотип социал тажриба билан бетакрор индивидуал тажрибанинг ўзига хос учрашуви сифатида намоён бўлади. Кейингиси белгилаб берилган намунавий стандартларни ва шаклланиб келаётган социал ҳамда табиий тизимларга интегралланишнинг индивидуал усулларини ўзлаштириш жараёнлари кесишган жойида вужудга келади. Бунга ўзгариб бораётган тамаддун қиёфасининг таъсирига очик бўлган таълим тизими, илмий ва амалий билимлар, маънавий ҳаёт, техник таракқиёт шароит яратмоқда. Шу билан бирга, М. Мид таъкидлаганидек, кофигуратив маданиятда шахс таълими “ўзгармаслик доирасидаги ўзгаришлар” ҳақидаги

тасаввурга таянади: келажак қандай бўлишидан қатъий назар, унинг ўтмиш ва бугундан фарқи сифатий характерга эга бўла олмайди. Бунда биринчи навбатда, ёшларнинг тегишли субъектив тажрибаси доирасини шакллантирувчи маданий тажриба таркибининг маънавий-мазмуний компонентлари танқидий онг доирасидан ташқарида қолади. М.Мид ёзади: “Ёш авлоднинг ёки ундаги айрим гуруҳларнинг кадриятлари қатта авлод кадриятларидан сифат жиҳатдан фарқ қилиши мумкинлигини шунчаки тахмин қилинишининг ўзи, ота-оналар авлодининг ҳар қандай маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик ёки диний кадриятларига, постфигуратив нотанқидий ғайрат билан ёки постфигуратив содиқлик билан тасдиқланадиган кадриятларга таҳдид сифатида қабул қилинади»[18].

Тажрибани узатиш тизимининг кофигурация моделини амалга оширувчи янги хусусияти – бу инсоният тажрибасини ўзлаштириш бўйича фаолиятга киритилган субъектив тажриба структурасидаги унга тегишли компонентларнинг солиштирма ҳажмини кўпайтиришдир. Белгиланган социомаданий намуналардан ташқари, бу - ҳар бир бола шахсининг бетакрор ўзига хослиги билан боғлиқ бўлган индивидуал тажрибанинг таркибий мазмунидир. Унинг ўзлаштирган билими бу ҳолатда атроф дунёга шахсий муносабат даражасини мустахкамлайди, унинг томонидан муҳим жиҳат сифатида ўзлаштирилади. Бир пайтнинг ўзида кофигуратив маданият таълим жараёнларидан боланинг яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ёлғон, олижаноблик ва тубанлик тўғрисидаги ўз тушунчаларини акс эттирувчи шахсий маъноларини, идеалларини, кадриятларини таълим жараёнларидан бартараф этиб, мазкур тенденциянинг ривожланиши доирасини аниқ белгилайди. Пировардида дунёни англаш у ёки бу даражада социал кўрсатмалар томонидан белгилаб берилган субъектив тажриба компонентларига асосланган бўлиб чиқади. Ҳозирги давр жамиятида субъектив тажрибанинг вазифалари ва мазмуни, префигуратив маданият унсурларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда, жиддий ўзгаришга учрамоқда. Гап кофигурация босқичида вужудга келган ва тамаддуний тажрибани узатиш жараёнида эгасининг индивидуал характеристикаларини акс эттирувчи субъектив тажриба соҳаси мазмуни ва вазифаларининг кенгайиши ҳақида бормоқда.

М. Миднинг таъкидлашича, XX асрнинг 40–60 йилларидан кейин дунё “мутлақо янги, глобал ва ялпи хусусият”га эга бўлган “авлодлар ўртасидаги алоқанинг ортга қайтмас узилиши” муаммоси билан илк бор тўқнаш келди. Ҳозирги вақтда дунёда бир пайтнинг ўзида икки формация, иккитамаддуний тип, “ики тўлқин” бирга яшамокда, ўзаро рақобат қилмоқда ва тўнашмоқда[19], бир томондан, индустриал жамият, иккинчи томондан, постиндустриал ахборотлашган жамият. Турли мамлакатлар тараққиётнинг турли босқичида турибди, бироқ “айрим мамлакатлар ҳали тўлиқ индустриал ёки индустриялашмаган ҳолатда қолган, бошқалари эса тўлиқ постиндустриал босқичга ўтган, деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Албатта, у ёки бу мамлакатга нисбатан, унда бугунги кунда қайси тип устувор бўлаётгани ҳақидагапириш мумкин, бироқ мазкур тамаддуний типларнинг ўзаро муносабатлари инфратузилма характерга эга бўлиб, у бутун инсониятнинг ҳаётини, ҳар бир алоҳида олинган мамлакатнинг ижтимоий ҳаётини ва ҳар бир одамнинг ҳаётини, унинг ҳиссиёлари, кадриятлари ва ҳаётини интилишларини ичдан қамраб олган»[20].

Ю.И. Калиновский[21], ҳозирги замон Россия жамиятининг ривожланишини таҳлил этар экан, Россиядаги турли регионлар ривожланишидаги кўлами ва нотекислиги ҳисобига унда бир пайтнинг ўзида уч типдаги тамаддун мавжудлигини қайд этади: анъанаивий жамият (қишлоқ ҳудудлари), техноген ёки индустриал жамият (саноат шаҳарлари) ва постиндустриал ахборотлашган жамият (йирик шаҳарлар). Бироқ бу Россия “ергашадиган” мамлакатлигича қолиши керак дегани эмас, бу шароитда нафақат инсон ва жамиятнинг долзарб эҳтиёжларини, балки перспектив, узоқ муддатли талабларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ривожланиш йўллари излаш алоҳида аҳамият касб этади. Тамаддун тараққиётининг тарихи ахборотни ишлаш соҳасидаги туб ўзгаришлар туфайли ижтимоий муносабатларнинг қайта қурилиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу туб ўзгаришларни ахборот инқилоблари деб аташади. Биринчи инқилоб ёзувнинг ихтиро қилиниши билан боғлиқ бўлиб, улкан сифатий ва миқдорий ўзгаришга олиб келди. Билимларни авлоддан авлодга узатиш имконияти пайдо бўлди.

Иккинчиси (XVI аср ўрталари) китоб босиш ускунасининг кашф этилиши оқибатида содир бўлди ва индустриал жамиятни, маданиятни, фаолиятни ташкил этиш тартиботини тубдан ўзгартирди. Учинчиси (XIX аср охири) электрнинг ихтиро қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида ахборотни исталган ҳажмда тезкор узатиш ва тўплаш имкониятини берадиган телеграф, телефон, радио пайдо бўлди. Тўртинчиси (XX асрнинг 70-нчи йиллари) микропроцессор технологиясининг кашф этилиши ва шахсий компьютернинг пайдо бўлиши билан боғлиқ[22].

Префигуратив маданият ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг хусусиятларини акс эттирадики, унда келажак билан муносабат тубдан ўзгармоқда. «Бугунги кунда барча халқлар электрон коммуникатив тўр билан боғланган дунёнинг барча томонларида ёшларда умумий тажриба, катта ёшдагиларда ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайдиган тажриба вужудга келди. Ва аксинча, катта авлод ёш авлод ҳаётида ўзининг бир-бирини алмаштириб келган ўзгаришларнинг бетакрор тажрибасини ҳеч қачон кўрмайди». Аёнки, префигуратив маданият бутун таълим тизимининг мазмуни ва ташкилий шакллари тубдан ўзгартиришни талаб қилади. «...Болалар бугун келажак қаршисида туришибди, бироқ у шу даражада номаълумки, уни биз бугун бошқаришга ҳаракат қилганимиздек, бошқариб бўлмайди»[23]. Замоनावий жамиятда бизнинг фикримизча, унда уч маданиятнинг барча унсурлари мавжуд. Бу эса ҳозирги жамиятнинг ўзига хослигини белгилайди ва унинг вакиллари ўртасидаги оғир муносабатларнинг янада кескинлаштиради. Бугунги жамият учун учта ва хатто тўртта авлоднинг борлиги хосдир (болалар, ота-оналар, бува-бувилар, ундан олдинги авлод). Катта авлод одат бўйича ўзининг аввалги авлодлар билан мулоқоти тажрибасидан келиб чиқиб, ўз бой тажрибасини ёшларга узатишга ҳаракат қилади. Аммо сўнгги йилларда мамлакатимизда ва бутун дунёда содир бўлган туб ўзгаришлар (глобаллашув, компьютерлашув, жамиятнинг ахборотлашуви ва ҳ.к.) бу тажрибанинг амалда ҳам, аслида ҳам бутунлай кераксиз бўлиб қолишига ва ёшларнинг оталар ва боболар авлодидан жиддий узоқлашишига сабаб бўлди.

### ХУЛОСА

Бугунги одамларнинг тарқоқлиги ва муросасизлиги вазиятида авлодлараро муносабатларнинг тикланиши замоनावий жамиятнинг барқарорлигини таъминловчи омил бўлиши мумкин. Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида авлодлар алмашинуви жараёнларини ўрганар эканмиз “Авлодлараро ворисийлик” тушунчасининг асосий жиҳатларини фанлараро дискурс доирасида таҳлил этишга эришилди.

Авлодлараро ворисийликнинг маданий трансмиссия (маданиятни узатиш) жараёни сифатидаги моҳияти ва механизмлари очиб берилди. Социумдаги авлодлараро ворисийликнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида жамиятда ҳозирги замон социомаданий ривожланиш босқичида мавжуд авлодлараро ворисийликдаги зиддиятлар аниқланди. Социологиядаги авлодий ёндошув ижтимоий вазиятда бир пайтнинг ўзида бирга мавжуд бўладиган уч ҳаётий ўлчовнинг таҳлил қилинишини назарда тутаяди: ёшлар авлоди, вояга етган (ўрта ёшли) одамлар авлоди ва кексалар авлоди. Турлича уч вақтнинг мавжудлиги олға қараб ҳаракат, ривожланишни намоён этади. Авлодлараро муносабатларнинг социомаданий муҳити ё авлодлар ўртасидаги масофани қисқартиради ёки инқироз томон етаклайдиган оммавий узоқлашишга олиб келади. Ҳозирги замонда авлодлараро ворисийлик жараёнининг ўзига хослиги, биринчидан, бу жараён нафақат авлодлар алмашинуви, балки сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тартиботларнинг алмашинуви шароитида кечаётгани билан белгилан.

Шундай қилиб, қадимги давр файласуфларининг асарларида ўз аксини топган авлодлараро муносабатларнинг методологик ва назарий муаммолари минг йиллар давомида ривожлантирилиб ва янги илмий мазмун билан бойитилиб келинган ва ҳозирги давр олимларини ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда. Бизнинг вазифамиз эса илм-фанда ишлаб чиқилган дастлабки назарий-методологик қоидаларга таянган ҳолда ва замоनावий социомаданий контекстнинг таҳлилини ҳисобга олиб, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятида авлодлараро муносабатларнинг концептуал психологик моделини ишлаб чиқишдан иборат.

## Адабиётлар рўйхати


1. С. 7. 2.Гегель, Г. Философия природы / Г. Гегель. – Соч. : М.-Л., 1934. – Т.2. – С. 507.
2. Кондратова, Г.А. Человеческое измерение истории / Г.А. Кондратова. – Архангельск, 2007. – 310 с.
3. Платон. Государство собр. соч., кн.8. / Платон. – М., 1971. – С. 545.
4. Кондратова, Г.А. Человеческое измерение истории / Г.А. Кондратова. – Архангельск, 2007. – 310 с.
5. Платон. Государство собр. соч., кн.8. / Платон. – М., 1971. – С. 545.
6. С. 7. 2.Гегель, Г. Философия природы / Г. Гегель. – Соч. : М.-Л., 1934. – Т.2. – С. 507.
7. Каган, М.С. О структуре современного антропологического знания / М.С. Каган // Сб. : Очерки социальной антропологии. – СПб. : Петрополис, 1995. – С. 37.
8. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М.: «Полит. лит-ра», 1992. – С. 297-302.
9. С. Каланова. Жамиятда авлодлар алмашинуви жараёнларининг социологик таҳлили.– Т.: “Fan va texnologiya”, 2018, 248 бет.
10. Сорокин, П. Общая социология // Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество / Общ. ред., сост. и предисл. Ю.А. Согомонов. – М. : Политиздат, 1992. – С.31.
11. С.Каланова. Жамиятда авлодлар алмашинуви жараёнларининг социологик таҳлили.– Т.: “Fan va texnologiya”, 2018, 248 бет.
12. Суханов, А.П. Информация и прогресс / А.П. Суханов. – Новосибирск: Наука, 1988.
- 15.Тоффлер, А. Футурошок / А. Тоффлер. – СПб. : Лань, 1997. – 464 с.
13. Гуссерль Э. Идеи к чистой феноменологии и феноменологической философии. Т. 1. [3] (недоступная ссылка с 12-05-2013 [2958 дней]) — М.: ДИК, 1999. 2-е изд.: пер. с нем. А. В. Михайлова, вступ. ст. В. А. Куренного. — М.: Академический проект, 2009.
14. Хайдеггер, М. Бытие и время / М. Хайдеггер; пер. В.В. Бибихина. – М., 1997. – 451с.
15. Held, K. Heimwelt, Fremdwelt, die eine Welt // Phänomenologische Forschungen / Hrsg. E.W.Orth. – Freiburg / München 1991. – Bd. 24/25 (Perspektiven und Probleme der Husserlschen Phänomenologie). – S. 316.
16. Held, K. Heimwelt, Fremdwelt, die eine Welt // Phänomenologische Forschungen / Hrsg. E.W.Orth. – Freiburg / München 1991. – Bd. 24/25 (Perspektiven und Probleme der Husserlschen Phänomenologie). – S. 316.
17. Мид, М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями / М. Мид // Культура и мир детства. Избр. произв. / Пер. с англ. – М., 1988. – С. 359.
18. Семенова В.В. Современные концептуальные и эмпирические подходы к понятию «поколение» // Россия реформирующаяся: Ежегодник - 2003 / Отв. ред. Л.М. Дробижева. М.: Институт социологии РАН, 2003. С. 213-237. [электронный ресурс].
19. Мид, М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями / М. Мид // Культура и мир детства. Избр. произв. / Пер. с англ. – М., 1988. – С. 359.
20. Ключевский, В.О. Русская история : полный курс лекций / В. О. Ключевский. – М. : Мысль, 1987. – Т.1. – С. 42.
21. Калиновский, Ю.И. Философия образовательной политики / Ю.И. Калиновский. – М., 2000.
22. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М.: «Полит. лит-ра», 1992. – С. 297-302.
23. Суханов, А.П. Информация и прогресс / А.П. Суханов. – Новосибирск: Наука, 1988.
- 15.Тоффлер, А. Футурошок / А. Тоффлер. – СПб. : Лань, 1997. – 464 с.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Махкамов Қодиржон Одилжонович  
фалсафа доктори (PhD), доцент  
Наманган давлат университети  
e-mail: maxkamov\_82@mail.ru

## ТАРИХИЙ ОНГ: МИЛЛИЙ ИЖТИМОЙ ХОТИРАНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

**For citation:** Qodir O. Makhamov. HISTORICAL CONSCIOUSNESS: AS THE BASIS OF NATIONAL SOCIAL MEMORY. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp. 158-166

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-17>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада миллий ижтимоий хотиранинг ривожлантиришда тарихий онг, тарихий хотиранинг асос бўлиб хизмат қилиши, унинг жамият маънавий ҳаётидаги роли ва у орқали вужудга келадиган миллий ижтимоий хотиранинг шаклланиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, тарихий онг ва тарихий хотиранинг шаклланишига асосий туртки берувчи социал омиллар, ёш авлоднинг ижтимоийлашуви жараёнларининг бугунги аҳоли ва шу асосда шаклланган ижтимоий хотиранинг бугунги ҳолати очиб берилган. Тарихий онг ва тарихий хотиранинг ўтмишни ҳар томонлама назарий тушуниш негизида, тарихий ривожланиш тамойилларини аниқлаш даражасида шаклланиб бориши таҳлил қилинган. Тарих ҳамда бошқа фанлар томонидан ўтмиш тўғрисида тўпланган билимлар, умумлаштирилган тарихий тажриба асосида илмий дунёқарашнинг шаклланиши ҳамда ривожлангани, у кишилиқ жамиятини ривожлантирувчи кучи эканлиги, уни даврлаштириш, тарих мазмуни, ижтимоий ривожланиш типологияси, моделлари тўғрисида озми-кўпми аниқ тасаввур ҳосил қилишга имкон бериши кўриб чиқилган

**Калит сўзлар:** тарих, ватан, тарихий онг, дунёқараш, хотира, глобаллашув, кадрият, ватанпарварлик, таълим, ижтимоий хотира.

Махкамов Кодир Одилжонович  
доктор философии ( PhD)  
Наманганский государственный университет  
e-mail: maxkamov\_82@mail.ru

## ИСТОРИЧЕСКОЕ СОЗНАНИЕ: КАК ОСНОВА НАЦИОНАЛЬНОЙ СОЦИАЛЬНОЙ ПАМЯТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается историческое сознание в развитии национальной социальной памяти, роль исторической памяти как основы, ее роль в духовной жизни общества и формирование через нее национальной социальной памяти. Также описаны основные социальные факторы, способствующие формированию исторического сознания и

исторической памяти, текущее состояние процессов социализации подрастающего поколения и текущее состояние социальной памяти, сформированной на этой основе. Историческое сознание и историческая память формируются на основе всестороннего теоретического осмысления прошлого, на уровне определения принципов исторического развития. Накопленные историей и другими дисциплинами знания о прошлом, формирование и развитие научного мировоззрения на основе обобщенного исторического опыта позволяют сформировать более или менее четкое представление о его хронологии, содержании истории, типологии. общественного развития, модели.

В то же время современное отношение к отечественной истории в системе национальных ценностей страны, отношение одних стран к изучению национальной истории другой страны, исключение слепого подражания прошлому наследию и традициям, прошлому Проблемы будущего опыта, формы производства, нормы образа жизни, социальные вопросы были проанализированы с учетом возможностей, потребностей и требований периода.

**Ключевые слова:** история, родина, историческое сознание, мировоззрение, память, глобализация, ценности, патриотизм, образование, социальная память.

---

**Qodir O. Makhamov**  
Doctor of Philosophy (PhD)  
Namangan State University  
e-mail: maxkamov\_82@mail.ru

## HISTORICAL CONSCIOUSNESS: AS THE BASIS OF NATIONAL SOCIAL MEMORY

### ANNOTATION

The article examines historical consciousness in the development of national social memory, the role of historical memory as a basis, its role in the spiritual life of society and the formation of national social memory through it. It also describes the main social factors that contribute to the formation of historical consciousness and historical memory, the current state of the processes of socialization of the younger generation and the current state of social memory formed on this basis. Historical consciousness and historical memory are formed on the basis of a comprehensive theoretical understanding of the past, at the level of defining the principles of historical development. The knowledge about the past accumulated by history and other disciplines, the formation and development of a scientific worldview on the basis of generalized historical experience make it possible to form a more or less clear idea of its chronology, the content of history, and typology. social development, model.

At the same time, the modern attitude to national history in the system of national values of the country, the attitude of some countries to the study of the national history of another country, the exclusion of blind imitation of the past heritage and traditions, the past Problems of future experience, forms of production, norms of lifestyle, social issues were analyzed with taking into account the opportunities, needs and requirements of the period.

**Keywords:** history, homeland, historical consciousness, worldview, memory, globalization, values, patriotism, education, social memory.

---

### КИРИШ

Ўтмишни қоралашга, камситиш ва сохталаштиришга қаршилиқ уни идеаллаштиришга ҳам олиб келмаслиги керак. Бундай ҳол ҳам миллий онг ўсишидаги бирёқламалиқни кўрсатади. Тарихни, миллий маданиятни ва миллий хусусиятларни идеаллаштириш ҳаёт ҳақиқатидан узоқлашишдир. Тарихни идеаллаштириш илмий ҳақиқатни излаш йулидаги бирёқламалиқнинг иккинчи томонидир.

Миллий уйғониш жараёни тезлашаётган ҳозирги кунларда бундай ҳолларнинг кучайишига йўл қўйиб бўлмайди. Айрим зиёлилар баъзи ҳолларда тарихий воқеаларни ёритишда, шахслар фаолияти ва меросига баҳо беришда, миллий ва диний анъаналар, расм-

русмлар, урф-одатларни баҳолашда бўрттиришларга йўл қўяётганликларини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Бу ҳаракатлар ўткинчи бўлса ҳам, тараққиётнинг масъулиятли даврларида ёшларнинг ижтимоий, тарихий ва миллий онги, тарихий хотираси, дунёқараши нотўғри шаклланишига олиб келади.

Тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ўтмиш сабоқларини тўғри англаш билан бирга, келажакни ҳам кўра билишнинг маънавий замини бўлади[1, - С. 53- 56]. Тафаккури, салоҳияти кучли бўлган инсон ўз келажакига комил ишонч билан қарайди. Етук миллий онг тарихий онг ва тарихий хотира билан бирликда ўтмиш мероси ва анъналарига кўр-кўрона тақлид қилишни истисно этади. Истиқбол муаммоларига ўтмишдаги тажриба, ишлаб чиқариш шакллари, турмуш тарзи, ахлоқ-одоб нормаларинигина эмас, балки ҳозирги давр имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб ёндашмоқ керак.

Тараққиёт йўлидан олға қараб борар эканмиз, бу шароитда фақат ўз ўтмишимизгагина боқмай, бошқа ривожланган мамлакатлар ва халқлар орттирган ижобий сабоқлардан ҳам ўрнак олмоғимиз зарур. Ахлоқ, одоб борасидаги миллий меросимизга қанчалик меҳр, эътиқод билан қарамайлик, умуминсоний қадриятларни четлаб ўтиб, маънавий камолот чўққиларига чиқа олмаймиз. Бу борадаги миллий қадриятларимиз маънавиятимизнинг асоси бўлса ҳам, ҳозирги давр талабларига мос келадиган билимли, ишбилармон, юксак ахлоқ ва одобли шахсни тарбиялаш учун етарли бўлмайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги тарихий тажриба тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Бу борада ҳам ўтмиш тажрибасини идеаллаштириш, уни миллий истиқболнинг ягона йўли деб қараш хатодир. Ўзбеклар ўтмишда миришкор деҳқон, мохир хунарманд ва тижоратчи бўлгани ҳаммага маълум. Лекин ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётимизнинг истиқболига ёндашишнинг давр тақозоси билан белгиланган янги мезонлари ҳам борлигини унутиб бўлмайди.

Мустақил тараққиётимизнинг бош омили ҳозирги замон фани ва техникаси ютуқларини тўла эгаллаш, ривожлантириш, ҳаётга татбиқ қилишдир. Бу йўл тўғрилигини ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳам исботламоқда. Ўзбекистон учун малакали, билимли ишчилар, муҳандислар, бошқа мутахассислар, фан ва техникани ривожлантиришга кодир бўлган олимлар керак. Буларсиз Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш мушкул. Давр руҳига мос миллий ўзлигини англаш бу муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

“Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб турган. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин”[2, –Б.54].

“Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5–7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради”[2, –Б.54].

Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши – буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради.

“Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади. Унинг ота-



онасига, бобо ва момоларига меҳри ва ҳурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради.”

Лекин оғир ларзали вазиятлар ва ижтимоий ҳаётда юз берадиган кескин ўзгаришлар таъсири остида шахс акселижтимоийлашув даврларини ҳам бошдан кечириши мумкин. Бу кўпроқ кишиларнинг ва айниқса, жамиятнинг энг нозик қисми - ёшларнинг тарихий онги ва тарихий хотираси билан боғлиқдир. Кўришиб турганидек, сабаблар етарлича ишончли, лозим даражада аниқ-равшан ва муайян маънода, олижаноб ҳамдир, чунки кишиларнинг ўз мамлакатининг тўла маънодаги фуқароси бўлиш эҳтиёжига хизмат қилади. Бунда идентификация (ўз мамлакати, халқи билан бир бўлиш) сабаблари ҳамда объектив билимларга интилиш ҳам бор, чунки бу ҳозирги кунни яхши тушуниш имконини беради, тўғри қарорлар қабул қилишда кўмаклашади. Аҳоли тарихни билмасдан туриб маданиятли инсон бўлиш мумкин эмаслигини тушунгани ҳолда, тарихий билимларни фарзандларни тарбиялаш воситаси деб ҳисоблайди. Одамларнинг ижтимоий бирлиги тарихий онг ва тарихий хотира шарофати билан, ўз ўтмишини билиш асосида, ўзининг жаҳон тарихий жараёнидаги ўрнини билиш асосида ўзини муштарак бирлик сифатида англайди.

Натижада тарих ижтимоий онг билан узвий қовушиб кетади. Унинг мажмуа ҳолида жамият онгини (қарашлари, ғоялари, сиёсий ва ҳуқуқий онги, тарихий онги, хотираси, ахлоқи, дини, санъати, фанини) ташкил қилувчи барча элементлари ўз тарихига эга. Уларни ҳар бир ҳодисани келиб чиққан конкрет шароит ва вазиятлар, ривожланиш шароити нуқтаи назаридан қараб чиқувчи тарихий ёндашув асосидагина тушуниш ва билиш мумкин. Худди шунинг учун ҳам ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммолари бўйича мунозараларда доимо ўтмишга мурожаат қилинади. Замонавий ижтимоий назариялар ҳамда мафкуравий тизимлар ўтмишни баҳолаш негизида ишлаб чиқилади. Ўтмиш билан ҳозирги замоннинг узлуксиз алоқаси ва ворисийлиги шу тариқа ҳосил бўлади.

Тарихий онг ва тарихий хотира ўтмишни ҳар томонлама назарий тушуниш негизида, тарихий ривожланиш тамойилларини аниқлаш даражасида шаклланиб, ривожланади. Тарих ҳамда бошқа фанлар томонидан ўтмиш тўғрисида тўпланган билимлар, умумлаштирилган тарихий тажриба асосида илмий дунёқараш шаклланади ҳамда ривожланади, табиат ҳамда кишилик жамиятини ривожлантирувчи кучлар, уни даврлаштириш, тарих мазмуни, ижтимоий ривожланиш типологияси, моделлари тўғрисида озми-кўпми аниқ тасаввур ҳосил қилишга уринилади.

Тарихий онг ва тарихий хотиранинг ушбу даражасида инсоният ўтмишини ҳам конкрет тарихий, ҳам назарий даражадаги бутун зиддиятлари ҳамда мураккабликлари билан изоҳлашга уринилмоқда. Тарихий онг ва тарихий хотирани назарий даражада шакллантириш ҳамда ривожлантириш тарихий категориялар ёрдамида фикрлашга, тарихий жараёни динамикада, хронологик изчилликда ва замон нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқликда тушунишга кўмаклашади. Бу даражадаги тарихий онг билан фанлар тизими, биринчи навбатда, тарих фани шуғулланади. Жамият тарихи бўйича мунтазам илмий билимларни ўз ичига олган тарих фани ижтимоий тараққиётнинг етакчи тамойилларини аниқлаши, айрим прогнозларни таърифлаб бериши мумкин.

Тарихий онгни илмий асосда шакллантириш жуда жиддий ва анча мураккаб иш ҳисобланади. Одамларда, айниқса ёшларда дунёқарашнинг шаклланиши жамиятда ҳукмрон (ёки устувор) бўлган мафкура ҳамда унга муайян тарзда муҳолифатда турадиган жамоатчилик фикри, кундалик онг даражаси таъсири остида шаклланади ва мустаҳкамланади.

Тарих фалсафаси доимо тарихий онг билан ўзаро бир-бирини тақозо этувчи шароитда бўлиб келган. Тарих фалсафаси тарихий онг контекстидан ташқарида мавжуд бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Айни маҳалда, тарихни фалсафий тушуниш тарихий онгга ва тегишлича, ижтимоий-тарихий ҳаётга кўп жиҳатдан шакллантирувчи таъсир кўрсатиб келган. Тарих географик, моддий, маънавий ва бошқа омиллар бирикиб кетган мураккаб жараёндир. Кишилар учун тарих улар ҳаётининг илдизи яширинган хотиротдир.

Онг муаммоси ва унинг тарихий таркиби тарих фалсафасида ривожлантирилди. Зеро тарих фалсафаси тарихни "фикрлаб кўриб чиқишдан бошқа нарсани билдирмайди".

**Тарихий қараш** тарихнинг инсон томонидан тушунилиши юзага келадиган соҳани яратади. Киши тарихни қандай фикрлашидан келиб чиқиб инсон имкониятлари чегараси белгиланади, нарсалар мазмуни очилади. Тарихий билиш лоқайд мазмун эмас, ҳаёт онидир. Ўтмишга турлича муносабатда бўлиш мумкин, лекин тарихий маълумотлар ҳар қандай ҳолатда ҳам тарихий бўлмаган нарсадек жипс, балки ҳар қандай киши ҳаётида бевосита мавжуд бўлиб турган нарсадек қабул қилинади.

Тарих фалсафаси қарор топиши учун бир нечта шартга риоя этиш талаб қилинади:

**Биринчидан**, ижтимоий ҳаёт жўшқин, ҳаракатчан, ўзгарувчан бўлиши даркор.

**Иккинчидан**, тарихий онг ҳаракатчан ва сифат жиҳатидан ўзгарувчан ижтимоий ҳаётнинг муайян рефлексии сифатида шаклланиши лозим.

**Учинчидан**, тарихни фалсафий мавзулаштириш ҳамда тушуниш учун маънавий ва интеллектуал ресурсга эга фалсафа мавжуд бўлиши зарур.

Ҳозирги пайтга келиб "онг" категориясининг, унинг моҳиятининг, келиб чиқишининг ва эволюциясининг умумэтироф этилган ягона таърифи йўқ. Лекин бу жараёнлар тўғрисида кўпдан-кўп фаразлар, назариялар, концепциялар ҳамда тегишли тушунчаларнинг таърифлари мавжуд[3, – С.125- 136].

Ҳозирги мавжуд илмий адабиётларда онг категориясига қуйидагича таърифлар берилган:

"Онг инсоннинг фикр ва ҳислари, сезгилари, тасаввурлари, ирода ва қарашларидан ташкил топган"[4, –Б. 704].

"Онг инъикоснинг олий шаклидир"[5, – Б.203].

"Онг фалсафанинг ҳажман ўта кенг ва чуқур категорияси бўлиб, субъектив реалликни, ташқи оламнинг инсон, унинг мияси ва психикасида идеал даражада инъикос этишини, инсоннинг маънавий дунёсини, унинг оламдаги ўз борлигини англаб ҳис қилишини, ташқи оламга муносабатини белгилаб беради"[6, – С.190].

"Онг фақат инсонга хос бўлган ташқи оламни инъикос эттиришнинг олий шакли (усули)дир"[7, – С.110].

Шундай қилиб, онг тушунчасининг мазмунига тадқиқотчилар томонидан берилган таърифларни умумлаштириб, онг категориясини, бизнингча, қуйидагича таърифлаш мумкин: онг – объектив реалликни идеал равишда инъикос эттириш ва акс эттиришнинг олий шакли, объектив оламнинг субъектив образи, ҳиссий ва ақлий образлар йиғиндиси. Атроф олам тўғрисида хилма-хил илмий ва ноилмий ахборотни ўз ичига олувчи билимлар эса онгнинг мағзини ташкил қилади.

Ижтимоий онг – объектив воқеаликни акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, ижтимоий туйғулар, одатлар ва ахлоқнинг йиғиндисидан иборат. Ижтимоий онг синфга, ижтимоий гуруҳга, халқ, миллат ва элатга мансуб бўлган алоҳида гуруҳлар онгидир.

Бундан ташқари ижтимоий онг шаклларига сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий, маънавий ва миллий онг киради. Ижтимоий онг шакллариининг бундай хилма-хиллиги, уларнинг асоси ва вужудга келтирувчи борлиқнинг кўп томонлама ва серқирралигидир. Ижтимоий онг шакллари ижтимоий муносабатлар негизида ва жараёнида вужудга келади ҳамда ривожланади. Чунончи, сиёсий онг – “сиёсий гуруҳлар, давлатлар, халқлар, миллатлар ва элатларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган сиёсий муносабатларини акс эттирувчи сиёсий тасаввур ва тушунчалар, ғоялар ва қарашлардан умумлашган тизими”[8, – Б.204] ҳисобланса, ҳуқуқий онг – ҳуқуқий муносабатларни кишилар ўртасида тартибга солувчи онг шаклидир.

Ижтимоий онгнинг шаклланишида диний онг ҳам муҳим роль ўйнайди. Боиси, диний онг дастлаб инсон дунёни англай бошлагандан бери минг йиллар давомида мавжуд бўлиб келган. Шунинг учун жамиятда кишиларнинг диний қарашлари, ишонувчанлиги, динга нисбатан мойиллиги кучли ҳисобланади. Диний онгнинг дунёқараш функцияси муҳим бўлиб, диний дунёқараш “инсон, табиат ва жамиятнинг пайдо бўлиши, тузилиши ва келажаги тўғрисидаги ғайритабиий қарашлар ва тасаввурлар мажмуи”[9, – Б.96] ҳисобланади.

Аврелий Августиннинг қарашларида худо “билишнинг сабабчиси” ҳамда “энг олий даражадаги фаровонликдир ва ҳамма эзгуликларнинг сабабчиси”[10, – Б.218] деб таъкидланади.

Юқорида келтирилган ижтимоий онг шакллари жамият тараққиётида муҳим ҳисобланса-да, уларнинг замирида миллий онг ва тарихий онг асосий омил вазифасини бажаради.

Маълумки, онг конкрет кишининг онги сифатида **индивидуал онг** ва конкрет жамият онги сифатида **ижтимоий онг** бўлади. Бу жиҳатдан ҳозирги адабиётларда ижтимоий онг категориясининг илмий асосланган таърифлари мавжуд: "ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир"[5, – Б.218].

"Ижтимоий онг - конкрет тарихий даврдаги ижтимоий борликни инъикос эттирадиган ижтимоий кайфиятлар, кечинмалар, туйғулар, ҳиссиётлар, ғоялар, қарашлар, фаразлар ва назариялар мажмуидир"[11, – С.41].

"Ижтимоий онг ижтимоий борлиқ натижасида тақозо этиладиган ва асосан унинг инъикоси, маънавий тақрори бўлган ижтимоий реалликни белгилаш учун категория сифатида таърифланади"[12, – С.216].

Ижтимоий онг мазмунининг юқорида баён этилган таърифларини умумлаштириб, уни қуйидагича таърифлаш мумкин: ижтимоий онг – ижтимоий борликнинг маънавий инъикоси сифатида ижтимоий туйғулар, ҳиссиёт, фаразлар, назариялар, кайфиятлар, ғоялар ва қарашлар, одатлар ва анъаналар тизимидир.

Ижтимоий ҳаёт ранг-баранг, хилма-хил бўлгани учун ижтимоий онг ҳам тегишлича турли шакллarga бўлинади. Булар: иқтисодий онг, сиёсий онг, ҳуқуқий онг, ахлоқий онг, эстетик онг, экологик онг бўлиб, биз яна тарихий онгни, онгнинг элементи сифатида, шу жумладан тарихий онгнинг муҳим элементи сифатида тарихий хотирани ҳам бунга қўшмоқдамиз. Ижтимоий онгнинг барча шакллари ўзаро боғлиқ, ўзаро муносабатда, ўзаро бирикади ва бир-бирини ўзаро тўлдиради.

Ижтимоий онг шакллари бўлган тарихий онг ва тарихий хотира мазмунан бир-бирига мос келмайди: тарихий онг тарихий хотирага қараганда анча кенг тушунча. Хотира тизим ҳисобланадиган "онг" тушунчасида муҳим, марказий элементлардан бири бўлиб, "тарихий онг" тушунчасида муҳим марказий элемент ҳисобланади;

Ушбу тавсифда (қаранг: Жўраев. Тарихий онг...) икки тушунчанинг ўзаро нисбати очиб беришга ҳаракат қилинган бўлса-да, аммо оригинал рус тилида бўлгани учун, бир таъриф икки марта қайтарилган, натижада тарихий хотира тарихий онгнинг марказий элементими ёки марказий элементларидан бирими – ноаниқ қолган.

Шундай қилиб, тарихий жараённинг маънавий жиҳатини ташкил қилувчи ижтимоий онг элементи бўлмиш тарихий билимни тизимли тарзда, унинг барча босқичлари ҳамда даражаларида қабул қилиш зарур, чунки тизимли ёндашувсиз тарихий онг ҳақидаги тасаввурлар тўлиқ бўлмайди.

“Тарихий онг жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ва бутун инсоният ўтмиши тўғрисидаги тасаввурлари мажмуидир” деган таъриф тарихий онг тушунчаси мазмунини ўта торайтириб, фақат руҳий жараёнларнинг сезиш, идрок, хаёл, хотира, тафаккур каби бир қанча шакллариининг биттаси сифатида талқин қилади. Бу эса, фикримизча, мантиқан нотўғридир.

“Тарихий хотира - конкрет фактларга муайян тарзда йўналтирилган, ўтмиш ҳақидаги ахборотнинг алоҳида аҳамияти ва долзарблигини ҳозирги замон ва келажак билан жипс алоқада акс эттирувчи онг. Образли қилиб айтганда, хотира – ижтимоий онгнинг барча шаклларидаги, шу жумладан тарихий онгдаги энг долзарб фактлар сақловхонаси; бундай таъриф оригиналда бироз ўзгача бўлгани аниқ, зеро рус тилидаги “хранилище” сўзи ўзбек тилига “сақловхона” деб таржима қилинмайди.

Тарихий хотирани ижтимоий онгнинг барча шаклларидаги “долзарб фактлар” омборхонаси деб талқин қилиш, фикримизча, ноаниқ ва тушунарсиз, зотан ҳар бир ижтимоий

онг шаклининг ўз тарихи (мас., фалсафа тарихи, дин тарихи, санъат тарихи ва ҳ.к.) борлиги аён, ammo тарихий хотира фақат ўтмиш, тарихни фалсафий идрок этиш ва ёдда сақлаш жабҳасига тааллуқли десак, хато бўлмас.

Манбаларда тарбиянинг ўнга яқин усуллари кўрсатиб ўтилган. Мисол учун: 1) ахлоқий тарбия ўқитиш жараёни билан қўшиб олиб бориш;

2) ахлоқий тарбия жараёни муваффақиятли ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг саволига боғлиқ. Бунинг учун жамоа аҳил ва иноқ, болалар интизомли бўлиши керак.

3) Тарбиявий ишларни режали бўлиши ва ҳамжихатлилиқ билан амалга оширилиши ахлоқий тарбияни мувоффақиятли таъминлайди ва ҳоказо..."[13, – Б.5].

Ахлоқий тарбия орқали ўқувчида маънавият ривожланади. Маънавият эса баркамол шахснинг шаклланишда муҳим роль ўйнайди. Шу тариқа ўқувчилар тарихий онги шаклланиб боради.

Тарихий онгни инсонда ривожлантириш мобайнида тарих фалсафаси ва тарихни фалсафий идрок этиш тарихий далил-манбаларни тўғридан-тўғри қабул қилишга таянмайди. Уларни тафаккур орқали таҳлил қилиб, жараёнлар ривожи, уларнинг моҳияти, мазмунини яхлит фалсафий манзарасини вужудга келтиради. Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний тарих фалсафасида сулолаларни уларнинг даврлари сиёсатидан келиб чиққан ҳолда англаш гоёсини илгари сурган эди.

Европада тарихни рационал ўрганиш, уни фалсафий идрок этиш XVIII асрда тарих фалсафасини муҳим йўналиши сифатида фалсафадан ажралиб чиқишига сабаб бўлди. "Тарих фалсафаси тушунчасини фанга Анри Франсуа Вольтер киритган деб ҳисобланади[14, – Б.279].

Тарих фалсафаси тараққиётига Гегель, Кант, Н.Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби, П.А.Сорокин., К.Поппер ва бошқа файласуфлар катта ҳисса қўшдилар[15, – Б.107].

Ясперс фикрича, "Тарих билим эмас, балки ҳиссиётлар, кечинмалардир. Тарих интуиция, мушоҳада маҳсулидир"[10, – Б.578]. У тарихий жараёнларни ҳис қилиш орқали англаш керак дейди. Зеро оламни англаш аввал ўз-ўзини англашдан бошланади.

Инсон улғайгани сари ижтимоийлаштиришнинг бошқа агентлари ҳам ишга тушади. Уларнинг юзага келиши ҳамда аҳамияти шахснинг хусусиятларига ва ижтимоийлаштириш шароитига боғлиқ бўлади. Истисносиз барча маданиятларда, гарчи бу пайтга келиб бирламчи ижтимоийлашув бўлиб ўтган ва иккиламчи ижтимоийлашувга қадам қўйилган бўлсада, меҳнат муҳим роль ўйнайди[16, - С. 36- 37].

Бизнинг жамиятда, кўрсатиб ўтилган ижтимоийлаштириш агентларидан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг маҳалла сингари муҳим омилини ҳам ажратиш кўрсатиш мумкин[17, - С. 11-12].

Тарихдан айрилиш – маданиятдан айрилишнинг ўзгинасидир. Ўтмиш тарих дунёдаги ҳар бир халқ ва миллат сингари ўзбеклар учун ҳам ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган асос, мустаҳкам замин, таянч илдиздир. Ана шу таянч нуқтага, миллий, маънавий пойдеворга суянсак, ўтмишдан куч-қувват, руҳий озиқ олсак, ривож топамиз, қадримизни тиклаб, етук халқ сифатида қаддимизни ростлаймиз.

Аслида миллийлик тушунчаси миллат тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида миллийликка ўзбек халқининг ўтмиши, унинг босиб ўтган шонли йўли, ўзига хос маданияти, тил бирлиги, урф-одат ва анъаналарга эгалиги, тарихан орттирган бой ҳаётий тажрибаси киради. Агар бугунгача миллий ўзлигини сақлаб келган ўзбек халқининг узоқ ўтмиш тарихига назар ташласак, унинг шаклланишида бир қанча этник гуруҳлар иштирок этганлигини кўраимиз.

Тарихий онгни шакллантириш тараққиётда ворислик принципини билишни, назарий ва амалий фаолиятда ундан фойдаланишни талаб этади. Ворислик ўтмиш билан бугунни, бугун билан келажакни боғлаб турувчи бўғин бўлиб, унинг натижасида инсоният тарихи бир-бирига боғланган занжирли халқани ташкил этади. Айни пайтда, ўтмиш бугунги кунни, бугунги кун эса келажакни белгилайди, деган иборани бир ёклама тушунмаслик керак. Чунки бугунги куннинг қандай эканлиги ўтмишни янада чуқурроқ англаш ва тушунишимизга ёрдам беради. Зотан, тарихий заминдан озиқ олган халқда ижтимоий идеаллар пайдо бўлади. Бундай идеаллар халқда миллий ғурур - миллий ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Инсоният, жамият вужудга келибдики, “Тарих ўзи нима?”, “Нима учун инсон ўз ўтмишини билишга интилади?”, “Нима учун аждодлар хотираси ва ўғитларини муқаддас билиб, унга ҳурмат билан қарайди?” деган саволлар одамларни ўйлантириб келади.

Тарихнинг фан сифатида тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантиришдаги улкан ролини эътироф қилган ҳолда, ушбу жараёнларга улуғ аждодимиз Амир Темурга муносиб буюк давлат барпо этишни амалда таъминлашга қодир бўлган, ватанпарварлик кайфиятидаги, уйғун ривожланган ёшларни тарбиялаши лозим бўлган бошқа гуманитар фанлар ҳам таъсир этишини ҳисобга олмоқ даркор[18, - С. 14-33].

Гуманитар фанлар учун миллий ғоянинг ўрни алоҳида бўлиб, у уйғун ривожланган шахсни янада фаол шакллантиришга, баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Бой маданий-тарихий меросимизни ҳисобга олмасдан, идрок этмасдан ва англамасдан туриб бу мақсадларга эришиб бўлмайди.

Тарихий онг, тарихий хотира, миллий онг миллатнинг обрўси, кадр-қимматини ҳам ҳимоя қила билишдир. Ўзбеклар, қарс икки қўлдан чиқади, деб бекорга айтмайдилар. Бошқа халқларнинг миллий хусусиятши, маданияти, тилини, манфаатларини ҳурмат қилар эканмиз, ўз миллатимизга ҳам шундай адолатли муносабатда бўлишни талаб қилишга ҳаққимиз бор. Аҳолининг айрим вакиллари орасида ўзбек тилини менсимаслик кайфияти ҳозир ҳам учраб туради. Айрим кишилар инглиз, француз, араб, хитой тилларини ўрганаётган бўлса ҳам, ўзбек тилини билишга иккинчи даражали вазифа деб қарамоқдалар. Бошқа тилларни ўрганиш маънавий камолот омили экан, нима учун ўзбек тили шу тушунча доирасига сиғмай қолди?

Ўзбекистон жаҳондаги барча ўзбекларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган, бирлаштирадиган, кадр-қимматини, обрў-эътиборини кўтарадиган ягона Ватандир. Шу ватанни унутиш, унинг манфаатларига хиёнат қилиш — ватанфурушлиқдир. Бизнинг миллий эътиқодимизга кўра, ватанфурушлик маънавий тубанликдир.

Ватанпарварлик оддий ҳис-туйғу эмас, балки юксак бурч ва масъулиятдир. Ватанни севаман, деб кўп гапирадиганлар эмас, балки унинг истиқболи, манфаати йўлида фидойиларча хизмат қиладиган кишилар ҳақиқий ватанпарвар бўладилар. Ватанпарварлик, биринчи навбатда, инсоннинг эл-юрт манфаати йўлидаги ҳалол меҳнатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Ўзбекистон жамиятининг энг биринчи вазифаси — “ёшларнинг онгига Ватанни севиш, умуминсоний ахлоқий-маънавий кадриятларни сингдириш, миллий ўзлигини англашиш, меҳр-шафқатли, виждонли, андишали қилиб тарбиялаш”[19, -Б. 80].

Ўзбекистон бизнинг яқкаю ягона Ватанимиз экан, унинг тақдири барчамизнинг ҳам тақдиримиздир. Шу Ватан тинч бўлса, биз ҳам тинч бўламиз, бой бўлса — бой бўламиз, ривожланса — барча орзу-умидларимиз ушалади. Ўзбекистонни ҳурмат қилувчилар кўп, лекин уни ҳеч ким ўзбеклар сингари севмайди, ҳеч ким Ватанимизнинг истиқболидан, юртда аҳиллик, барқарорлик ҳукм суришидан биз, ўзбекларчалик манфаатдор эмас. Ҳадисларда ҳам “Ватанни севмоқ иймондандир”, деган табаррук сўзлар айтилган. Демак, ватанпарварлик имон, эътиқод даражасига кўтарилган маънавий фазалатларнинг биридир. Ватанпарварлик туйғусининг миллий онг, тарихий онг тарихий хотира, дунёқараш тизимидаги ўрни, аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Бу асло инкор этиб бўлмайдиган маънавий эҳтиёждир. Ҳозир Ўзбекистонда халқимизнинг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мероси, миллий давлатчиликни ташкил этиш ва мустахкамлаш, ахлоқ, одоб борасидаги кадриятларни ўрганиш, ўзлаштириш, ривожлантириш учун қатъий ҳаракат бошланди.

### **ХУЛОСА**

Бўлиб ўтган воқеаларнинг конкрет шароит ва имкониятлар билан белгиланган моҳиятига таяниш ўтмишга тўғри баҳо беришнинг бош мезонидир. Бу муаммо таҳлилида ҳам тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг қай даражада ривожланганлиги яққол кўзга ташланади. Баъзан учраб турадиган миллий калондимоғлик ҳам етук тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онгнинг белгиси эмас. Тарихий ўтмишга, маданий меросга баҳо беришдаги бирёқламалик ҳозирги кунда ҳам юз бермоқда. Бу ҳам вақтинчалик эҳтирос ва ҳиссиётларнинг миллий онгга, тарихий онгга, тарихий хотирага таъсири борлиги билан белгиланади.

Ижтимоий тараққийётнинг мураккаб бурилиш даврларида баъзан эҳтирос ва ҳиссиётлар ақл-идрокдан устун келиб қолиши мумкин. Бу ҳам жамиятдаги тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ривожини ҳамда маънавий камолот даражасини курсаткичларидан биридир. Ҳар қандай шароитда ҳам тарихий жараёнлар моҳиятини баҳолашга босиқлик, ақл билан ёндашмоқ зарур. Халқимиз, “жаҳл чикқанда ақл кетади”, “жаҳлни ҳам ақл бошқарсин”, деб бекорга айтмаган. Одатда, халқ ижодиётида буюк кишилар жасорати ва қаҳрамонлиги, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасини куйланади. Тарихий хотира, тарихий онгнинг зарурий муҳим, айтиш мумкинки, марказий элементини, халқ маънавий ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил қилади ва шунингдек, унинг ўзини ўзи ифодалашини ҳамда миллий характер хусусиятлари намойиш бўлиши усулидир. Бунда ўз ўтмишини танлашга, уни қаҳрамонона мифлаштиришга мойиллик кўриниб туради. Ўтмишнинг аҳамияти ва унинг талқини ватанпарварлик, ўзининг ушбу бирликка мансублигидан фахрланиш туйғуси сингари фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилиши туфайли ушбу ҳол юз беради. Шунинг учун тарихий хотира кўпинча тарихий шахслар, ўтмиш етакчилари фаолиятини баҳолаш орқали шахсийлаштирилади, бирон-бир тарихий воқеа, даврлар, умуман ўз тарихи тўғрисида таассуротларни, мулоҳазаларни, фикрларни шакллантиради. Ф.Ницшенинг (1844-1900), жумладан, тарих бутун-бутун халқлар тақдирини ҳал этадиган ғайриинсонлар учрашадиган жой,[20, - С. 242] деган концепцияси тарихга бўрттириб ёндашишдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўхати.


1. Каюмов У.К. Роль национального самосознания в формировании жизненной позиции молодежи Узбекистана. // *Общественные науки в Узбекистане*. Ташкент, 2003. - № 6. - С. 53- 56.
2. Каримов. И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.54.
3. Қаранг: Юлина Н.С. Тайна сознания: альтернативные стратегии исследования. // *Вопросы философии*. - Москва, 2004. - № 10. С.125- 136.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 5. — Т.:ЎМЭ, 2003.-Б.704.
5. Фалсафа асослари. Т.:Ўзбекистон, 2005. - Б.203.
6. Саифназаров И., Касъшов Б., Мухтаров А. Философия. - Т.:Шарк, 2002. - С. 190.
7. Горбачев В.Г. Основы философии. - М.: Владос, 1998. — С. 110.
8. Фалсафа.- Т.: "Ўқитувчи". 2005. -Б.204.
9. Ислом справочник. - Т.: "Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси". 1989. -Б.96.
10. Ғарб фалсафаси. - Т.: "Шарк", 2004.-Б.218.
11. Каримов И. и др. Методические пособия по философской науке. - Т..ТГПУ им Низоми, 2005. - С. 41.
12. Краткий философский словарь. -М.: Проспект, 1998. - С. 216.
13. Наурнзбаева. А. Педагогика назарияси ва тарихи фанининг маърузалар матни.- Нукус. 2005. -Б.5.
14. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т.: "Ў.М.Э", 2004. 8- том. -Б. 279.
15. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Т.: Маънавият. 2008.-Б.107.
16. Сайтова Л., Файзуллаева С. К вопросу взаимосвязи культуры труда и духовного роста человека.// *Общественные науки в Узбекистане*.- Ташкент, 1997. - № 1- 2. - С. 36- 37.
17. Саидов А. Махалля - наш общий дом.// *Общественное мнение. Права человека*.- Ташкент,- 2003. №1.-С. 11-12.
18. Халилов Э.Х. Правосознание в структуре общественной жизни. - Т.:Ўзбекистон, 1997. - С. 14-33.
19. Ғайбуллаев О. Ёшлар онгига истиқлол ғоясини сингдиришнинг ижтимоий моҳияти ҳақида. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.- Тошкент, 2005. - № 1- 2. - Б.80.
20. Ницше Ф. По ту сторону добра и зла. // *Сочинение В 2х т.* - М.: 1990. Т. 2. - С. 242- 401.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Рашанова Гулҳаё Абдикахаровна  
ТИҚХММИ доктаранти  
gulinuuz@mail.ru

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИГА КЎМАКЛАШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ

**For citation:** Ravshanova Gulkhayo. THE ROLE OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN SUPPORTING WOMEN'S HIGHER EDUCATION. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp.167-173

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-18>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада хотин-қизларнинг олий таълим олишларига кўмаклашишнинг жамият тараққиётига таъсири, унда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли каби масалалар ёритилган. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги гендер тенглигини таъминлаш ва жамиятнинг турли соҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохатлар таҳлил қилинган. Хотин-қизларнинг барча соҳаларда ҳуқуқ ва эркинликларини кенг ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги фаолликлари ҳамда истеъдод ва салоҳиятларини намоён этишларига кўмаклашишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари самарали ижтимоий шериклигини таъминлаш масалалари ўрганилган. Хотин-қизларнинг олий таълим олишлари билан бирга оилавий ҳаётга тайёрлаш, хунар ўргатиш масалалари ечимига оид бир неча таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Гендер тенглик, оналик ва болалик, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, олий таълим, ижтимоий шериклик.

Рашанова Гулҳаё Абдикахаровна  
Доктарант ТИИИМСХ  
gulinuuz@mail.ru

## РОЛЬ УЧРЕЖДЕНИЙ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ПОДДЕРЖКЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ ЖЕНЩИН

### АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждается влияние расширения доступа женщин к высшему образованию на развитие общества, включая место и роль институтов гражданского общества. В последние годы проанализирован широкий спектр реформ, направленных на обеспечение гендерного равенства в нашей стране и повышение участия женщин в различных сферах жизни общества. Государственные органы, неправительственные организации, общественные объединения и другие институты гражданского общества эффективно участвуют в реализации

государственной политики, направленной на защиту прав и свобод женщин во всех сферах, обеспечение их законных интересов, продвижение их активности в семье и обществе, а также их таланты и потенциал. Наряду с высшим образованием женщин разработан ряд предложений по решению вопросов подготовки к семейной жизни, профессионального обучения.

**Ключевые слова:** гендерное равенство, материнство и детство, институты гражданского общества, неправительственные организации, высшее образование, социальное партнерство.

**Ravshanova Gulkhayo Abdikaxarovna**

The doctoral student of TIAME

gulinuuz@mail.ru

## THE ROLE OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN SUPPORTING WOMEN'S HIGHER EDUCATION

### ABSTRACT

This article discusses the impact of promoting women's access to higher education on the development of society, including the place and role of civil society institutions. In recent years, a wide range of reforms aimed at ensuring gender equality in our country and increasing the participation of women in various spheres of society have been analyzed. Government agencies, non-governmental organizations, public associations and other civil society institutions are effectively involved in the implementation of public policies aimed at protecting the rights and freedoms of women in all spheres, ensuring their legitimate interests, promoting their activism in family and society, as well as their talents and potential. partnership issues have been explored. Along with the higher education of women, several proposals have been developed to address the issues of vocational training, preparing them for family life.

**Keywords:** Gender equality, motherhood and childhood, civil society institutions, non-governmental organizations, higher education, social partnership.

Маълумки ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бериш, қобилият ва салоҳиятини рўйбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг таълим олишлари ва уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Энг аввало мазкур масала Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, Конституциянинг 46-моддасида “Аёллар ва эркалар тенг ҳуқуқлидир” деб белгиланса, 63 моддасида эса, “... оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади” деб белгилаб қўйилган.

Айниқса сўнги йилларда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамиятдаги ролини кучайтириш, аёлларни ишга жойлаштириш, тадбиркорликка жалб этиш ҳамда оила пойдеворини мустаҳкамлаш масалалари устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шунга мувофиқ 2018 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Бундан ташқари Президентимизнинг 2019 йил 21 июн куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга алоҳида тўхталиб, “ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб



аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда”[1] – деб таъкидлаб ўтди. Умуман, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасида эътироф этилар экан, бу бир томондан демократик тамойил ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий хусусияти бўлиши билан бирга, иккинчи томондан жамиятда оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда соғлом авлодни вояга етказишнинг ҳам энг муҳим омилдир. Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам асосий мақсади – хотин қизларнинг оилада ҳам жамоат ишларида ҳам фаоллигини таъминлаган ҳолда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашларига муносиб кўмаклашишдан иборат. Тадқиқотларнинг аниқлашича болага интеллектуал қобилиятлар кўпроқ онадан ўтади. Шу туфайли хотин-қизлар таълимига алоҳида эътибор қаратиш, етарли даражада билим олишларга кўмаклашиш келажак сифатига ҳозирлик кўриш демакдир. 2018 йил учун БМТнинг гендер тенглик, аҳоли саводхонлиги ва меҳнат бозорида аёлларнинг иштироки бўйича дунё мамлакатларининг кўрсаткичларини қамраб олган статистик маълумотларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, унга кўра барча берилган кўрсаткичлардан “энг юқори” натижа кўрсатган 58 та давлатни кўришимиз мумкин. Швеция, Австрия, Ирландия, Германия, Швецария, Нидерландия, Дания, Канада, АҚШ, Англия кабилар қиради. “Юқори” натижа кўрсатган Эрон, Туркия, Мексика, Албания, Хитой каби 58 давлатлар қаторига Ўзбекистон ҳам қиради. Барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда мамлакатимиз кўрсаткичи 105 ўринда бўлиб, унда “энг паст” кўрсаткич парламент аъзолари ичида аёлларнинг 16.4 фоиз эканлиги бўлса, “энг юқори” кўрсаткич эса 25 ёшдан юқори бўлган аҳоли орасида саводхонлик даражаси бўлиб, унга кўра мамлакатимиз аҳолисининг 99.9 фоизи саводхон эканлигида намоён бўлди. Бундан ташқари меҳнат бозорида иштироки бўйича аёллар 53.8 фоизни, эркаклар 77.9 фоизни ташкил этади[2].

Шунга қарамай, мамлакатимиз хотин-қизлари орасида олий маълумотга эгалик даражаси эркакларга нисбатан паст кўрсаткичга эга. Буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин. Энг аввало, оилада қизларнинг олий таълим олишлари унчалик муҳим эмас, улар фақат уй-рўзгор ишларини удаласа етарли деган қарашларнинг мавжудлиги, қизларнинг эрта турмушга узатилиши, қизларнинг ўз хоҳиш ва иқтидорига мос йўналишда ўқишларини оилада тақиқлаш, моддий муаммолар ва бошқалар. Аммо бугунги шиддат билан ривожланаётган, ахборот асри ва турли мафкуравий хуружлар авж олган айна дамда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, фарзандларимизни турли зарарли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш учун энг аввало, ўз фарзандларини миллий менталитетимизга мос, замонавий билимлар эгаси, соғлом ва баркамол этиб тарбиялай оладиган илм-маърифатли оналарни тайёрлаш зарурати ҳар доимгиданда долзарб аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларнинг олий таълим олишларига кўмаклашиш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари учун имконият яратиш ҳамда олий таълим жараёнида қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари сифатини янада яхшилаш каби чоратadbирлар жамият тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Мазкур фикр билан фақатгина олий маълумотли оналаргина фарзандларини замон талабига мос тарбиялаши мумкин деган нуқтайи назар келиб чиқмайди. Аммо, хотин-қизларни олий таълимга кенг жалб қилиш ва уларнинг таълим олишларига етарли шарт-шароитлар яратиш жамият равнақи учун самарали натижаларни беради. Олий маълумотли хотин-қизларимиз эгаллаган билим ва кўникмаларини, ҳаётий сабоқларини фақат ўз оиласи фаровонлиги йўлида эмас балки жамият равнақи, юрт фаровонлиги учун қатъият билан сафарбар этишади. Жаҳолатга қарши маърифат ғоясининг мазмуни ҳам хотин-қизларнинг илм олишлари билан ҳамохандир.

Давлат статистика қўмитаси маълумотида кўра, ҳозирда таълим олаётган 440,959 нафар талабанинг 40,9 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Бу 2011 йил йилдаги кўрсаткич билан таққослаганда, атиги 4 фоизга кўпайган. Биламизки, олий таълим олиш имкониятларининг кенгайтирилиши аёллар орасида иш билан таъминланганлик даражасини оширади. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг бири ҳам хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласига қаратилган. Чунки кўпгина муаммоларнинг илдизи ҳамда бартараф этиш омилли айнан ишсизлик масаласи билан боғлиқ.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилдаги Парламентга мурожаатида олий таълим тизимини ислоҳ қилиш доирасида қизларимиз учун алоҳида грант квоталар ҳам ажратилиши, хотин-қизлар кўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди[3]. Бу эса ўз навбатида хотин-қизларнинг олий таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириши учун замин яратади.

Жорий йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ўқишга қабул қилинди[4]. Хотин-қизларнинг олий таълим олишларига кўмаклашишда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам роли тобора ривожланмоқда.

Умуман олганда, фуқаролик жамиятининг асоси кишиларнинг ўз эҳтиёжларини ўзлари қондиришига хизмат қиладиган, уларни ижтимоий манфаатлар атрофида бирлаштириб, жамият ва давлат институтларини бошқаришда иштирок этишларини таъминлайдиган институт фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари, бирлашмалари, ташкилотларидан иборатдир [5]. Хотин қизларнинг олий таълим олишларига кўмаклашишда оилалар, олий таълим муассасалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро самарали ижтимоий шерикчилигини ривожлантириш мавжуд муаммоларнинг амалий ечими бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ижтимоий шериклик – жамиятнинг бош стратегик мақсади билан чамбарчас боғланган шахс, ижтимоий субъект ва гуруҳларнинг манфаат, талаб ва эҳтиёжлари умумийлигидан келиб чиқиб, жамиятнинг яхлит ривожланишини таъминлашга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятдир[6].

Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5–моддасида ижтимоий шериклик соҳалари келтирилган бўлиб, унда ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш билан бир қаторда фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш каби ҳар қандай этилган[7]. Таълим хусусан олий таълим босқичида ижтимоий шериклик муносабатларини йўлга қўйиш малакали, рақобатбардош, етук кадрлар тайёрлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси маълум маънода таъминланади. Бозор талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашда ижтимоий шерикликни йўлга қўйишдан асосий мақсад – битирувчининг танлаган касби, таълим олган йўналиши бўйича қийинчиликсиз фаолият олиб боришига эришишдир. Зеро, Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунда “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шунингдек, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”[8]

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

Хусусан, охириги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1 270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро

стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ифода этиш, давлат билан улар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил қилинди, шунингдек, аҳоли билан очиқ мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари рағбатлантириш мақсадида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг 126 нафар фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотлар хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олиш ва ўз истеъдодларини намоён этиш, иш билан таъминлаш, гендер стереотиплари ва хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш, аёллар ижтимоий ҳимояси каби масалаларда ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизда мавжуд ННТларнинг 20 га яқини айнан хотин-қизлар таълими соҳасида фаолият юритади. Масалан, “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар “Olima” уюшмаси, Навоий вилояти “Тўмарис” аёллар ва ёшлар маркази, Навоий вилоят “Сирдошим” аёллар ва ёшлар маркази, “Лола аёллар ва ёшлар” маркази, Республика ёшлар маркази Сирдарё вилоят бўлинмаси, “Фаол ҳаёт” аёллар ва ёшлар нодавлат нотижорат ташкилоти, “Аёл ва Шодлик” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, «Машхур» маркази, “Фарғона меҳр нури” маънавий-ижтимоий мадад кўрсатиш маркази, Хоразмвилояти «Тараққиёт» аёллар ва ёшлар маркази, Хоразм вилояти «Rivoj» аёллар ва ёшларни қўллаб қувватлаш маркази, “Меҳр кўзда” маркази, Тошкент шаҳар “Соғлом она ва бола” аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш марказлари шулар жумласидандир.

2021 йил 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори эълон қилинди. Мазкур Қарорга мувофиқ улар фаолиятига қуйидаги имтиёзлар киритилди: биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилган (маълумот учун) ҳолда хорижий манбалардан олинадиган пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан юз бараваригача оширилади; иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати бир ойдан ўн беш кунгача қисқартирилди; учинчидан, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нурунийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди; тўртинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотининг алоҳида бўлинмаси юридик шахс ҳисобланади, бунда алоҳида бўлинмаларни ҳисобга қўйиш тартиби бекор қилинади[9]. Бу ўзгаришлар ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлар хотин-қизларнинг барча соҳаларда ҳуқуқ ва эркинликларини кенг ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги фаолликлари ҳамда истеъдод ва салоҳиятларини намоён этишларига кўмаклашишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда давлатнинг асосий таянчи бўлиб фаолият юритишлари учун кенг имконият яратади.

Бундан ташқари Мамлакатимизда мавжуд сиёсий партиялар, Ёшлар иттифоқи, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, Президентимиз ташаббуси билан фаолияти йўлга қўйилган Ёшлар академияси, Ёшлар ишлари агентлиги, “Ёшлар - келажагимиз” жамғармаси, илм-фан соҳасидаги хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи “Олима” аёллар уюшмаси ва бошқа бир қанча ташкилот ва жамғармалар ёшларнинг билим ва малакаларини оширишларига ўз

истеъдод ва қобилиятларини намоён қилишларига, илмий лойиҳалари ёки бизнес режаларини молиялаштиришга, турли танлов ва грантлар асосида хорижда ҳам таълим олишларига кўмаклашиб келмоқда.

Бугун биз аёлларнинг ўрни, унинг ижтимоий маъқеи тўғрисида жамиятнинг анъанавий қарашлари ўзгараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Тадбиркорлик, сиёсий раҳбарлар, жамоат арбоблари, йирик корхоналар раҳбарлари лавозимида хотин-қизлар самарали равишда фаолият юритмоқдалар. Шубҳасиз, XXI асрда аёллар ҳуқуқлари сезиларли даражада мустақамланди ва унинг жамиятдаги ўрни ошди.

Шунга қарамадан, илм–фан ва илмий тадқиқот соҳасида хотин-қизларнинг улуши ҳали ҳам озчиликни ташкил қилади. ЮНЕСКО ташкилотининг берган маълумотларига кўра дунё тадқиқотчиларининг атиги 30 фоизини аёллар ташкил этади. Университетларга қирадиган аёллар сони тобора кўпайиб бораётган бўлса-да, уларнинг оз қисми тадқиқот фаолияти билан шуғулланишади. Масалан, Швецияда аёллар университет талабаларининг кўп қисмини (60%) ташкил қилади, аммо уларнинг сони университетдан кейинги таълим босқичларида камайтилади: аспирантлар орасида аёллар улуши 49%, олимлар орасида атиги 36%. Ушбу тенденцияни барча минтақаларда кузатилиши илмий мартаба билан оилавий мажбуриятларни бирлаштирмоқчи бўлган аёллар дуч келадиган қийин танлов ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Ўзбекистонда олий ўқув юртига 2019/2020 йй қундузги бўлимга хотин-қизлар 78,1% эркаклар 83,2 % ни ташкил этган бўлса, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарган тадқиқотчи мутахассислар яъни фан докторлари аёллар 27.1, эркаклар 72.9, фан номзодлари аёллар 32.4% ни эркаклар 67.6 % ни ташкил этган[10]. Маълумки, илм-фан билан иш бошлаган аёллар кўпинча оилавий сабабларга кўра бошлаган тадқиқот ишларини давом эттира олмайдилар ва эгаллаган лавозимларини тарк этишади. ЮНЕСКО ташкилоти ўзининг янги онлайн-ресурси орқали қизларни ёшлигидан математика, табиий фанларни ўрганишга кўмаклашиш ва рағбатлантириш қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

Умуман олганда, хотин-қизларнинг олий таълим олишлари, касб танлаши ва илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланишига оид қарашлар ментал хусусиятларимиз билан ҳам боғлиқ. Чунки кўпчилик оилаларда олий таълим олишда эътибор ва устунлик асосан ўғил фарзандларга қаратилган. Мазкур омил қизларнинг олий таълим олишларига, ўз истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқаришларига энг катта тўсиқ бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, қиз бола олий маълумотли бўлса, қанчалик билим ва салоҳият олса, буни келгусида фарзандларига ҳам етказиши, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиши масаласига масъулият билан ёндашади. Бундан оилалар ҳам жамият ҳам кўпроқ манфаатга эга бўлади. Демак, энг аввало оилаларда қизларнинг таълим олишларига нисбатан шаклланган салбий стереотипни бартараф этиш лозим.

Шу жиҳатдан масаланинг яна бир томонига эътибор қаратмоқчимиз. Олий таълим олаётган қизларнинг аксарияти турмушга чиқиш арафасида, ёки таълим жараёнининг ўзидаёқ турмушга чиқиб, фарзандли бўлишади. Улар ўзларидаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб академик таълим олишлари мумкин. Аммо кўп ҳолларда қизларимиз академик таълимсиз ўз вақтида ўқишни тамомлашни исташади. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кенроқ йўлга қўйиш баробарида қуйидагиларни тақдир қилмоқчимиз:

Биринчидан, олий таълим муассасаларида алоҳида “Оналар ва болалар хонаси”ни ташкил этиш зарур. Бу эса олий таълим муассасида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг – талаба оналарнинг таълим олиш жараёнига ижобий таъсир қилади. Бунда талаба оналар учун алоҳида хоналар ажратилиб, хонани керакли жиҳозлар, ўйинчоқлар, плакат ва кўргазмалар воситалар ҳамда тегишли адабиётлар билан таъминлаш зарур. Бу жараёнда олий таълим муассасаларига фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик асосида яқиндан кўмак беришлари лозим. Хонадан зарур ҳолларда талаба қизлар – оналар фойдаланишади. Яъни улар 3 ёшгача бўлган ўз фарзандлари билан келишлари учун имконият яратилади. Биламизки, 2 ёшгача аксарият болалар она сути билан овқатланади. Оналар ва болалар хонаси ташкил этилгач, мазкур хонада талаба оналаримиз танаффус пайтларида фарзандларини овқатлантириб

олишлари учун имконият туғилади. Бу боланинг жисмонан соғлом бўлиши учун ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга таълим сифатига ҳам ижобий таъсир қилади. Биринчидан, оналар психологик жиҳатдан хотиржам бўлиб, дарсларни яхши тинглаб ўзлаштириб олади, иккинчидан, эмизикли фарзанди борлиги туфайли дарсга қатнашолмаслик холатлари камаяди. Яъни давомат ортади.

Иккинчидан, хотин-қизларнинг олий таълим олишлари билан бирга хунар эгаллашлари, оилавий ҳаётга тайёргарлик учун ҳам шарт-шароитлар яратиш. Бунда олий таълим муассасаларининг ўзида хотин-қизлар учун касб-хунар марказлари ташкил этиш ҳамда қизларнинг қизиққан соҳалари бўйича мазкур хунар марказларига жалб қилиш ҳамда марказ фаолиятида замонавий инновацияларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, олий таълим тизимида оила-маҳалла-таълим муассаси ҳамкорлигини янги қўламда ташкил қилиш бўйича тегишли низом ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:


1. <https://kun.uz./news/2019/06/22/shavkat-mirziyoevning-oliy-majlis-senatining-20-yalpi-majlisi>
2. The impact of women above the political glass ceiling:Evidence from a Norwegian executive gender quota reforms [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com)
3. Мирзиёев Ш.М. – 2019 йилда мамлакатиминзи ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга мурожаатномаси//Халқ сўзи. 2018 йил 28 декабр. №271-сон.
4. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/13/force/>
5. А.Жалилов, У.Муҳаммадиев “Фуқаролик жамияти асослари”. Т.:2015, Б-57
6. Матибоев Т.Б. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари. Т: 2014, Б-322.
7. <http://www.lex.uz/docs/2468214>
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.,39-сон, 488-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. ПҚ -5012-сон.3.03.2021 й.
10. Исмайлова Р. Илм-фанда гендер тенглик масалалари//<https://moiti.uz/uz/press-center/news/85>

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Акилова Ўғилхон Мирзапаясовна  
ТИҚХММИ докторанти  
u.akilova@tiame.uz

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ

**For citation:** Akilova Ogilkhon. THE ROLE OF WOMEN IN ENSURING THE EFFECTIVENESS OF SPIRITUAL FACTORS IN A RENEWING SOCIETY. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp.174-180

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-19>

### АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда жамият ҳаётини янгилаш, маънавий соҳасини юксалтириш, замонавий илм-фан ва миллий маънавий қадриятларимиз асосида модернизациялашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Маълумки, маънавий асосларсиз, маънавий негизларсиз, қадриятларсиз, маънавий-миллий руҳсиз ҳеч бир давлат ўзининг юксак мақсадларига эриша олмайди. Қачонки маънавий омиллар жамият аъзолари онгидан чуқур жой олиб, уларда ислохотларга дахлдорлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур ва миллилатлараро бағрикенглик, маърафатпарварлик каби эзгу ғояларга ундовчи таъсирчан кучга айланса, ана ўша жамият барча соҳаларда ҳар томонлама тараққий топади. Мазкур жараёнда хотин-қизлар жамият маънавий омиллари таъсирчанлигини таъминловчи ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Мақолада маънавийнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ҳамда хотин-қизларнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам маънавий тарғиботчиси сифатида фаоллигини таъминлаш орқали янги Ўзбекистоннинг маънавий омиллари таъсирчанлигини ошириш йўллари атрофлича ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, маънавий омиллар, фуқаролик жамияти, глобаллашув, маънавий иммунитет, “оммавий маданият”, маънавий қадрият, маънавий ҳаёт, жамият, гендер тенглик.

Акилова Оғилхон Мирзапаясовна  
докторант ТИИИМСХ  
u.akilova@tiame.uz

## РОЛЬ ЖЕНЩИН В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДУХОВНЫХ ФАКТОРОВ В ОБНОВЛЯЮЩЕМСЯ ОБЩЕСТВЕ

### АННОТАЦИЯ

В нашей стране проводятся комплексные реформы, направленные на обновление жизни общества, повышение его духовной сферы, модернизацию на основе современной науки и национальных духовных ценностей. Когда духовные факторы укоренятся в сознании членов общества и станут влиятельной силой для таких благородных идей, как реформа, гуманность, патриотизм, национальная гордость и межэтническая терпимость, просвещение,

это общество будет развиваться во всех сферах. В этом процессе женщины являются решающей силой в обеспечении эффективности духовных факторов общества. В статье подробно рассматривается роль духовности в развитии общества и пути повышения эффективности духовных факторов нового Узбекистана путем обеспечения активного участия женщин в семье и обществе в качестве пропагандистов духовности.

**Ключевые слова:** духовность, духовные факторы, гражданское общество, глобализация, духовный иммунитет, «массовая культура», духовная ценность, духовная жизнь, общество, гендерное равенство.

**Akilova Ogilkhon Mirzapayasovna**  
The doctoral student of TIAME.  
u.akilova@tiame.uz

## THE ROLE OF WOMEN IN ENSURING THE EFFECTIVENESS OF SPIRITUAL FACTORS IN A RENEWING SOCIETY

### ANNOTATION

Our country is carrying out comprehensive reforms aimed at renewing the life of society, raising its spiritual sphere, modernizing it on the basis of modern science and national spiritual values. When spiritual factors take root in the minds of the members of a society and become an influential force for such noble ideas as reform, humanity, patriotism, national pride and interethnic tolerance, enlightenment, that society will develop in all spheres. In this process, women are considered to be decisive force in ensuring the effectiveness of the spiritual factors of society. The article describes on the role of spirituality in the development of society and ways to increase the effectiveness of the spiritual factors of the new Uzbekistan by ensuring the active participation of women in the family and society as propagandists of spirituality.

**Keywords:** spirituality, spiritual factors, civil society, globalization, spiritual immunity, “mass culture”, gender equality.

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик йиллирида жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг сиёсий асосларини мустақамлашга катта эътибор қаратилди. Бу даврда янги типдаги ўзбек миллий давлатчилигига асос солинди, бу ҳозирги кундаги тараққиётнинг янги босқичи учун кенг имкониятлар яратди[1].

Сўнгги йилларда Жамият маънавий ҳаётини юксалтириш борасида қатор янги ислохотлар амалга оширилди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида жорий йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган масалалар мазкур соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди десак муболаға бўлмайди. Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”[2] деб таъкидлаб ўтди. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият. Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий кадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат

ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда. Бундай таҳликали вазиятда маънавий омиллар таъсирчанлигини ошириш, жаҳолатга қарши маърифат ғояси асосида фуқаролар онгини маънавий иммунитет билан куrollантириш ҳар қачонгиданда долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгилашлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март куни қабул қилинган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш мақсадида қуйидагилар маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилан:

- эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;
- оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;
- тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш;
- эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;
- маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;
- геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш [3].

Бундан кўриниб турибдики, маънавий омиллар таъсирчанлигини ошириш Янги Ўзбекистонда демократик қадриятларга асосланган кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартини бўлиб хизмат қилади. Маънавий омиллар таъсирчанлигини оширишда энг аввало хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини назарда тутиш лозим. Улар аввало миллат тарбиячиси сифатида соғлом авлодни тарбиялашга масъулдирлар. Аёл оила аъзоларида, энг аввало фарзандларида ижтимоий-ахлоқий фазилатларни, маънавиятни шакллантирувчи шахсдир. Бир қарашда табиий ҳол бўлиб кўринадиган бу функция аёлнинг ўзидан ижтимоий-ахлоқий фазилатларни, юксак маънавиятни талаб қилади. Бу борада



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декбрдаги 1059 сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепцияси” маънавий тарбия соҳаси тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Эътиборли жиҳати, Концепцияда маънавий тарбияни амалга оширишнинг энг дастлабки босқичи болага у ҳали дунёга келмасидан, яъни хомила давридан бошлаб амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Концепцияда таъкидланганидек, “Ўзлуксиз маънавий тарбия Концепцияси қуйидаги босқичларни қамраб олади:

**биринчи босқич** — оилаларда (икки давр асосида: биринчи давр — хомила даври, иккинчи давр — бола туғилганидан 3 ёшгача бўлган давр);

**иккинчи босқич** — мактабгача таълим 3 — 6 (7) ёшгача бўлган давр;

**учинчи босқич** — умумий ўрта таълим тизимида (икки давр асосида: биринчи давр — 7 (6) — 10 ёш бошланғич синф, иккинчи давр — 11 — 17 ёш ўрта ва юқори синфлар);

**тўртинчи босқич** — ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасалари тизимида (икки давр асосида: биринчи давр — ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар — 17 — 30 ёш, иккинчи давр — ўрта махсус касб-хунар, олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари 15 — 22 (24) ёш) [4].

Демак, юксак маънавийатли авлодни тарбиялаш энг аввало юксак маънавийатли оналарни тарбиялашни тақазо этади. Баркамол авлод тарбияси борасидаги вазифани тўлақонли бажариш учун хотин-қизларнинг жамиятда ҳам фаол бўлишларига, етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлишларига, маънавий юксалишларига имкон яратиш зарур. Фақат ана шундагина оиладаги маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий тарбия жараёнлари фаол, ўзлуксиз, маълум бир мақсадларга мувофиқ кечади.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги — “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида хотин-қизлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ мавжуд ҳаётий муаммолар аниқ кўрсатиб ўтилиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур амалий тақлифлар белгилангани мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир. Фармонга кўра, 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида биттадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди. Фармонга мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган — “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида янгича сиёсий муносабатлар, дунёқараш, сиёсий маданият шаклланимоқда. Мазкур жараёнда хотин-қизлар манфаатлари янги миқёс ва мазмунда намоён этилиши, тўлақонли амал қилиниши, жамият онгида мунтазам жой олиши ва ҳар қандай шароитда ўзлигини йўқотмаслиги лозим.

Жамиятни демократлаштириш даврида хотин-қизларга бўлган муносабат ҳамда уларнинг ҳаётий тажрибаси, интеллектуал салоҳияти ва имкониятларидан бунёд этилаётган жамият ривожини учун фойдаланиш ана шу жамият маънавий омиллари таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.

Демак, бутун бир жамият аёллар фаоллигидан манфаат олиши лозим. Ана шу фаоллик ва идроклиликни барча соҳаларда акс этиши, яъни аёлларимиз онгли тарзда мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик муносабатида бўлишларига эришиш замонамизнинг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Чунки аёл фуқаролик жамияти асоси бўлган фуқароларни тарбиялаш, демократик ва толерант тафаккур, тараққиёт ва ривожланишга камрабасталик каби жамият учун ўта долзарб ва муҳим масалаларни ижобий ҳал этиб бера

олиш кудратига эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида “Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланимоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”[5], деб мазкур масалага алоҳида урғу берди.

Аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз интилиш ва қобилиятларини тўлақонли рўёбга чиқара олишлари учун имкониятларни кенгайтириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида. Жумладан, давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги кунда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик, 6 нафар аёл ҳокимлик, 1 нафари элчилик лавозимини эгаллади. Бундан ташқари, 1 500 га яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

2019 йил декабр ойида Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайлов натижаларига кўра, аёл депутатлар сони Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 32 фоизини, аёл сенаторлар эса Сенат аъзоларининг 25 фоизини, маҳаллий Кенгашларда эса хотин-қизлар улуши 25.6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон парламенти жаҳондаги 190 та парламент орасида 44-ўринни эгаллади [6].

Жамият тараққиёти ва фаровонлиги унинг энг кичик бўлаги бўлган оилалар фаровонлигини таъминлашдан бошланар экан, оилада маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий кадриятларни шакллантириш, маънавий омиллар таъсирчанлигини ошириш ижтимоий муҳитдан, айниқса маҳалладан айрича содир бўлмайди. Жамиятнинг барча соҳаларидаги туб ўзгаришлар жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам ваколат ва вазифалари билан бирга масъулиятлари ҳам ортмоқда. Мазкур функцияларни тўлақонли бажаришда, тизимда мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишда ҳам хотин-қизлар фаоллигини кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартдаги 200 сонли Қарори билан ҳар бир маҳаллада Хотин-қизлар масалалари бўйича алоҳида раис ўринбосари лавозими жорий этилди. Бугунги кунда мазкур лавозимда Республик бўйича 15 мингга яқин хотин-қизлар фаолият юритиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш; хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш; хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, нодавлат ношароит ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиш; оилаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини ошириш; оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўриш каби қатор вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Мазкур йўналишда тизимли ишлар ташкил қилинганига қарамай, бир қатор муаммолар ҳам мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Маълумки, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Қонун билан турли хил кўринишдаги тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга “ҳимоя ордери” бериш амалиёти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглик бўйича Комиссияси маълумотларига кўра, Ҳозирги вақтга қадар ички ишлар

органларига ҳимоя ордери сўраб 7 мингдан зиёд аёллардан мурожаат келиб тушган бўлиб, 6183 ҳолатда хотин-қизларга ҳимоя ордери расмийлаштириб берилди [7]. Мазкур рақамлардан кўриниб турибдики хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид ишлар кўламини янада кенгайтириш доимо диққат марказида бўлиши лозим.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари кўйидагилар ҳисобланади:

- биринчидан, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш, ҳамда ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

- иккинчидан, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг аҳволини доимий равишда ва комплекс мониторинг қилиш, уларнинг оила ва жамиятда ҳамда жамоат ва давлат ишларини бошқаришда ролини ошириш;

- учинчидан, аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чоралар қабул қилиш ва амалга ошириш, уларни ишга жойлаштириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, аёллар орасида, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш;

- тўртинчидан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг, мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун кўмаклашиш [8].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аввало “аёл” ва “оила” узвий тушунчалардир. Айнан оилада ва аёл раҳнамолигида ижтимоий-ахлоқий қадриятлар ва маънавий омиллар шаклланади. Жамиятда маънавий омиллар таъсирчанлигини ошириш ҳам айнан унинг асосий бўғини бўлган оиладан бошланади. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизларни оилага тайёрлаш ишларини тубдан такомиллаштириш, оила-махалла-таълим муассасаси тизимида хотин-қизлар таълимига алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, хотин-қизлар бандлиги масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий фаоллигини ошириш, хотин-қизлар тадбиркорлини қўллаб-қувватлаш, аёллар муаммолари билан шуғулланувчи ННТлар фаолиятини кенгайтиришга доир чора-тадбирларини кенгайтириш лозим.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида янгиланаётган жамият маънавий омиллари таъсирчанлигини таъминлашда хотин-қизларнинг роли масалаларини кенг ёритиш ва тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев Н. Тарихий тараққиётнинг янги даври. // Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давр талаби. (Матн).- Т.:2017.-Б.15.
2. <https://kun.uz/news/2021/01/19/> Шавкат-Мирзиёевнинг - 2021 йил 19 январдаги видеоселектор йиғилиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясинг 75 сессиясида сўзлаган нутқи//Т.: Халқ сўзи. 2020 йил. 202 сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни ҳимоя қилиш бўйича Комиссия маълумотлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни химоя қилиш бўйича Комиссия маълумотлари.
8. Norbekova, B. (2020). Аёл маънавияти ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни. [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6826](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6826)
9. Нажмиддинова К Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Монография. Т.: 2016.-Б 123.
10. Эргашев И. ва бошқалар. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Т.: Академия. 2002, – 56 б.
11. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Т.: Маънавият. 1997, – 192 б.
12. Туленов Ж. Маънавий юксалиш сари. – Т.: Ўзбекистон. 2000, – 198 б.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Сабилова Умида Фархадовна,

Соц.ф.н., доцент,

Ўзбекистон Миллий университети

e-mail:umida-sabirova@yandex.ru

Аликариева Аълохон Нуриддиновна,


Соц.ф.н., доцент,

Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: alohon@mail.ru

## МАТЕМАТИК УСУЛЛАР ВА МОДЕЛЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**For citation:** Sabirova Umida, Alikarieva Alohon. MATHEMATICAL METHODS AND MODELS AS A MEANS OF MONITORING QUALITY OF HIGH EDUCATION. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp.181-191

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-20>

### АННОТАЦИЯ

Муаллифлар томонидан ушбу мақолада таълим сифатини бошқариш таълим мониторинги натижалари асосида барча даражаларда бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали амалга оширилиши ҳамда таълим мониторинги таълим сифатини ташқи ва ички баҳолаш учун статистик ва аналитик баҳолаш кўрсаткичлари тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши кўриб чиқилган. Мақолада сифатли таълим олиш учун талабаларнинг билим ва кўникмаларини объектив назорат қилиш, таълим сифатини мониторинг қилиш ва диагностика қилиш учун шароит яратиш муҳимлиги исботланган. Шунингдек, мақолада таълим жараёни технологияси мониторингини Блум таксономияси ва микдорий эҳтимоллик характеристикалари асосида математик моделлаштириш амалга оширилган. Муаллифлар мақолада ишлаб чиқилган математик модель бўйича талабаларни ўқитиш технологияси мониторингини апробация қилиш кўрсаткичларини келтирган бўлиб, ундан мавзулар бўйича юқори даражадаги математик компетентликлар шакллантирилган ҳамда фанларнинг микдорий характеристикалари мавзулар бўйича компетентликларни шакллантиришнинг кўргазмалари кўриниши тестнинг стандартлаштирилган шаклида берилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, мониторинг, сифат, компетентлик, модель, моделлаштириш, таксономия, баҳолиш.

Сабилова Умида Фархадовна,

к.соц.н., доцент,

Национальный университет Узбекистана

e-mail:umida-sabirova@yandex.ru

Аликариева Аълохон Нуриддиновна,

соц.н., доцент,

Национальный университет Узбекистана  
e-mail: alohon@mail.ru

## МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ И МОДЕЛИ КАК СРЕДСТВО МОНИТОРИНГА КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье авторами рассмотрено, что управление качеством образования осуществляется путем принятия управленческих решений на всех уровнях на основе результатов мониторинга образования, а мониторинг образования осуществляется с использованием совокупности статистических и аналитических оценочных показателей для внешней и внутренней оценки качества образования. В статье обосновывается важность создания условий для объективного контроля знаний и умений студентов, мониторинга и диагностики качества образования для получения качественного образования. Также в статье представлено математическое моделирование мониторинга технологий образовательного процесса на основе таксономии Блума и количественных вероятностных характеристик. Авторы приводят показатели апробации мониторинга технологии обучения студентов на разработанной в статье математической модели, на основе которой формируются высокоуровневые математические компетенции по предметам, а количественные характеристики дисциплин представлены в стандартизированной форме теста.

**Ключевые слова:** высшее образование, мониторинг, качество, компетентность, модель, моделирование, таксономия, оценка.

**Sabirova Umida Farhadova**

Ph.D., associate Professor,  
National University of Uzbekistan  
e-mail: umida-sabirova@yandex.ru

**Alikarieva Alohon Nuriddinova,**

Ph.D., associate Professor,  
National University of Uzbekistan  
e-mail: alohon@mail.ru

## MATHEMATICAL METHODS AND MODELS AS A MEANS OF MONITORING QUALITY OF HIGH EDUCATION

### ANNOTATION

In this article, the authors consider that the quality of education is managed by making managerial decisions at all levels based on the results of education monitoring, and education monitoring is carried out using a set of statistical and analytical evaluation indicators for external and internal evaluation of the quality of education. The article substantiates the importance of creating conditions for the objective control of students' knowledge and skills, monitoring and diagnostics of the quality of education for obtaining a quality education. The article also presents a mathematical modeling of monitoring technologies of the educational process based on Blum's taxonomy and quantitative probabilistic characteristics. The authors give indicators of approbation of monitoring the technology of teaching students on the mathematical model developed in the article, on the basis of which high-level mathematical competencies in subjects are formed, and the quantitative characteristics of the disciplines are presented in a standardized form of the test.

**Keywords:** higher education, monitoring, quality, competence, model, modeling, taxonomy, assessment.

Таълим тизими шахсни ривожлантиришга, ностандарт муаммоларни ҳал қилишга тайёрлашга, ўз келажагини танлашнинг турли усуллари ифодаловчи ижтимоий, касбий ва географик мобиллигини оширишга қаратилган бўлиши керак. Инновацион технологияларни,

биринчи навбатда, ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий қилмасдан замонавий таълимни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Инновацияларни қўллаш самарали ўқув қўлланмаларини яратиш нуқтаи назаридан ҳам, талабалар билимларини назорат қилиш нуқтаи назаридан ҳам зарурдир. Фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражаси юқори касбий таълим тизими учун назорат ва баҳолаш жараёнининг вазифаларини қайта кўриб чиқиш вазифасини кўяди[1, – Р.144-165].

Таълим сифатини бошқариш таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган бўлиб, таълим сифатини баҳолашнинг ягона миллий тизимини ташкил этувчи давлат ва институционал тузилмаларни, таълимни молиялаштиришга ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни ва умуман, таълим тизими фаолиятининг самарадорлигини ўз ичига олади.

Таълим сифатини бошқариш таълим мониторинги натижалари асосида барча даражаларда бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали амалга оширилади. Таълим мониторинги таълим сифатини ташқи ва ички баҳолаш учун статистик ва аналитик баҳолаш кўрсаткичлари тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Моделларнинг сифати, уларнинг реал жараёнларга мослиги нафақат кириш қийматлари тўплами, балки танланган алоқа шакли билан ҳам белгиланади. Ҳақиқий ҳодисанинг барча хилма-хиллиги, омиллари ва алоқаларини намойиш этиш деярли мумкин эмас, шунинг учун иқтисодий ва статистик моделлаштириш жараёнида уларнинг энг аҳамиятлиси кўриб чиқилади[2].

Олий таълим сифати касбий вазифаларини ҳал этишда олинган билимлардан қандай фойдаланишни билладиган мутахассисликлари доирасида зарур технологияларга эга бўлган илмий ва технологик тараққиёт шароитида тезкор мослашишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлаш, деганидир.

Таълим сифатини таъминлаш муаммоси ҳар бир таълим муассасасининг доимий эътиборида. Бироқ, бугунги кунда, таълимни модернизация қилиш, янги авлод таълим стандартларини жорий этиш шароитида, таълимни бошқариш органлари, касб-хунар муассасалари ва ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда бу ишни сезиларли даражада фаоллаштириш зарур.

Шу маънода юртимизда бир қатор олимлар ҳам ушбу муаммоларни ўрганишган, жумладан, Н.Алиқориев[3,4, 5], И.Аъзамхўжаев, Ў.Қаюмов[6] ва бошқалар. Таълим сифати кўп омилли параметр бўлиб, уни бошқариш кўп даражали тизимдир, бинобарин, таълим сифатини назорат қилиш ҳам кўп даражали бўлиши керак.

Сифатли таълим олиш учун талабаларнинг билим ва кўникмаларини объектив назорат қилиш, таълим сифатини мониторинг қилиш ва диагностика қилиш учун шароит яратиш муҳимдир.

Талабалар билиминини назорат қилиш муқаррар бўлиб қолди, чунки у мониторинг хусусиятига эга бўлиб, яъни таълим натижаларини доимий назорат қилади ва уларнинг оралик ёки якуний мақсадларга мувофиқлигини текширади.

Мониторингнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- талабаларнинг билим даражасини аниқлаш;
- талабаларнинг ўзлаштиришларини назорат қилиш;
- алоҳида фанларни ўқитиш методикасини ўрганиш;
- касбий таълим дастурлари, ўқув-услубий материалларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш.

Мувофиқлигини аниқлаш.

Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун ҳар бир ўқув бўлинмасининг ва ҳар бир таълим субъектининг ўқишдаги ютуқлари, курснинг муайян масалалари ва мавзулари, унинг ривожланиш хусусиятлари бўйича ўқув материалларининг ўзлаштириш даражаси ва тузилмаси ҳақида тезкор маълумот доимий равишда талаб қилинади. Айнан ўқув бўлинмалари даражасида таълим мазмунини ўзлаштириш учун шароитлар яратилади, талабалар томонидан билимлар олинади ва мустаҳкамланади, бунда таълим ютуқлари даражаси ва шахснинг ривожланиши текширилади.

Амалда, ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш даражаси, таълим жараёни субъекти ёки таълим муассасаси фаолиятининг мақсадларига эришиш даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, талабаларнинг тайёргарлиги ва ўқишдаги ютуқларининг натижалари ҳақида маълумотлар доимо эътиборга олинади.

Шунинг учун, таълим сифатини баҳолашда, “таълим сифати” турли ва кенг қамровли кўрсаткич бўлса-да, охир-оқибатда, энг муҳими, амалга оширилган ўқув жараёнининг натижаси сифатида талабаларнинг ўқишдаги ютуқлари даражасини аниқлаш ёки тайёргарликнинг мониторингидир. Таълим, кадрлар таъминоти, ўқув-услугий тизимлар, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва бошқа кўплаб инвестицияларга оид маълумотларнинг қолган қисми фақат таълим натижаларига ва таълим сифатини ҳар томонлама баҳолаш имконини берадиган билимларни ўзлаштиришига таъсир кўрсатадиган шартлардир.

Сўнгги пайтларда анъанавий “назорат” тушунчаси ўрнига “диагностика” тушунчасидан ташқари “мониторинг” тушунчаси тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Мамлакатнинг рақобатдош интеллектуал салоҳиятини яратишга қаратилган таълим сифатини ошириш тизимини яратиш унинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур шартдир.

Тадқиқотимизнинг мақсади – олий ўқув юртидаги талабаларнинг билимларини мониторинг асосида баҳолаш учун назарий асослашни ва илмий тажрибани қўлланилишини таъминлаш. Ушбу муаммоларни очиб беришда математик усуллар ва моделлар таълим сифатини ошириш тизимини яратиш воситаси сифатида қаралди.

Ҳозирги кунда олий таълимнинг амалиётига интеграллашган интеллект, яъни олий ўқув юртлари илмий-педагогик ходимларининг табиий интеллекти ва унинг касбий билим моделларидан фойдаланишга асосланган янги педагогик технологияни жорий этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишнинг характерли хусусияти математик моделлаштириш методидан кенг фойдаланишдир.

Талабалар билимини баҳолашнинг модуль-рейтинг технологиясини жорий этиш жараёнида талабаларнинг модулнинг барча элементлари бажарилишини баҳолаш шкаласини яратиш ҳисобга олинган бўлиб, унда талабанинг ҳар бир вазифаси салмоғини ўрганилаётган фан билимлари ва кўникмаларини ўзлаштириш жараёнига боғлиқ ҳолда ҳисобга олиш зарур. Масалан, модуль назорати, якуний назорат ва уй вазифаларини бажаришнинг аҳамияти (энг муҳим вазифа тури сифатида) 5:3:1 ёки 5:2:2 (кредит-модуль ўқитиш тизими тўғрисидаги низомга киритилган қўшимча талабларни ҳисобга олган ҳолда) бўйича тақсимланади [7].

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг энг самарали шаклини танлаш учун фақат назарий тадқиқотлар билан чекланиб қолиш етарли эмаслиги сабабли, социологик тадқиқотлар ўтказишга қарор қилинди.

Индивидуал топшириқларнинг самаралироқлиги тўғрисидаги гипотеза илгари сурилди (ўзлаштиришни ошириш самарадорлик мезони сифатида қаралади). Иккита гуруҳ (назорат ва тажриба) танлаб олинди, улар бир хил фан мавзуларини ўрганишди, улар миқдор, ўзлаштириш, сифат таркиби жиҳатидан, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги ва натижаларга бир хил даражада асосланганлиги билан тенг равишда ўрганилди. Биринчи гуруҳ семестр модуллари давомида умумий, иккинчиси эса индивидуал топшириқларни бажаришди. Шу билан бирга, ушбу гуруҳ талабалари томонидан модулларнинг барча мавзулари бўйича топшириқларни бажариш фоизи қайд этилди.

Тажриба натижалари математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинди, натижада биринчи гуруҳдаги ўртача қиймат иккинчисига қараганда юқори, дисперсия эса пастроқ бўлди. Ушбу далил шуни кўрсатиши мумкинки, индивидуал топшириқларнинг жорий қилиниши муносабати билан уларни кўчирган талабаларнинг улуши камайган ва бу ўртача кўрсаткични пасайтирган. Шу билан бирга, юқори сифатли ўзлаштирувчи талабалар учун вазифаларни бажариш кўрсаткичлари деярли ўзгармади. Бироқ, олинган сонли танлаб олинган характеристикалар асосида ўтказилган таҳлил тўлиқ ҳисобланмайди ва мустақил ишни ўтказишнинг қайси шакли самаралироқ, деган саволга жавоб бермайди.



Қўшимча тадқиқотлар ўтказиш учун гипотезани статистик текшириш усули қўлланилди. Н<sub>0</sub> гипотезаси синовдан ўтказилди: модулар мавзулари бўйича индивидуал топшириқларни бажаргандан сўнг талабаларнинг билим даражаси ошмади. Муқобил Н<sub>1</sub> гипотеза билан: уйга индивидуал топшириқлар жорий қилингандан сўнг талабаларнинг билим даражаси ошди.

Ҳар бир гуруҳ талабалари томонидан семестрдаги иш натижаларига кўра олинган баллар дискрет қатори тузилди. Белгилар мезонига асосланиб ҳамда қарор қабул қилиш қоида-сига мувофиқ Н<sub>1</sub> гипотезаси қабул қилинади, деган хулосага келинди.

Шундай қилиб, таҳлил шуни кўрсатдики, мустақил иш амалиётига индивидуал топшириқларнинг жорий қилиниши ўзлаштириш кўрсаткичларининг бир озгина ўсишига олиб келди. Иккинчи гуруҳ учун кўчириш имкони бўлмаганлиги сабабли, ўзлаштириш кўрсаткичларининг бироз ошганлиги, илгари кўчиришга йўл қўйган талабаларнинг уй вазифаларини бажариш учун ўз кучларни сафарбар қилишлари зарурати билан боғлиқ, деб тахмин қилиш мумкин.

Бундай тадқиқотларни корреляцияли ва кўп регрессияли таҳлил, шунингдек, вақтли қаторлар назарияси воситаларидан фойдаланиш орқали кенгайтирилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларига кўра, индивидуал топшириқлар тузилмасини ўзгартиришга, яъни ҳар бир мавзу бўйича вазифалар рўйхатини уларнинг мураккаблигига қараб саралашга қарор қилинди. Сўнгги йилларда олий ўқув юртларида дарсларга тайёргарлиги ва иш самарадорлиги паст талабалар кўпроқ пайдо бўла бошлаганлиги сабабли, бундай ёндашув тобора долзарб бўлиб келмоқда.

Вазифаларни ишлаб чиқишнинг ўзи таълимнинг асосий тамойилларига (аниқлик ва амалиёт билан боғланиш тамойилига) асосланса, уларни амалга оширишга қизиқишни ошириб, вазифаларни бажаришнинг ўртача кўрсаткичи камайишининг олди олинади, деб тахмин қилиш мумкин.

Олий ўқув юртларининг бугунги кундаги тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, маълум фанлардан талабалар билимларининг индивидуал даражасини баҳолаш тизимини шакллантиришда ҳали ҳам ягона ёндашувлар мавжуд эмас. Худди шу ишни ўқув фанларини услубий таъминотини такомиллаштириш, назорат шакллари ва пунктларини танлаш, танлов фанларини яратиш, ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин. Бундай ишлар ҳам долзарбдир, чунки ўқув жараёнини ахборотлаштиришга ягона ёндашувлар мавжуд эмас.

Талабаларни тайёрлаш сифатига илмий ёндошиш билимларни ўзлаштиришнинг билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш ва баҳолаш каби даражаларини назарда тутаяди, бу биринчи қарашда олий ўқув юрти талабаларининг касбий даражаси талабларига тўлиқ мос келади, модомики, ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилиш – касбий фаолият, технологик ва услубий қарорлар асосида ётувчи жараёнларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш кўникмаларисиз мумкин эмас.

Ҳар бир фаннинг талабалар билим олиш даражасига қўшган ҳиссасини баҳолашда, фанлар учун ҳам, келажакдаги мутахассисларнинг қобилиятлари учун ҳам иерархик моделни жорий қилиш мантиқий кўринади. Ҳар қандай баҳолаш тизимлаштирилган билимларни қўллаш кўникмаларига асосланган тизим сифатида касбий фаолиятни таҳлил қилиш ва синтез қилиш қобилиятига асосланганлиги сабабли, фанни ўзлаштириш меъёрини қуйидаги даражалар бўйича аниқлашни таклиф қиламиз, бу эса зарур кўникмаларни ўзлаштириш улуши –  $\delta$  ни белгилайди:

- 1) 30% гача асосий тушунча ва атамаларнинг таърифларини билиш –  $\lambda$  (баҳолаш омиллари: маъруза бўйича сўров натижалари, ўқув ишларини бажариш);
- 2) 40% гача асосий тушунча ва атамаларнинг ўзаро нисбатлари ва ўзаро таъсирларини тушуниш –  $\lambda$  (баҳолаш омиллари: тест натижалари, индивидуал вазифаларни бажариш);
- 3) 50% гача тест топшириқларини ечишда ёки лаборатория ишлари жараёнида услубий кўрсатмаларни жорий этишда шакллантирилган нисбатларни қўллаш –  $\lambda$  (баҳолаш омиллари – текшириш назорати натижалари);

4) 65% гача лаборатория тадқиқотлари таҳлили ёки бажарилган амалий топшириқлар –  $\lambda$ ;

5) 80% гача ўз касбий фаолияти доирасида ишлаб чиқилган кўникмаларни умумлаштириш кўринишидаги мустақил тадқиқот шаклида тақдим этилган синтез (конференцияда маъруза, реферат, курс иши лойиҳаси) –  $\lambda$ ;

6) 100% гача шахсий компетентлик даражасини баҳолаш –  $\lambda$ .

Табиийки, дастлабки тўртликда ўз маҳоратини муваффақиятли намойиш этган талабаларга мураккабликнинг 5-даражасига рухсат берилади.

Фанни муваффақиятли ўзлаштиришда зарур компетентликка эга бўлиш даражаси муайян билимларни ўзлаштиришда фанга ҳисса қўшиш учун керакли кўникмаларни ўзлаштириш улушининг маҳсули сифатида аниқланиши керак. Ушбу ҳиссани баҳолаш учун мураккаб бошқарув тизимларининг гомеостатик моделлаштириш асосларидан [8] фойдаланишимиз мумкин. Ушбу ёндашувнинг бир қисми сифатида, агар талаба куйидаги кўникмаларга эга бўлса, бошқарув фаолияти муваффақиятли бўлади:

1) объект билимлари базаси (бошқариш объектларининг хусусиятлари), декларатив билимлар базаси (технологияларни жорий этишнинг намунавий усуллари), лингвистик билимлар базаси (инсонлар ва технологиялар билан алоқа воситалари), процессуал билимлар базаси (намунавий мақсад ва вазифалар, натижаларни чиқариш қоидалари тўплами);

2) ахборот таҳлилчиси (ахборот базаларини тизимлаштирувчиси) маҳорати, керакли кўрсаткичлар ёки хусусиятлар ҳисобловчиси, жорий қилинадиган кўрсатмалар таржимони, мураккаб масалаларни ҳал этувчи. Биринчи тахминларга кўра, барча турдаги базаларни ўзлаштириш 30% дан ортиқни ташкил эта олмайди, чунки замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши билан қидириш қобилияти маълумотни сақлаш функциясидан ошиб кетади.

Бошқа томондан, замонавий ахборот соҳасидаги тизимлаштириш вазифалари доимо автоматлаштирилади, шунинг учун ахборот таҳлилларини ташкил этувчи фанларнинг ҳиссаси 10% дан ошмаслиги керак, шунда таржимон ва ҳал этувчи-ҳисобловчи вазифалари 30% га тўғри келади.

Натижада билимларни шакллантириш даражасини куйидаги йиғинди кўринишида аниқлаш мумкин:

$$\Omega = \sum_{i=1}^m \chi_i \lambda_i$$

Бу ерда  $\chi_i$  –  $i$ -чи фаннинг у ёки бу билимларни ўзлаштиришга қўшган ҳиссаси,  $\lambda_i$  – фанни ўзлаштириш даражаси,  $t$  – ўқув режасидаги фанларнинг сони.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, бундай ёндашув ушбу масалада математик моделлаштириш усулини қўллашга имкон беради, бу нафақат билимларни ривожлантириш даражасини, балки ўқув дастурларининг самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

Техника ва технологияларнинг изчил ривожланиши, меҳнат интензивлигининг муттасил ошиб бориши, ишлаб чиқаришни такомиллаштириши ва замонавий ҳаётнинг юқори суръатлари олий ўқув юрти талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг тегишли даражасини белгилаб берди. Олий ўқув юртлари битирувчилари янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда шаклланган касбий ва ижодий қобилиятларни ўзларида мужассамлаштиришлари зарур. Улар нафақат фундаментал, касбий ва гуманитар билимларга, билимлар ва кўникмаларга, балки иш берувчиларнинг сифат жиҳатидан янги талабларига жавоб берадиган барқарор хусусиятлар ва компетентликлар йиғиндисига ҳам эга бўлишлари керак. Келажакдаги мутахассисларнинг компетентлигини шакллантириш табиий фанлар билан бошланади. Шу мақсадда олий ўқув юрти талабаларини ўқитиш мониторинги модели ишлаб чиқилган бўлиб, у нафақат мунтазам кузатув ва назоратни, балки ўқув жараёнининг сифат ва

микдорий кўрсаткичларини математик моделлаштириш асосида келажакда олий ўқув юрти мутахассисларини тайёрлаш сифатини яхшилашни таъминлайди.

Асосий мақсадимиз – таълим жараёни технологияси мониторингини Блум таксономияси ва микдорий эҳтимоллик характеристикалари асосида математик моделлаштиришдир.

Тадқиқот асосида мониторингни математик моделлаштириш профессор-ўқитувчи ва талабанинг таълим жараёни технологияларининг мақсадли (мақсадни белгилаш), мазмунли (маблағларни танлаш) ва процессуал (динамик) таркибий қисмлари бўйича натижаларга эришиш учун микдорий ва сифат кўрсаткичларига мувофиқ фаолиятини тартибга солади.

Математик модель Блум таксономиясининг[9] таълим мақсадлари категориялари: билим, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, баҳолашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу ҳолатда мавзунини ўрганиш мақсадларини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчидан, курснинг мақсадлари, иккинчиси – жорий, кундалик фаолиятнинг мақсадлари.

Таълим жараёнида Блум таксономиясига биноан ўқув мақсадларининг аниқланиши, талабаларнинг ўқув мақсадларига эришиш даражасини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш нафақат назоратнинг ҳаққонийлигини, балки унинг кенг камровлигини ҳам таъминлайди[10].

Уларни тўлиқ диагностика қилинадиган қилиш, яъни текширилувчан қилиш, ўқишни бўлса хотирада қолдирадиган ҳолга келтириш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонлари шакллантирилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқитиш мақсадини шундай таърифлаш керакки, унинг ютуғи аниқ баҳоланиши мумкин. Таърифда унинг хусусиятларини тўлиқ ва ишончли тарзда белгилаб қўйиладиган мақсад аниқланадиган, деб номланади.

Кейинчалик аниқлаштириш ҳар бир таркибий бўлинманинг тегишли тоифадаги таълим мақсадларидан муайян ҳаракатларнинг муайян турларига бўлиниши билан боғлиқ бўлиб, улар биринчи навбатда ушбу тизимли бўлинмани яхлит тарзда тасвирлаб беради, иккинчидан, максимал диагностика қилинади ҳамда таълим мақсадларига эришишни диагностика қилишда талаба бажариши керак бўлган ҳаракатларнинг белгиларини кўрсатилади.

Тегишли таълим мақсадларига эришиш жараёнида талабалар бажариши керак бўлган ҳаракатларни баҳолаш учун уларнинг компетентликларини шакллантириш даражасининг микдорий кўрсаткичларини таъминлайдиган мониторинг тизими ишлаб чиқилган.

Олий таълим тизимидаги ўқитиш тажрибасини таҳлил қилишдан келиб чиқадиган бўлсак, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг аксарияти назорат ва диагностиканинг анъанавий шаклларида фойдаланадилар. Таълим технологияларида дастурга асосланган тест материаллари асосида назоратнинг стандартлаштирилган шаклларида ўтиш зарур.

Таълим мақсадлари билан ўзаро муносабатларда энг самаралиси изоҳлашдир. Скиннер[11,12], А.Ромишовски[13] ва бошқаларнинг илмий ишларида ишлаб чиқилган технологик ёндашув ўқув жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлайди. Технологик ёндашув белгиланган дастлабки кўрсатмаларни (ижтимоий буюртма, таълим йўналишлари, таълим мақсадлари ва мазмуни) ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнининг лойиҳасини тузишга асосланган. Тузилган ўқув жараёни белгиланган мақсадларга эришишни кафолатлаши керак. Оператив қайта алоқани назарда тутадиган ўқув жараёни мониторинги ўқув мақсадларига изчил эришишни таъминлайди.

Балл-рейтинг технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнида талабаларнинг компетентликларини шакллантиришни баҳолаш кўп босқичли компьютер тестлари асосида амалга оширилади. Ҳар қандай тест стандартлаштирилган вазифалар тўпламидан иборат. Баҳолаш тизими қуйидаги икки мезоннинг мавжудлигини назарда тутати:

➤ ўқитиш мазмунига мос келадиган фаолиятларнинг ташувчиси бўлиш (масалан, математика, социология);

➤ ўқув ва билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш усули бўлиши.

Таълим фаолиятида мониторинг тизимида бир қатор вазифалар ажратилган:

- талабаларни ахборот технологиялари орқали ўқув жараёнига фаол жалб қилиш;

- талабаларнинг эришилган ва салоҳият даражасини баҳолашга имкон берадиган машғулотларни самарали бошқариш;
- талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилиш (тузатиш, аниқлаш, ўзини ўзи бошқариш);
- алоҳида талабалар учун ҳам, умуман гуруҳ (оқим) бўйича ҳам шаклланган компетентликлар диагностикаси;
- минимал вақт ва моддий ҳаражатлар билан таълим натижаларини мониторинг қилиш.

Педагогик технологияларда баҳолаш тизими ўлчов, баҳолаш ва баҳо билан ифодаланади.

Ўлчов – бу маълум бир сифат элементининг мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида маълумот тўплаш, шунингдек, танланган мезонларга асосланган ҳолда мавжуд намуна билан таққослаш тартиби.

Баҳолаш – бу ўлчов натижалари тўғрисида тегишли баҳолар бўйича қарор қабул қилиш жараёни.

Баҳо – бу ўлчов натижаларини аниқлашнинг бир усули.

Таълим жараёнини бошқариш самарадорлигини ошириш учун баҳолаш тизимида технологиялардаги анъанавий миқдорий кўрсаткичлар билан бир қаторда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: эҳтимоллик назарияси қонунларига мувофиқ ва математик статистика, тестлар ва имтиҳонлар натижасида ҳисобланган шаклланган компетентликлар даражаси, амалга оширилмаган имкониятлар коэффиенти, сифат кўрсаткичи.

Агар биз максимал сифатни барча энг юқори кўрсаткичлар билан кўриб чиқадиган бўлсак, унда максимал баҳога нисбатан сифатни топиш муаммоларида барча баҳоларнинг тарқалишини таҳлил қилиш керак:

$$D(m) = \mu_2(a) = \sum_{i=0}^n (a - x_i)^2 \cdot p_i; \sigma(a) = \sqrt{\sum_{i=1}^n (a - x_i)^2 \cdot p_i} \quad (1)$$

Дискрет тасодифий ўзгарувчилар тақсимланишининг ушбу хусусиятлари тест ёки имтиҳонларнинг ишлаб чиқилган тизимларида ўқитиш самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин.

Тестлар саволлар тўплами сифатида тушунилади, уларнинг жавоблари балл билан, яъни дискрет қийматлар билан баҳоланади. Шу билан бирга,  $k_{max}$  – тестдаги энг юқори балл,  $k_{min}$  – энг паст кўрсаткич. Тест натижаларини  $k$  баҳолашнинг математик кутилган натижа қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$m = \sum_{i=0}^k (k_{max} - ih) p_{k-i}, \text{ где } h = \frac{k_{max} - k_{min}}{k}, \quad (2)$$

Бу ерда  $p_i$  – берилган натижанинг  $\omega_i$  статистик частотаси. Олинган натижанинг максимал  $k_{max}$  қийматига нисбатан квадратик оғиши қуйидагича топилади:

$$\sigma(k_{max}) = \sqrt{\sum_{i=0}^k (ih)^2 \cdot p_{k-i}}. \quad (3)$$

Япониялик олим Тагучи [14] нуктаи назаридан у энг яхши натижага нисбатан “шовқин” (тарқалиши) қийматини белгилайди ва  $m$  математик кутиш “сигнал” нинг қиймати ҳисобланади. “Сигнал” / Шовқин” даражаси  $k_{max}$  дан  $k_{min}$  гача бўлган тестнинг ўтказилмаган сифат кўрсаткичи сифатида

$$\gamma(k_{max}, k_{min}) = \frac{\sigma(k_{max})}{m} \quad (4)$$

амалга оширилмаган имкониятларни тавсифлайди. Уни турли хил тестларда ишлатиш қулайлиги учун меъёрлаштириш процедураси амалга оширилади:

$$\gamma^i = \frac{\alpha}{1-\alpha} \cdot \gamma(k_{\max}, k_{\min}), \quad (0 \leq \gamma^i \leq 1), \quad (5)$$

Бу ерда

$$\alpha = \frac{k_{\min}}{k_{\max}}, \quad (6)$$

У ҳолда  $r(\alpha) = 1 - \gamma^a$ ,  $(0 \leq r(\alpha) \leq 1)$  коэффициент имкониятларнинг рўёбга чиқиши

ёки таълим жараёнининг сифатини тавсифлайди.

$$S_{i,d} = S \left( 1 + \frac{\alpha}{1-\alpha} \gamma(k_{\max}, k_{\min}) \right) - r_a \text{ дан то биргача цикл учун максимал самарадорлик даражасига эришиш учун ҳаражатлар, } S$$

– битта цикл учун максимал сифат бирлиги учун ҳаражатлар.

$$S_{i,d}^p(k, m) = \sum_{j=1}^k \sum_{i=1}^m S_i \left( 1 + \frac{\alpha}{1-\alpha} \gamma(k_{\max}, k_{\min}) \right) - \text{технологик жараённинг } k \text{ цикллари}$$

учун  $m$  турли элементларнинг максимал сифатини олиш учун ҳаражатлар,  $\gamma_{ij}$  –  $j$ -циклдаги  $i$ -чи элементнинг рўёбга чиқмайдиган имкониятларининг коэффициенти.

Ишлаб чиқилган математик модель бўйича талабаларни ўқитиш технологияси мониторингини апробация қилиш кўрсаткичлари 4.3.2-жадвалда келтирилган бўлиб, ундан мавзулар бўйича юқори даражадаги математик компетентликлар шаклланган.

Талабаларнинг  $x_i$  идентификаторларининг фамилиясини аниқлаш (расшифровка) олий ўқув юртларининг ўқув бўлимидаги қайдномага мувофиқ амалга оширилади. Барча фанларнинг мавзуларини ўзлаштирган талабалар улуши: 95% (21тадан 20таси)

Фанларнинг миқдорий характеристикалари мавзулар бўйича компетентликларни шакллантиришнинг кўرғазмали кўриниши тестнинг стандартлаштирилган шаклида берилган.

Ушбу гуруҳ учун (2), (5) ва (6) боғлиқликлар бўйича ҳисобланган математик қутилаган нгатижа, амалга оширилмаган имкониятлар коэффициенти ва сифат кўрсаткичи:  $m = 35,33$ ,  $\gamma^n = 0,193$ ,  $r = 0,807$ .

Социологик тадқиқотларда моделлаштириш назариясининг асосий масаласи социологларни моделларни яратиш технологиясига ўргатишдан иборат. Бундай технология оригиналарини ўрганилаётган хусусиятларини етарли аниқлик ва тўла равишда тадқиқ этиш имкониятини беради [15, – С.109-124].

Шундай қилиб, социологик тадқиқотлар дастурининг тўртинчи босқичини моделлаштириш – модель тузиш жараёни деб аташ мумкин. Айтиш мумкинки, айнан модели ёндашув назарий ва амалий социологик тадқиқотларни мустаҳкамлайди ва жипслаштиради. Алоҳида олинган ўзгарувчиларни бўлаклар таҳлил қилиш ўрнига уларнинг ўзаро боғлиқлигини яъни моделларни кўриб чиқиш, ёндашувнинг бутунлигини таъминлайди, бинобарин, шу маънода модель тизим бўлиб, у сўзсиз маълум даражадаги бутунликка эгадир [16, – С. 77-83].

Бошқа гуруҳлар учун ўхшаш ҳисоб-китоблар гуруҳларнинг рейтингини тузиш, гуруҳларни ранжирлаш ва ўқув технологияларининг самарадорлигини талабаларнинг тегишли компетентликларини шакллантиришнинг миқдорий кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ҳамда шунга мос равишда ўқув жараёнига бошқарувчи таъсир кўрсатишга имкон беради.

Талабаларни фан бўйича ўқитиш технологияси мониторингини математик моделлаштириш, фандаги мавзуларни ўзлаштиришнинг юқори самарадорлигини аниқ кўрсатадиган миқдорий кўрсаткичларни олиш имконини беради, шунингдек, талабаларнинг фундаментал компетентликларини шакллантиришнинг зарур даражасини тасдиқлайди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Yildiz Osman; Bal Abdullah; Gulsecen Sevinc. Improved Fuzzy Modelling to Predict the Academic Performance of Distance Education Students. *International review of research in open and distance Learning* Volume: 14 Issue: 5. – Pages: 144-165. Published: 2013
2. Бережная Е.В., Бережной В.И. Математические методы моделирования экономических систем. – М.: Финансы и статистика, 2011. – 432 с.
3. Alikariev Nuriddin. Issues of improving the quality of training of highly qualified specialists // *International Journal of Advanced Science and Technology*. Vol. 29, No. 5, (2020), pp. 1600-161.
4. Alikariev N. Quantitative assessment of factors of improvement of labor efficiency in higher education institutions // (2020) *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24 (Special Issue 1), pp. 948-960.
5. Аликариев Н.С. Моделирование социально-экономических факторов, влияющих на эффективность труда преподавателей // *Бюллетень науки и практики*. 2019. Т. 5. №9. С. 366-375.
6. Алиқориев Н.С., Аъзамхўжаев И., Қаюмов Ў. Социологик тадқиқотларда математик моделлаштиришни қўллаш методикаси // Ўқув қўлланма. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази. – Тошкент, 2011. – 67 б.
7. Tian Ya; Yang Peng; Zhang Na; et al. Edited by Teaching Quality Evaluation of a New University Mathematics Teaching Mode-an Empirical Research. Conference: International Conference on Education Technology and Information System (ICETIS) Location: Sanya, PEOPLES R CHINA Date: JUN 21-22, 2013. Proceedings of the 2013 the international conference on education technology and information system (ICETIS 2013) Book Series: Advances in Intelligent Systems Research Volume: 65 Pages: 979-983, Published: 2013.
8. Гладун А.Д., Аветисов А.А. Принципы контроля качества фундаментального естественнонаучного образования // Сб. «Проблемы качества образования, его нормирования и управления». – М.: Минобр., 1999.
9. Bloom B.S. (Ed.). 1956 Taxonomy of educational objectives: The classification of educational goals: Handbook I, cognitive domain. New York: Longman.
10. Шуқуров Ё.А. Ўқув мақсадларини ифodalашда Блум тоқсиномиясидан самарали фойдаланишнинг инновацион усуллари // *Молодой ученый*. – 2020. – № 43 (333). – С. 353-355.
11. Burrhus Frederic Skinner. *The Technology of Teaching*. New York: Appleton-Century-Crofts. 1978.
12. Скиннер Б.Ф. Труды Скиннера. Оперантное поведение [Электронный ресурс] / Б.Ф.Скиннер. - <https://centerkik.ru/dizajjn-doma/trudyskinnera-operantnoe-povedenie-motretchto-takoe-skinner-v.html>;
13. Ромишовский А. (1990). Компьютерная коммуникация и гипертекст: учебное использование двух конвергентных технологий. *Interactive Learning International*, 6, 5-29; Ромишовский А., Дж. И Чанг Э. (1992). Вклад гипертекста в компьютерную коммуникацию: в поисках учебной модели. Giardina ВМ. (ред.) *Интерактивные мультимедийные среды* (стр. 111–130). Гейдельберг: Springer-Verlag. Ромишовский, А.И ДеХаас Дж. (1989). Компьютерная коммуникация для обучения: использование электронной почты в качестве семинара. *Образовательные технологии*, 24 (10). Вильяльба, Карлос. И Ромишовский Александр. (1999). AulaNet и другие среды обучения через Интернет: сравнительное исследование в международном контексте. Материалы Международной конференции ABED 1999 г., Рио-де-Жанейро, август 1999 г. Сан-Паулу, Бразилия: Associação Brasileira de Educação a Distância (ABED). [www.abed.org.br](http://www.abed.org.br) Структурная коммуникация - журнал Систематика, том 5 № 3 1967


14. Rao S., Samant P., Kadampatta A., Shenoy R. An Overview of Taguchi Method: Evolution, Concept and Interdisciplinary Applications // International Journal of Scientific & Engineering Research. – Vol. 4. – Issue 10. – 2013. – October.
15. Математические структуры и моделирование. Омск: ОмГУ, 1999. – № 3. – С.109-124.
16. Костенко К.И. Моделирование информационной системы оценки качества образования / К.И.Костенко, С.Д.Некрасов// Университетское управление: практика и анализ. - 2003. – № 3(26). – С. 77-83.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Абдурахмонова Манзура Манафовна,  
Фарғона давлат университети,  
«Ижтимоий иш» кафедраси мудири,  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент  
e-mail: manzura.abdurahmonova@mail.ru

## МАКТАБЛАРДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ

**For citation:** Abdurakhmonova Manzura. The need to study public opinion for effective decision making in schools. Journal of Social Studies. 2021, Special Issue 1, pp.192-199

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-SI-1-21>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мактаб бошқарувида самарали қарор қабул қилишда жамоатчилик фикрини ўрганиш зарурияти, шунингдек жамоатчилик фикри – бошқарув шаклининг самарадор усулларида бири сифатида мактабларда таълим сифатини юксалтиришга хизмат қилиши ёритилган бўлиб, унда жамоатчилик фикрига оид илмий назарий қарашлар, жамоа, жамият ва жамоатчилик фикри тушунчалари моҳиятини ёритиш орқали мактаб таълими бошқарувининг ўзига хос хусусияти ва бу бошқарувда жамоатчилик фикрини ўрганиш технологияларидан фойдаланиш самаралиги таъкидланган. Шунингдек, мактабларда жамоатчилик фикри ижтимоийлашуви нисбатан ёш йўналишлардан бири бўлиб, истиқболда ушбу соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши зарурлиги илмий асосланган бўлиб, бунда мактабларда жамоатчилик фикри шаклланишининг асосий манбаи бу ўша ҳудуддаги муаммолар, яъни таълим сифатига таъсир этувчи тўсиқлар ҳисобланиб, жамоатчилик фикри ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, ходимлар, ҳамкор ташкилотлар кабилар орқали социологик сўровномалар ўтказиш асосида ўрганилиши кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** мактаб бошқаруви, самарали қарор қабул қилиш, жамият, жамоатчилик фикри, жамоатчилик фикрини ўрганиш, анъанавий менежмент, ижтимоий сўровлар

Абдурахмонова Манзура Манафовна,  
Ферганский государственный университет,  
Заведующая кафедрой «Социальная работа»,  
кандидат экономических наук, доцент  
e-mail: manzura.abdurahmonova@mail.ru

## НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ ДЛЯ ПРИНЯТИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ РЕШЕНИЙ В ШКОЛАХ



**АННОТАЦИЯ**

В данной статье подчеркивается необходимость изучения общественного мнения при принятии эффективных решений в управлении школой, а также общественного мнения как одного из наиболее эффективных способов повышения качества образования. Специфика управления школьным образованием и эффективность, которая подчеркивалось использованием технологии исследования общественного мнения в настоящем управлении. Основным источником изучения общественного мнения в школе являются проблемы в этой области, препятствующие на пути к качественному образованию. Кроме того, социализация общественного мнения в школах - одна из относительно молодых направлений, и необходимость будущих исследований в этой области научно обоснована социологическими опросами родителей, учителей, сотрудников, а также партнерских организаций и т.д.

**Ключевые слова:** управление школы, общество, общественное мнение, эффективное принятие решений, исследование общественного мнения, традиционный менеджмент, социальные опросы.

**Abdurahmonova Manzura Manafovna,**  
Fergana State University,  
Head of the Department of Social Work,  
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor  
e-mail: manzura.abdurahmonova@mail.ru

**THE NEED TO STUDY PUBLIC OPINION FOR EFFECTIVE DECISION MAKING IN SCHOOLS****ANNOTATION**

This article emphasizes the need to study public opinion when making effective decisions in school management, as well as public opinion as one of the most effective ways to improve the quality of education in schools. The specificity of school management and efficiency, which was emphasized by the use of public opinion research technology in this management. The main source of public opinion research in schools is the problems in this area that hinder the path to quality education. In addition, the socialization of public opinion in schools is one of the relatively young directions, and the need for future research in this area is scientifically substantiated by sociological surveys of parents, teachers, employees, as well as partner organizations, etc.

**Key words:** school management, effective decision-making, public opinion, public opinion research, traditional management, social polls.

**КИРИШ**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш. М.Мирзиёев илгари сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” [1, – Б.15] тамойилининг амалиётга жорий этилиши, мамлакатимиз араққийнинг янги босқичида жамоатчилик назорати механизмларидан бири бўлган жамоатчилик фикри шаклини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аслида, мустақил Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги ПФ-1791-сон Фармони билан асос солинган бўлиб, ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида, 1997 йилнинг 9-июль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги 343-сонли қарори қабул қилинган ва Жамоатчилик маркази ўз фаолиятини юрита бошлаган.

Бугунги кунда таълим тизимида жамоатчилик фикри техникаси инсон фаолиятининг барча соҳаларида тез ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Таълим муассасаларида таълимни бошқариш ва ўқув жараёнини таҳлил қилиш шунинг кўрсатмоқдаки, таълимда бошқарув ва бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлиги, асосан таълим сифатига таъсир этувчи бошқа инструментлар қатори, жамоатчилик фикри асосида шаклланган натижалар ҳисобига амалга оширилмоқда. Билимлар иқтисодиёти шароитида сунъий интеллект билан бир қаторда жонли (онг) интеллект усулларида фойдаланган ҳолда таълим тизимлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда, чунки мактаб таълимида жамоатчилик фикри натижаларидан фойдаланиш орқали таълим муассасаси жараёнларининг заиф тузилмаси, мураккаблиги ва кучли томонлари аниқлаб олинади.

Мактаблар бошқарувида анъанавий менежмент амал қилади. Ушбу бошқарувда классик иқтисодиётда ер, меҳнат ва капитал ишлаб чиқаришнинг ягона омили ҳисобланса, билим, маҳсулдорлик, таълим ва интеллектуал капитал тизимдан ташқари ташқи омиллар сифатида қаралади. Янги билимлар иқтисодиёти назарияси қўшимча иккита омилни тан олади: технология ва унга асосланган билимларни. Замонавий шароитда технология ва билим нафақат ишлаб чиқаришнинг қўшимча омиллари, балки асосий омил ҳисобланади. Мактаб таълимида жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш замонавий шароитга хос бўлган технологиялардан ҳисобланади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Жамоатчилик фикри тушунчаси маъно-мазмун нуқтаи назардан олиб қаралганда, «жамоа», «жамоатчилик», «фикр» сўзларининг мантикий уйғунлашуви маҳсули сифатида намоён бўлади. Жамоатчилик фикри техникаси илдизи жамоа, жамиятнинг ривожланишига тақалиб, уларнинг такомиллашуви натижасида келиб чиқади. Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратамиз.

Жамоа – кишиларнинг қадимдаги уюшув шакли. Бунда ишлаб чиқариш воситалари ҳаммининг мулки ҳисобланган. Жамият эса – кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи.

Жамоатчилик фикри эса жамиятда, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мавжуд бўлган жараёнларда оммавий онг қарашларарида шаклланади. Жамоатчилик фикри – ижтимоий воқеаларга, турли гуруҳлар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолиятига бўлган яширин ёки ошқора муносабатларни ўз ичига олувчи оммавий онг шакли бўлиб, муайян ижтимоий масалаларни маъқуллаш ёки қоралашда намоён бўлади. Индивидлар, ижтимоий гуруҳлар хатти-ҳаракатини ва ижтимоий муносабатларда муайян меъёрларни белгилайди, умуман, жамият доирасида ҳам, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида ҳам амал қилади.

Жамоатчилик фикрининг фаоллиги ва аҳамияти жамиятнинг структуравий характери, ишлаб чиқарувчи кучларнинг, маданиятнинг, демократик ҳуқуқий меъёрлар ва эркинликларнинг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Бугунги кунда жамоатчилик фикри таълим сифатини оширишда, ҳокимият органларини сайлашда, оммавий коммуникация воситаларида, аҳоли сўровлари ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Ижтимоий мулоқотни ўрнатиш жамоатчилик фикрини шакллантириш ва фаолияти муаммосини ўрганишнинг долзарблигини англатади. Жамоатчилик фикри тушунчаси тарихдан мавжуд бўлиб, турли хил кўринишларда изоҳланган. Қуйидаги 1-жадвалда жамоатчилик фикри тушунчасига олимлар томонидан берилган таърифлар изоҳланган.

1-жадвал

### Жамоатчилик фикрига олимлар қарашлари

Жамоатчилик фикрига мутахассислар нигоҳидан нуқтаи назари	
Коробейников В.С.	Феодализм ўзининг бўлиниш хусусияти туфайли жамоатчилик фикрининг гуруҳлар фикри сифатида қарор топиши ва шаклланишида ўз изини қолдирди [2].
Италиялик мутафаккир Макиавелли	“Хукмдор” асарида жамоатчилик фикрининг кўп қиррали эканлигини айтиб ўтади. Сиёсий онг ва

	сиёсий хатти-ҳаракатни ёритиш мақсадида олим жамоатчилик фикрини ҳам ўрганади. У халқни улкан куч сифатида таърифлаб, у ҳукмдорнинг мустаҳкам асоси бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. У “ташқи душманларидан кўра ўз халқидан кўпроқ кўрққан ҳукмдор учун қалъани ўраб турувчи деворлар фойда бериши мумкин, аммо ўз халқидан эмас, балки ташқи душманлардан ҳадиксираган ҳукмдор учун қалъаларнинг кераги йўқ... уларнинг энг катта ҳимояси халқининг муҳаббатидир” деб таъкидлайди[3].
Социолог Оугл М.	Жамоатчилик фикри моҳиятини изоҳлашда яқдил нуқтаи назарнинг шаклланмаганлигини бу борадаги илмий-назарий хаос ҳалигача барҳам топмаганлигини алоҳида қуёниб таъкидлайди[4, – Б.40].
Ахлоқшунослар ва психологлар The Harris Survey Ear Book of Public Opinion. N.Y., 1970.P. 28-36.	Мазкур ижтимоий муаммони изоҳлашда жамоатчилик фикри ҳодисасига динамик такомилдаги ўзгарувчан ижтимоий-руҳий ҳолат деб ёндошишга мойил бўладилар[5, – Б.28-36].
Compedium of Curneant American Attitudes.N.Y., etc, 1970. 96 p	Жамоатчилик фикрини сиёсатшунослар уни ижтимоий онгнинг муайян мустақил шакли деб асослашга ҳаракат қиладилар[6, – Б.96].
Америкалик социолог Уолтер Липман	Жамоатчилик фикри, деб таъкидлайди у, кишиларнинг умумий, жамоавий манфаатлари ифодасидир[7, – Б.96].
Убайдуллаев Р.А., Ата-Мирзаев О.Б.	Жамоатчилик фикри жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва маънавий ҳаётининг турли жиҳатларини баҳолашда намоён бўладиган мураккаб маънавий-ахлоқий тизим, жамоат онгининг махсус шакли[8, – Б.86-95].
Гегель (Георг Вильгельм Фридрих) – немис файласуфи	Жамоатчилик фикри- халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир, жамоатчилик фикрида ҳамиша ҳақиқий бўлмаган нарсалар чатишиб кетсада, у ҳар бир даврда катта кучга эга бўлиб келган. ....илм-фан муаммоларига ёндошишда жамоатчилик фикридан фойдаланмаслик нуқтаи-назарини, илгари суради. У илм-фан чуқур текшириши, атрофлича тадқиқ этилган маълумотлар негиздагина такомил топишини таъкидлайди. Аксарият ҳолларда жамоатчилик фикри “махсус тайёргарликдан, ўқимаган кишилар фикр-мулоҳазаларининг йиғиндиси сифатида кўпгина тасодифий фактлар, тасдиқланмаган хабарлар, фикс-фасод ва ғийбатлар асосида ҳам шаклланиши мумкин” деб уқтиради[9].
Шайманова А.Э.	Жамоатчилик фикри - халқ ёндошуви халқ нуқтаи назари тарзидаги тушунча[10].
Эргашева М.	Жамоатчилик фикри халқ ёндошуви ёхуд халқ нуқтаи назари сифатида инсоният жисмоний ва маънавий камолоти йўлида шаклланган тушунча бўлиб, у ижтимоий-тарихий воқеалар, даврлар ва тажрибаларни ўзида акс эттиради ва шахс фаоллигининг шаклланишида катта роль ўйнайди[11].

Бугунги кунда таълим муассасаларида самарали қарор қабул қилиш амалиётида жамоатчилик фикри ўрганилади, шаклланади, башорат қилинади ва ҳисобга олинишга интилади, бир сўз билан айтганда, улар унинг фойдасига эришиш учун кўп ҳаракатларни амалга оширадilar.

### МЕТОДОЛОГИЯ

Инсоният тараққиётининг бошида ҳам жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ролини ўйнаган. Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳар доим жамоатчилик фикрига катта эътибор бериб келинган.

Қадимги юнон файласуфи Гераклит ижтимоий тузилиш яхлитлигини тан олган ҳолда, шу билан бирга, ҳар ким “ўз ўрнини билишини” [12, – Б.43] таъкидлаган.

Ўрта аср шарқ ҳукмдори ва мутафаккири Исмоил Самонийнинг фикрига кўра, ҳар қандай жамоатчилик фикри бошқаларга нисбатан меҳр ва инсонпарварлик муносабатлари ёрдамида тартибга солиниши ва ижтимоий фойдали йўналиши берилиши мумкинлигини изоҳлайди [13, – Б.94]. Ўзбек илк давлатчилигини асосчиси Амир Темур жамоатчилик фикрини баҳолашда “... биргаликда бўлиш учун барчани умумий ғоя билан асир қилиш керак” тамойилига амал қилган [14, – Б.53].

Шунингдек, давлат бошқарувида жамоатчилик фикри тўғрисида буюк саркарда Амир Темур бобомиз ўзининг «Темур тузуклари» асарида салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилишликни биз авлодларига маслаҳат берган:

- 1) (ўзинг билан) кенгаш;
- 2) (бошқалар билан) машварату маслаҳат айла;
- 3) хушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар;
- 4) эҳтиёткор бўл.

Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишларию айтган гаплари хато бўлган жохил кимсага қийинлаш мумкин, унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ила надомат келтирғай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмағайсан. Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлғай, яна бир қисми эса билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка солиш билан битур, тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жоиздирким, қатъийлик, хушёрлик, эҳтиёткорлик, шижоат ва сабр- чидам билан барча ишлар амалга оширилғай. Вассалом» [15], деб таъкидлаганларида бошқарув тизимида кўпчиликни фикри иштирокини таъминланишини назарда тутган.

XIX асрда Американинг “Atlantic Munsley” газетаси ношири Жеймс Ловел “Жамоатчилик фикри босими атмосфера босимиға ўхшайди. У кўринмайди, лекин квадрат дюймага ўн олти футлик куч билан босим ўтказида”. Баъзида жамоатчилик фикрини “номаълум худо, унинг олдида улар нафрат билан масхара қилишади”, деб номланади. Аммо, биз унга қандай муносабатда бўлишимиздан қатъий назар, битта нарса шубҳасиз бўлиб қолади: жамоатчилик фикри кучли динамик тизимдир [8, – Б.86-95] деб таъкидлайди.

Лекин, ҳар доим ҳам мактаб таълими бошқарувида жамоатчилик фикридан фойдаланиши тўғри бўладими? деган савол туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, жамоатчилик фикрини мазмун-моҳитига эътиборни қаратамиз.

Жамоатчилик фикри ижтимоийлашуви нисбатан ёш йўналишлардан бири бўлиб, у фуқаролик жамиятининг ривожланишидан дарак беради. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, фанда жамоатчилик фикри ва унинг ҳаққонийлиги каби масалаларга нисбатан шубҳа билан қараш урф бўлган. Бу жамоатчилик фикри социологиясининг ўрганиш доирасини қатор янги муаммолар билан бойитиб, тадқиқот учун замин яратмоқда. Кўп ҳолларда оддий халқ ва олимлар ўртасида ҳам жамоатчилик фикрининг муҳимлиги ва ҳаққонийлиги жуда паст баҳоланиши кузатилмоқда. Мисол учун, П.Бурденнинг “Жамоатчилик фикри мавжуд эмас” номли доклади ёки У.Липпманнинг “жамоатчилик фикри рационал эмас, етарлича эмоционал ва воқеалар ривожидан ортда қолади, шунинг учун, жамоатчилик фикрини бошқарув қарорларини қабул қилиш пайтида асос сифатида қабул қилиб бўлмайди”, деган фикрлари [16, – Б.7] ҳам мавжуд.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда жамоатчилик фикри асосида самарали қарор қабул қилинишида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелидаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сонли Қонунида берилган шаклларида жамоатчилик фикри - жамоатчилик муҳокамасидан, эшитуvidан, мониторингидан, экспертизасидан ўтказилади ва кейингина қўлланилади.

Демак, шубҳасиз, жамоатчилик фикри кишиларнинг у ёки бу ҳодисага нисбатан билдирган эътирозий ёхуд эътирофий муносабатлари, таклиф ва истаклари мажмуидир.

Шунингдек, бугунги кунда жамоатчилик фикри ижтимоийлашуви, социалогиянинг энг кўп талаб қилинаётган йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади жамоатчилик фикрини ўрганишдаги самарадор механизм ва технологияларни яратишдан ташқари, уни ташкил этиш ҳамда динамикасини аниқлашдан иборат. Бунда жамоатчилик фикрининг объекти ва субъектини ўрганиш, муҳим социал институт сифатидаги фаолиятининг муҳим тенденцияларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мактаб таълим фаолиятида самарали бошқарувни ташкил қилиш учун ақлли бошқарув ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда ақлли бошқарув инструментларидан бири бу жамоатчилик фикри асосида самарали қарорлар қабул қилиш ҳисобланади.

Ушбу мақолада мактаб бошқарувида самарали қарор қабул қилишдаги жамоатчилик фикрининг субъекти – кенг жамоатчилик (мактаб жамоаси) бўлиб, у ўзининг ички структурасига эга бўлади ва уни социалогик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Уларга ўқитувчилар, ходимлар, ҳамкор ташкилотлар, ота-оналар, ўқувчилар, яқка шахслар кабилар киради. Мазкур бирликлар доирасида жамоатчилик фикри шаклланади. Мактаблардаги жамоатчилик фикрининг объекти – бу жамоатчилик фикри нима борасида шаклланганлигидир, яъни жамият ёки мактабдаги бирор долзарб муаммо (таълим сифати), қандайдир факт, ҳолат ёки шу кабилар. Объект қай даражада инсон манфаатларига тегишли бўлса, жамоатчилик фикри шу даражада релефлироқ бўлади.

Мактабда жамоатчилик фикри шаклланишининг асосий манбаи бу ўша ҳудуддаги муаммолар, сифатли таълим тўсиқлари ҳисобланиб, жамоатчилик фикри ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, ходимлар, ҳамкор ташкилотлар кабилар орқали шаклланади. Чунки, мактаблар моддий ва моддий бўлмаган шароитлар аралашмасидан иборат бўлган тўсиқлардан иборат бўлади. Моддий шароитлар мактаблардаги иқтисодий ресурсларнинг етишмаслиги туфайли юзага келса, ўқитувчилар, менежмент ва техник ходимларнинг етишмаслиги моддий бўлмаган шароит сифатида аниқланди.

Ушбу тўсиқларнинг айримларини ёритиш жоиз деб топдик, уларга:

таълим сифатини пастлиги, бу кўрсаткич асосан ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳоратини етишмаслиги;

ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар моддий ва маънавий жиҳатдан етарли даражада бўлмаганлиги;

ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодларни аттестациядан ўтказиш сифатининг пастлиги;

ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлиги таъминламаганлиги;

ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотлари жадвалига тўлиқ риоя этилмаслиги;

ўқув машғулотларини кўчириш, ўтказмаслик, дарсга кеч қолиш, дарсларни белгиланган вақтдан эрта тугатиш ҳолларини мавжуд бўлганлиги;

фанлардан ўқув машғулотларининг замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилмаганлиги;

лаборатория ва амалий машғулотларнинг ўтказилишини ташкил этиш сифатини пастлиги;

зарурий дарслик, қўлланмаларнинг ҳар бир ўқувчига нисбатан нисбати пастлиги, мавжуд бўлса ҳам даврларининг маънавий эскирганлиги;

электрон ўқув-услубий мажмуаларнинг яратиш даражаси пастлиги;

ўқитиш тизимига замонавий инфор­мацион технологиялар қўллаш фаолиятини су­стлиги;

компьютер ус­куналарининг етарли бўлмаганлиги ва интернетга уланишнинг пастлиги; ўқитувчилар ва ўқувчиларни ўқув машғулотларидан асос­сиз равишда озод қилиб, турли тадбирларга, хашарларга, мактаб худудидаги турли хўжалик ишларига жалб этилиш холларини кучайганлиги;

ота-оналар ва ўқувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақса­дидаги сифатли ижтимоий сўровлар ўтказилмаганлиги кабилар бўлиб, ушбу салбий ҳолатлар натижасида таълим сифатини тушиб кетишига сабаб бўлди.

Бу эса жаҳонда кечаётган сифат глобаллашуви даврида норозиликларни келтириб чиқара бошлади ва бу ўз навбатида мактабларда жамоатчилик фикрини ўрганиш заруриятини келтириб чиқарди, ҳолатни ўрганишни талаб қилди.

Шунинг учун, таълим жараёни учун самарали бошқарув тизимини лойиҳалашнинг стратегик асослари шундан иборатки, ижтимоий сўровлар (социологик сўровномалар) ўтказиш орқали таълим ҳам­жамиятининг асосий эҳтиёжлари ва инфратузилмасини жойлаштириш орқали таълим тизимини ўзгартириш мақсадлари билан синхронлаштирилиши керак.

### **ХУЛОСА.**

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ижтимоий фикр асосида шаклланган таълимни бошқариш соҳасидаги техник, ташкилий ва бошқарув қарорларини ижтимоий интеллектуал қўллаб-қувватлаш усуллари кенг тарқалмоқда ва бу ташкилотларнинг бошқарув амалиётлари, хусусан, таълим менежменти орасида ўзларининг ажойиб самарадорлигини исботламоқда. Шу билан бирга, ижтимоий фикр асосида шаклланган интеллектуал ёндашувлар ва усуллар ижтимоий ҳамда техник тизимларнинг уйғун ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади.

Шунингдек, улар аналитик, диагностика функциясини бажаради ва бу охир-оқибат, бошқарув қарорларини қабул қилишга самарали ҳисса қўшади. Таълимни бошқаришнинг энг муҳим усуллари нафақат кадрлар билан ишлаш ёндашувларини ўз ичига олади, балки таълим муассасаси ходимлари ва ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари ўртасида юқори ички маданиятни шакллантириш, шунингдек, ўқувчилар таълим фаолиятини ривожлантиришда ижтимоий фикр асосида интеллектуал тизимларни такомиллаштириш йўлларини камраб олиш заруратини англа­тади.

Ижтимоий сўровлар орқали олинган жамоатчилик фикри асосида шаклланган хулоса ва таклифларни мактаб фаолияти тизими­га олиб кирилиши ва жорий этилиши таълим сифатини ор­тишига хизмат қилади ва бошқарувда қарор қабул қилишда самарали ҳисобланади.

### **Иқтибослар/Снос­ки/References:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон ман­фаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – Б.15
2. Коробейников В.С. Пирамида мнений (общественное мнение: природа и функции). – М.: Знание, 1987.
3. Кильметова Р.Р. Политико-правовые учения Никколо Макиавелли // Правовое государство: теория и практика № 4 (54) 2018 URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/politiko-pravovye-ucheniya-nikkolo-makiavelli>
4. Ougl M. Public opinion and Political dynamics. - Boston: 54--, 1950.p.40.
5. The Harris Survey Year Book of Publik Opinion. N.Y., 1970.P. 28-36.
6. Compedium of Curneant American Attitudes.N.Y., etc, 1970. 96 p

7. Lipman W. Public opinion. N.Y., etc, 1992. 96p.
8. Ганиева М. Жамоатчилик фикри – Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг муҳим механизми. // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2017. № 3. ООУ”ISHONCH” . – Б. 86-95.
9. Красильникова Н.А. Общественное мнение как предмет конитивно-дискурсивных исследований в сфере политической лингвистики // Политическая лингвистика 2(36)2011. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/obschestvennoe-mnenie-kak-predmet-konitivno-diskursivnyh-issledovaniy-v-sfere-politicheskoy-lingvistiki>
10. Шайманова А.Э.-Жамоатчилик фикри: мазмуни, шаклланиши, мантиғи. URL:[file:///C:/Users/User/Downloads/zhamoatchilik\\_fikri\\_mazmuni\\_shakllanishi\\_mantigi%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/zhamoatchilik_fikri_mazmuni_shakllanishi_mantigi%20(1).pdf)
11. Ergasheva M. (2020). Жамоатчилик фикрининг шаклланиш жараёнлари ва унга таъсир этувчи омиллар. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(74). URL: [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6519](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6519)
12. Popper K. Ochiq jamiyat va uning dushmanlari. – М., 1992, 43-bet.
13. Bekmurodov M. Jamoatchilik fikrini o'rganishning tarixiy ildizlari // O'zbekistonda jamoatchilik fikrini o'rganish metodikasi. – Тошкент, 2004. – Б.94.
14. Темур тузуклари. – Тошкент, 1991. – Б. 53-54.
15. Темур Тузуклар»и хақида.// URL: «<http://www.temurtuzuklari.uz/uz..> (кўрилган муддат: 22.01.2021)
16. Социологические проблемы изучения общественного мнения. Учебно-методический комплекс. Составитель д. соц.н., проф. Л.Н.Вдовиченко. Ответственный редактор Д.ф.н., чл.-корр. РАН, проф. Ж.Т.Тощенко. Российский государственный гуманитарный университет, 2010. – С.7.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ  
1-МАХСУС СОН**

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК-1**

**JOURNAL OF  
SOCIAL STUDIES  
SPECIAL ISSUE-1**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000